

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қ.Х.АБДУРАҲМОНОВ, Х.Т.ТОҲИРОВА,
Н.Қ.ЗОКИРОВА

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.


THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY
SPECIAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

K.KH.ABDURAKHMONOV, X.T.TOKHIROVA,
N.K.ZOKIROVA

SOCIAL PROTECTION OF THE POPULATION

This manual is recommended by the group of «regulating the activities of scientific organizations of higher education» of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy



©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

Қ.Ҳ.Абдурахмонов, Х.Т.Тоҳирова, Н.Қ.Зокирова. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш - (ўқув қўлланма) - Т.: ТДИУ, 2004 - 160 бет.

«Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» фанининг ўқув дастури асосида тайёрланган. Ушбу ўқув қўлланмада ижтимоий муҳофазанинг асосий йўналишлари, Ўзбекистондаги кучли ижтимоий кафолатларни шакллантиришнинг вазифалари ва хусусиятлари, ижтимоий институтлар ва ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш механизми, ижтимоий таъминот турлари, кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш механизми, манзилли ижтимоий муҳофаза қилишнинг ижтимоий- иқтисодий аҳамияти, иқтисодий ривожланган мамлакатларда аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш хусусиятлари, Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизими масалалари ёритилган.

Қўлланма иқтисодий таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: и.ф.д., профессор Холмўминов Ш.Р.

Тақризчилар: академик Убайдуллаева Р.А.;

профессор Ҳакимов Ҳ.М.;

и.ф.н. Мамарасулов Ф.

K.Kh.Abdurakhmonov, X.T.Tokhirova, N.K.Zokirova. Social protection of the population. -(Manual) - TSEU, 2004 - 160 pages.

The manual is written based on the program of the course of «Social protection of the population».

The manual is about main trends of social protection, tasks and characteristics of social insurance in the Republic of Uzbekistan, social institutions and social protection of employees, types of social protection, the mechanism of helping poor families, the essence of goals of social protection, characteristics of social protection of population in developed countries and also pension funds system of the Republic of Uzbekistan are explained.

The manual is designed for the students studying in the area of economy.

Responsible editors: doctor of economic science, prof.
Abdurahmanov K.H.

References: academician Ubaydullaeva R.A.;
professor Khakimov Kh.M.;
candidate of economic science Mamarasulov F.

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг кучли томонларидан бири унинг ижтимоий йўналтирилганлигидир. Хукуматимиз Республикамиз мустақиллигининг дастлабки кунларидек ислохотларни аҳолини, хусусан, унинг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш асосида амалга ошира бошлади ва шу йўлдан огишмай бормоқда. Бу оқилона ижтимоий сиёсатдир.

Оқилона ижтимоий сиёсат юритиш учун эса мукаммал ижтимоий муҳофаза тизимига эга бўлиш керак. Бу тизим республикамизнинг ўзига хос хусусиятларидан, айниқса, иқтисодий-ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб яратилиши лозим.

Маълумки, Ўзбекистон ўзига хос демографик хусусиятларга эга. Бу, айниқса, республикада туғилишнинг юқори эканлигида кўринади. Аҳоли умумий таркибида меҳнатга лаёқатсиз аҳоли салмоғининг юқори экани ҳукумат олдига қўшимча мажбуриятлар қўйди, яъни меҳнатга лаёқатли аҳоли ишлаб чиқаришда қатнашди, солиқлар тўлайди ва ана шу солиқлар ҳисобига ижтимоий муҳофаза учун зарур маблағлар шаклланади. Демак, аҳолининг бу табиқаси нисбатан кўпроқ бўлиши давлатга ижтимоий муаммоларни нисбатан осонроқ ечиш имконини беради.

Ижтимоий муҳофаза тизимини такомиллаштириш бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги шароитидаги янги долзарб масалалардан биридир. Чунки мамлакатда олиб борилаётган барча ислохотлар ва тадбирлар инсон учундир. Шунинг учун мамлакатимизда аҳолининг кам таъминланган, меҳнат бозорида рақобатланиш олмайдиган қисмини, ишсизлар, ногиронлар, ёш болалар, талабалар, қариялар, боқувчисини йўқотганларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсад қилиб қўйилмоқда.

Мамлакатимизда манзилли ижтимоий муҳофаза кенгроқ жорий этила боргани сайин ижтимоий муҳофазанинг аниқ ва ҳақиқатдан ҳам шунга муҳтож кишиларга, oilаларга етиб бориши таъминланмоқда. Чунки, бозор иқтисодиётининг биринчи талаби аниқлик ва маблағни тўғри тақсимлай билишдир.

Ижтимоий муҳофаза тизими ислох қилинган мамлакатлар тажрибасига кўра, манзилли ижтимоий муҳофазани амалга татиқ қилиши давлат ҳисобига катта миқдорда маблағлар тежалишига имкон яратади. Шунга қарамасдан республикамизда ижтимоий муҳофазага сарфланаётган маблағлар салмоғининг ўсиши ҳуку-

матимиз ижтимоий муҳофаза учун зарур маблағларни меъёрдаги даражада ажратилишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар қўраётганидан далолат беради.

Ҳозирги тизимнинг моҳияти шундан иборатки, мамлакатимиз келажаги ҳисобланмиш болалар ва кам даромадли оилалар бу ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий қатлам бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунда ҳамма нафақалар ва моддий ёрдамлар оилалар орқали етказиб берилмоқда. Шу тариқа ижтимоий кўмак беришнинг ҳозирги тизимида оила асосий мавқега эга бўлиб қолди.

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ: ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ

1.1. Ижтимоий муҳофаза сиёсати: унинг тамойиллари ва йўналишлари

Даромадлар сиёсатининг функцияларидан бири - ижтимоий муҳофазалаш функциясидир. Ижтимоий муҳофазалаш деганда, маълум (мураккаб, хавфли) вазиятларда аҳоли даромадларини тутиб туриш, айрим ижтимоий гуруҳларга ёрдам кўрсатиш бўйича давлат томонидан кўриладиган чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Совет давлатининг ижтимоий муҳофазалаш сиёсати асосан бюджетдан молияланадиган, қатъий марказлашган ижтимоий кафолатлар тизимини акс эттирар эди.

У даврларда ижтимоий муҳофазалашнинг минимал даражаси таъминланган, аммо у меҳнаткашларнинг кўплаб гуруҳ ва қатламларини қамраб олган эди. Таъкидлаш жоизки, меҳнат шароитлари, меҳнатни муҳофазалаш, ижтимоий таъминот кўпроқ декларатив характер касб этган, чунки маблағ ва захиралар асосан зарарли ва хавфли меҳнат шароитларини компенсациялашга (қўшимчалар, имтиёзлар, имтиёзли пенсиялар ва ҳ.в.) йўналтирилган, меҳнатни муҳофазалаш тизими эса, ижтимоий суғурта тизими билан боғланмаган эди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида давлатнинг ижтимоий сиёсати ижтимоий муҳофазалаш механизмларини, давлатнинг, корхоналар ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа субъектлари роли ва вазифаларини ўзгартиради. Амалда бу ижтимоий муҳофазалашга ажратиладиган бюджет маблағлари салмоғининг қисқаришни, давлат томонидан бериладиган бепул кафолатларнинг камайишини билдиради. Кўпроқ оғирлик нодавлат молия манбаларига, шу жумладан, корхоналар зиммасига юклатилади. Бу айрим корхоналар учун жиддий муаммолар туғдириб, уларнинг ижтимоий муҳофаза бўйича тадбирлари ҳажми ва даражасини меҳнат шароитлари ва уни муҳофазалашга боғлаб қўяди.

Амалга оширилиш усулига қараб ижтимоий сиёсатни ак-

тив ва пассив турларга ажратиш мумкин. Пассив ижтимоий сиёсат нархларни сунъий равишда тутиб туриш, шу ҳисобидан турмуш даражасини ошириш ёки барқарорлаштириш, ижтимоий муҳофазалашнинг барча йўналишлари бўйича дотацияларни кўпайтиришни кўзда тутди. Актив ижтимоий сиёсат мақсадга мувофиқроқдир. Унда ташаббус кўрсатиш ва тадбиркорлик учун шароит яратиб бериш, пенсионерлар, ветеранлар, болалар, бюджет соҳасида хизмат қилувчиларни қўллаб-қувватлашда давлатнинг ролини ошириш устувор мақсадлар ҳисобланади.

Ижтимоий сиёсатда икки асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин: аҳолини ижтимоий таъминлаш ва давлат ижтимоий кафолатлари. Ижтимоий таъминот пенсия таъминоти, нафақалар билан таъминлаш, аҳолининг айрим табақалари учун белгиланган имтиёз ва компенсациялар тизими ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатишни ўз ичига олади. Иккинчи йўналиш эса жамиятнинг бир меъёрда ривожланишини, яъни соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва соғломлаштириш, шунингдек, тураржойга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ.

Давлат ижтимоий таъминоти - бу, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кексайганда, касаллик рўй берганда, меҳнатга лаёқатини қисман ёки бутунлай йўқотганда, боқувчисини йўқотганда, шунингдек, болали оилаларни моддий таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш давлат тизимидир.

Ижтимоий таъминот қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклларда амалга оширилади: давлат ижтимоий суғуртаси, республика бюджети маблағлари, маҳаллий бюджетлар маблағлари. Иқтисодий ислоҳ қилиш даврида ижтимоий таъминотнинг жамоат ташкилотлари ва хусусий шахслар фаолияти билан боғлиқ шакллари ривож топади.

Меҳнаткашларни ижтимоий муҳофазалашни бир вақтнинг ўзида амал қиладиган ва бир-бирини тўлдирувчи тўртта қуйи тизимга ажратиш мумкин. Булар: давлат ижтимоий таъминоти; давлат ижтимоий суғуртаси; жамоа ижтимоий суғуртаси ва шахсий суғурта.

Давлат ижтимоий таъминоти - аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига пулли нафақалар воситасида кўрсатиладиган ёрдамдир. Солиқлар ва бошқа бюджет тушумлари ҳисобида молияланадиган бу ёрдам уларга белгиланган минимал турмуш даражасини кафолатлайди.

Давлат ижтимоий суғуртаси зарур турмуш даражасини кифолатлайди. У мажбурий бўлиб, иш берувчилар ва меҳнатчиларнинг суғурта бадаллари, давлат томонидан ажратилади-ғи дотациялар ҳисобига молияланади.

Жамоа ижтимоий суғуртаси старли турмуш даражасини кифолатлайди. У мажбурий ёки ихтиёрий равишда амалга оширилиши мумкин. Бунда иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг суғурта бадаллари тўлов манбалари бўлиб хизмат қилади.

Шахсий суғурта фаровонликнинг юқори даражасини кафолатлайди. У ихтиёрий равишда, фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

Биринчи икки қўйи тизимнинг иш тамойили - бирдамлик, учинчисиники - субсидиялаш, тўртинчи, яъни шахсий суғуртиники эса, мутаносиблик тамойилидир. Бирдамлик тамойили ёрдамнинг муҳтожлик даражасига қараб, фуқаро тўлаган солиқлар ва суғурта бадаллари миқдорини ҳисобга олмасдан тақсимланишини кўзда тутади. Субсидиялаш тамойилида эса муҳтожлик даражасига қараб, аммо бадаллар миқдори ва мос равишда тўловлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда ёрдам кўрсатилади. Мутаносиблик тамойили тўланган суғурта бадалларига мутаносиб миқдорда ёрдам кўрсатишни кўзда тутади.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари ижтимоий муҳофазатнинг яна бир неча тамойиллари қўлланилади:

- 1) умумийлик;
- 2) очиқлик;
- 3) кўптомонламалик;
- 4) таъминот турларининг турфа хиллиги;
- 5) мувофиқлик (яъни ижтимоий ёрдам миқдорининг иқтисодий тараққиёт даражасига мослиги).

Биринчи икки тизим ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Давлат ижтимоий таъминоти ва суғуртасининг қуйидаги турлари мавжуд:

- давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва бошқа ижтимоий нафақалар;
- давлат пенсия таъминоти;
- уй-интернатларда кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга қараш ва хизмат кўрсатиш;
- ногиронларни протез-ортопедия буюмлари ва ҳаракатлашни воситалари билан таъминлаш;

- болалар уйлари, интернатлар ва бошқа муассасаларда болаларга қараш ва уларни тарбиялаш;
- ногиронларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва касбий реабилитация қилиш;
- аҳолини санатория-курортлар ва дори-дармонлар билан таъминлаш;
- уйларда ижтимоий хизмат кўрсатиш.

1.2. «Ижтимоий муҳофаза қилиш» тушунчаси

Ижтимоий муҳофаза қилишнинг самарали тизими замонавий иқтисодиётга хос хусусият ҳисобланади. У ҳар бир кишининг ижтимоий-иқтисодий мақомидан қатъий назар, меҳнат имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ва айни вақтда жамиятдаги барқарор ҳолатни кафолатлаш, «инсон салоҳияти»ни ривожлантириш имкониятларини яратади. Ҳозирги шароитда инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишга ҳамда жамиятда ижтимоий танглик юзага келишига йўл қўймасликка айнан шундай йўллар орқали эришиш мумкин. Бундай муҳофаза таъминланмас экан, кишилар қайта ўқитиш, янгилликни ўзлаштириш, ижод қилиш каби меҳнат имкониятларидан фойдаланиши мумкин бўлмай қолади. Самарали ижтимоий муҳофаза тизимининг мавжудлиги малакали ходим меҳнатига асосланувчи замонавий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш «аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» тушунчасининг киритилишини қатъий талаб этади.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш - давлатнинг аҳолига нормал ҳаёт фаолияти учун берадиган, шарт-шароитларини таъминлайдиган бевосита мақсадли кафолатлар тизимидир.

Бошқача айтганда, ижтимоий муҳофаза тизими бозор тизими самарадорлигининг тор тасаввурларидан эмас, балки ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлаш мақсадаларини ҳал қилиш мақсадидан келиб чиқиб, ташкил этилиши керак. Шу билан бирга, у ижтимоий муҳофазанинг ҳар саваб, ўзи амал қилиб турган ишлаб чиқариш муносабатлари тизими томонидан, жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати имкониятларидан кенг фойдаланади ва замон талаблари асосида ривожланиб боради.

Ижтимоий муҳофазанинг «Иқтисодиёт инсон учун» тар-

идаги замонавий иқтисодиётга ўтиши учун шундай самарали тизим зарурки, у ҳар бир кишининг меҳнат салоҳиятидан, унинг ижтимоий-иқтисодий мақоми, қайси ижтимоий-иқтисодий гуруҳга мансублигидан қатъий назар, ундан фойдаланиш имконини берсин. Фақат мана шундагина инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишга ҳамда «эртанги кунга ишонч» бўлишига эришиш мумкин. Бундай муҳофаза таъминланмас экан, қайта тайёрлаш, янгиликни ўзлаштириш, ижодий ишлаш қобилиятига эга бўлиши керак бўлган малакали ишчи кучидан фойдаланиш имкони бўлмайди ёки анча чегараланади. Бошқача айтганда, самарали ижтимоий муҳофаза тизимининг мавжудлиги малакали ходим меҳнатига асосланадиган замонавий иқтисодиётнинг таркибий хусусияти ҳисобланади.

Самарали ижтимоий муҳофазаланиш деганда, жамиятнинг ҳар бир аъзосига маълум турмуш даражасини, ўз қобилиятини (меҳнат, тадбиркорлик, шахсий) ривожлантириш ва улардан фойдаланиш, у ёки бу қобилиятлар йўқотилган тақдирда (кексалар, ногиронлар, касаллар, болалар ва бошқалар) кафолатларни таъминлайдиган иқтисодий муносабатлар тизими тушунилади.

Ижтимоий муҳофаза мазмунини аниқлашга бундай ёндашилганда қуйидаги кафолатлар ижтимоий муҳофазанинг таркибий қисмларига айланади:

- меҳнатга лаёқатлилар учун иш (ишсизликдан муҳофаза қилиш);
- меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганлар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф гуруҳларини нафақалар билан таъминлаш;
- меҳнат фаолиятидан олинган даромад ёки нафақа асосида нормал турмуш даражасини таъминлаш (бунга асосий моддий бойликлар, энг аввало, озиқ-овқат маҳсулоти истеъмоли ҳам киритилади);
- тураржой, маданий ва соғлиқни сақлаш хизматларини минимал тенг меъёردа таъминлаш;
- замонавий малакали ишчи кучини шакллантириш учун зарур бўладиган маълумотни олиш.

Давлат ва унинг тузилмалари қуйидаги масалалар ҳам ҳал этилишини таъминлайди: Биринчидан, жамият меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди, бунга иш жойига ёки зарур ре-

сурсларга эга бўлиш ва меҳнатга яраша ҳақ тўлаш кафолати ҳам киритилади.

Ўзбекистон Республикасида ходимлар учун меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларининг энг паст даражаси қонунлар билан белгилаб қўйилади.

Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқи ва кафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан, шартнома йўси-нидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек, ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин.

Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг шартлари, агар қонунда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, бир тарафлама ўзгартирилиши мумкин эмас. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинмаган масалалар меҳнат тўғрисидаги шартномада тарафларнинг келишуви асосида, ўзаро келишилмаган тақдирда эса, меҳнат низоларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ўзбекистонда барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик қобилиятлари ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлик билан боғлиқ фарқлашлари камситиш деб ҳисобланмайди.

Меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига стказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш мумкин.¹

Шу билан бирга Ўзбекистонда давлат:

- иш билан таъминлаш турини, шу жумладан, турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси - Т.: «Адолат», 1999. 5-6 бетлар

- ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан муҳофазаланишни;

- мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;

- ҳар қимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминлаш шарт-шароитларида, меҳнат ҳақи олишда, хизмат ногонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;

- янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни;

- бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;

- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.

Иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шартлари ҳамда меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг кафолатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилади.

Иккинчидан, жамият давлат органлари тизими ва бошқа ижтимоий тузилмалар орқали иш куни, иш ҳафтаси, иш йили тартибини, юқори меҳнат самарадорлиги билан узоқ муддатли меҳнат қобилиятини сақлаш учун қулай шарт-шароитларни қонунчилик йўли билан ҳамда бошқача ижтимоий муҳофаза қилишни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида Меҳнат Кодексига мувофиқ ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиги, меҳнатнинг шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек, мамлакатда мавжуд бўлган меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати қуйидагилар учун

белгиланади:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар;
- I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар;
- ноқулай меҳнат шaroитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар;
- алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар;
- уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассаса ва ташкилотларда ишлаётган аёллар.

Иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун белгиланади.

Учинчидан, жамият ижтимоий-маданий соҳани аҳолини ижтимоий муҳофазалаш талаблари устуворлигини ҳисобга олиб ривожлантиришни кафолатлайди. Жумладан, бу вазифа дам олиш муассасаларининг зарур тизими, инфратузилмасини ривожлантириш йўли билан ҳар кунги, ҳар ҳафтадаги ва ҳар йили дам олиш учун қулай шарт-шaroитларни яратиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда дам олиш вақти - ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир.

Ходимга иш куни (смена) давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус берилиши керак, бу танаффус иш вақтига киритилмайди.

Танаффус бериш вақти ва унинг аниқ муддати ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена графикларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқариш шaroитига кўра, дам олиш ва овқатланиш учун танаффус бериш мумкин бўлмаган ишларда иш берувчи ходимга иш вақтида овқатланиб олиш имкониятини таъминлаши шарт. Бундай ишларнинг рўйхати, овқатланиш тартиби ва жойи ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан иш куни (смена) давомида бошқа танаффуслар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Ишнинг тугаши билан кейинги кун (смена) да иш бошла-

ишнинг ўртасидаги кундалик дам олиш вақтининг муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас.

Барча ходимларга дам олиш кунлари (ҳар ҳафталик уз-дўксиз дам олиш) берилади.

Беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса, бир дам олиш куни берилади.

Умумий дам олиш куни якшанбадир.

Барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлик асосида иш-лаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йил-лик меҳнат таътиллари берилади.

Ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади.

Йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой иш-лагандан кейин берилади.

Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан ҳисобланади.

Таътил қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилади:

- аёлларга - ҳомиладорлик ва туғиниш таътили олтидан ёки ундан кейин;
- I ва II гуруҳ ногиронларига;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- муддатли ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатиш ва ишга жойлаштирилган ҳарбий хизматчиларга.

Кейинги йўналиш соғлиқни муҳофаза қилиш, маориф, маъ-рифат ва ижтимоий мулк ҳисобланадиган мамлакат ҳамда жаҳон маданияти бойликларидан ҳамманинг фойдалана оли-шини назарда тутадиган юксак маданият даражасини ривож-лантириш ҳисобланади.

1.3. Ижтимоий муҳофаза қилиш объектлари

Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш ижтимоий ёрдамнинг қуй-идаги турлари билан таъминланади:

- пенсиялар;
- нафақалар;
- имтиёзлар, афзалликлар ва хизматлар;

- бир йўла (номунтазам) бериладиган моддий ёрдам.
- Қуйидагилар ижтимоий муҳофаза объектлари ҳисобланади;
- пенсия ёшига етганлар;
- ногиронлар;
- боқувчисини йўқотган болалар;
- кам таъминланган оилаларнинг болалари;
- ишсизлар;
- ҳомиладор аёллар ва ёш болаларга қараш билан бандлиги туфайли ишламаётган аёллар;
- касаллик туфайли вақтинча ишламаётганлар;
- ўқувчи ёшлар;
- меҳнатга лаёқатсизларга қараш билан банд бўлган, ишламаётган, меҳнатга лаёқатли фуқаролар.

Пенсионерлар - пенсия ёшига етганлиги ёки ногиронлик оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, шунингдек, боқувчисини йўқотган болалар (стимлар)дир. Шахсларнинг бу доирасини ижтимоий муҳофазалаш пенсия таъминоти тизими орқали амалга оширилади.

Ишсизлар - турли сабаблар туфайли ишини йўқотган ва ишга жойлашиш иштиёқи бўлган 16 ёшдан бошлаб то пенсия ёшигача меҳнатга яроқли шахслардир. Бундай шахсларни ижтимоий муҳофазалаш ишсизлик бўйича нафақалар тизими орқали амалга оширилади.

Кам таъминланган оилаларнинг болалари - ҳар бир аъзосининг умумий даромади расмий белгиланган тирикчилик қилиш учун зарур миқдордан кам бўлган оилалардаги меҳнат қилиш ёшига етмаган болалардир. Уларни ижтимоий муҳофазалаш болалар нафақа тизими орқали амалга оширилади.

1.4. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимида давлатнинг роли

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кексалик, меҳнат қобилиятини ёки боқувчисини йўқотишдан суғурта тизими (пенсия таъминоти, шу жумладан, хусусий пенсия таъминоти), кам таъминланган оилаларга ижтимоий тўловлар (болаларга нафақалар), вақтинча ишламаётганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш (ишсизлик бўйича нафақа), аҳолининг айрим тоифаларига уларнинг моддий таъминоти ва хизматларини ҳисобга олиб имтиёз ва афзалликлар

бериш (патронаж хизматлар шаклидаги ижтимоий ёрдам, озиқ-овиқат, ёнилғи бериш ва бошқалар), оналикни муҳофаза қилиш (туғишдан олдинги ва туғишдан кейинги таътилларни бериш), соғлиқни суғурта қилдириш (тиббий суғурта, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик нафақаси), ўқувчи ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш (стипендиялар), ногиронликнинг олдини олиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш (ногиронларни реабилитация қилиш, протез-ортопедия марказлари) орқали таъминланади.

Давлат аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш даражасини қонунчилик ва қонун асосидаги ҳужжатлар орқали бошқаради, тирикчилик қилиш учун зарур минимум даражасини белгилайди ва уни назарда тутиб, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг энг кам миқдорини, ижтимоий тўловларни, суғурта бадалларини ва ижтимоий ёрдам (имтиёзлар) турларини белгилайди, ижтимоий муҳофаза соҳасидаги хизматлар фаолиятини мувофиқлаштиради. Аммо, давлатнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш даражасини бошқаришдаги энг таъсирли роли қўшимча иш жойларини, шў жумладан, ногиронлар учун ҳам иш жойларини ташкил этиш, аҳолига касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва маляка даражасини оширишдаги ёрдамни рағбатлантиришдадир.

Ижтимоий муҳофаза тизими турмуш даражасининг тўла қаншоқланишигача пасайиб кетишига йўл қўймасликка йўналтирилганлигини ҳисобга олиб, «камбағаллик» тушунчаси киритилади, камбағаллик чегараси ва ундан келиб чиқиб, ижтимоий ёрдамга «муҳтожлик» мезони аниқланади.

Камбағаллик турмуш даражасининг жамиятда умуман устун бўлган стандартдан пасайиб кетиши сифатида белгиланади. Камбағаллик чегараси замон ва маконга кўра ўзгариб туради. Камбағалликнинг қўйи чегараси (мутлақ камбағаллик) деганда инсоннинг бундан кейин яшай олмайдиган даражаси тушунилади. Бу чегара бошқарилмайди.

Камбағалликнинг юқори чегараси (нисбатан камбағаллик) умуман, муайян аниқ жамиятдаги ўртача турмуш даражасидан ошмайдиган даража ҳисобланади. Бу чегара давлат томонидан белгиланиши ва бошқарилиши мумкин.

Мутлақ ва нисбатан камбағаллик ўртасидаги фарқ аҳолининг ижтимоий муҳофазаланганлик даражасини белгилайди, яъни бу оралиқ қанчалик катта бўлса, жамият ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий маънода шўнчалик фаровон бўлади. Демак, нисба-

тан камбағаллик давлат томонидан расмий белгиланган минимал турмуш кечириш учун зарур даражани ифодалайди.

Муҳтожлик - бу, асосий эҳтиёжларни қондиришдаги зарурятдир. Ижтимоий муҳофаза нуқтаи назаридан муҳтожлик аниқ бир шахс даромадларини камбағаллик даражасидан давлат томонидан расмий белгиланадиган тирикчилик қилиш учун зарур даражага етказиш лозимлигини назарда тутати. Муҳтожликни қондириш ижтимоий ёрдамнинг ҳар хил турлари мажмуи билан таъминланади.

Барча ижтимоий ёрдам турларининг йиғиндиси шахсий даромадларни ҳисобга олган ҳолда расмий белгиланган тирикчилик қилиш учун зарур минимумдан ошиб ҳам кетмаслиги, кам ҳам бўлмаслиги керак. Бу шартга риоя қилмаслик боқимандаликнинг авж олиши ёки ижтимоий муҳофаза тушунчасини камситишга олиб келади.

Ижтимоий муҳофаза турлари, шунингдек, моддий мадад миқдорлари жойдаги экологик муҳит, қишлоқ хўжалиги ва саноат билан алоқани ҳисобга олиб белгиланади. Бундай мададни бериш тартиби ва унинг миқдори боқимандаликнинг ривожланишига олиб келмаслиги керак.

Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тизими, уни ривожлантириш истиқболлари ва қарор топиш босқичларини шакллантиришда демографик вазиятнинг аҳолини ва мумкин бўлган ўзгаришларни ҳам назарда тутиш керак. Масалан, Ўзбекистондаги демографик вазиятнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бу ерда аҳолининг ярмидан кўпроги меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланади. Аммо, собиқ иттифоқнинг Европа қисмидаги мамлакатлардан фарқ қилиб, Ўзбекистондаги меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг 60 фоизга яқинини болалар ташкил қилади, яъни 9,5 миллионга яқин киши меҳнат қилиш ёшига етмаган ва бунда аҳоли табиий ўсишининг юқори суръати сақланиб турибди.

Меҳнатга лаёқатли ёшга етмаган аҳолини ижтимоий муҳофазалаш шахснинг бозор шароитларига мослашиш имконини, нормал жисмоний ҳамда маънавий ривожланишини таъминлаши керак.

Ижтимоий муҳофазанинг асосий тамойили - ҳар бир индивидга ёки оилага ёрдамни фақат уларнинг даромади, фаровонлик даражаси, ижтимоий фойдали меҳнат сифати ва давомийлигини баҳолаш асосида кўрсатишдир. Тизим камбағаллик

чегарасидан ташқарида яшовчиларни қўллаб-қувватлаши, уларга ёрдам кўрсатиши ва айти пайтда фуқароларнинг кексайганда ва меҳнат қобилиятини йўқотганда ўз ижтимоий муҳофазаларини таъминлашга интилишларини рағбатлантириши керак.

Ижтимоий муҳофазанинг асосий истеъмолчилари Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар ҳисобланади. Бу фуқаролар, ўз навбатида, икки асосий гуруҳни ташкил қилади - ижтимоий фойдали меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган шахслар ва меҳнат қилиш ёшига етмаган шахслар. Шунга кўра, ижтимоий ёрдамни икки асосий турга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- пенсия кўринишидаги ёрдам;
- нафақа кўринишидаги ёрдам.

Катта ёшлилар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотганларни ижтимоий муҳофазалаш тизимида пенсия таъминоти асосий бўлини ҳисобланади. У бир неча вазифани бажаради. Уларнинг энг муҳими меҳнат қобилиятини йўқотганликдаги компенсациядир.

Бозор муносабатларининг ривожланиши жамият саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, савдо соҳаси ва бошқалардаги давлат, кооператив ва хусусий секторни ривожлантиришдаги меҳнат улушининг бевосита натижаси сифатида пенсия таъминоти тизимининг вазифасини асосий вазифлар қаторига киритади.

Пенсия таъминоти тизими пенсия ёшини ошириш, ногиронликни реабилитация қилишга, шикастланиш ва касбий касалланишни камайтиришга интилишни рағбатлантириши керак. Пенсия таъминотининг миқдори меҳнатнинг давомийлиги ва интенсивлигига боғлиқ бўлиши лозим. Вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик бўйича нафақа касалланиш сабабларини аниқлаши керак. Қўшимча ёрдам кўрсатиш, касалликнинг оғирлиги ва уни даволаш харажатларини ҳисобга оладиган механизмлар ишлаб чиқишни амалга ошириш зарур.

Ижтимоий муҳофазанинг соғлиқни муҳофаза қилиш муносабатидаги ислоҳоти ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида амалга оширилиши ва босқичма-босқич жорий этиладиган суғуртали тиббиётга ўтишни назарда тутиши керак. Суғуртали тиббиётнинг жорий этилиши давлат томонидан маблағ билан таъминланадиган ҳамда мустасносиз барча турдаги тиббий хизматлар кўрсатадиган давлат соғлиқни сақлаш хизмати мавжуд бўлишини инкор этмаслиги лозим. Бу хизматнинг мав-

жуд бўлиши энг ночор аҳоли қатламини маълум даражада муҳофазалаш имконини беради.

Камбағаллик бутун жамиятда устун деб белгиланган стандартдан паст турмуш даражаси сифатида аниқланади.

Мутлақ ва нисбатан камбағаллик ўртасидаги фарқ аҳолининг ижтимоий муҳофазаланганлик даражасини белгилайди, яъни бу оралиқ қанча катта бўлса, жамиятнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ҳаёти шунчалик фаровон бўлади. Демак, нисбатан камбағаллик давлат томонидан расмий белгиланган тирикчилик қилиш учун зарурат даражасини англатади.

Муҳтожлик - асосий эҳтиёжларни қондиришдаги зарурийликдир.

Қисқача хулосалар

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш - давлатнинг аҳолига нормал ҳаёт фаолияти учун берадиган шарт-шароитларини таъминлайдиган бевосита мақсадли кафолатлар тизимидир. Самарали ижтимоий муҳофаза тизимининг мавжудлиги малакали ходим меҳнатига асосланадиган замонавий иқтисодиётнинг таркибий хусусияти ҳисобланади.

Ижтимоий муҳофазанинг асосий тамойили - ҳар бир индидга ёки оилага ёрдамни фақат уларнинг даромади, фаровонлик даражаси, ижтимоий фойдали меҳнат сифати ва давомийлигини баҳолаш асосида кўрсатишдир. Ижтимоий муҳофазанинг асосий истъомчилари Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатсиз фуқаролардир. Қуйидагилар ижтимоий муҳофаза объектлари ҳисобланади:

- пенсия ёшига етганлар;
- ногиронлар;
- боқувчисини йўқотган болалар;
- кам таъминланган оилаларнинг болалари;
- ишсизлар;
- ҳомиладор аёллар ва ёш болаларга қараш билан бандлиги туфайли ишламаётган аёллар;
- касаллик туфайли вақтинча ишламаётганлар;
- ўқувчи ёшлар;
- меҳнатга лаёқатсизларга қараш билан банд бўлган, ишламаётган, меҳнатга лаёқатли фуқаролар.

Ижтимоий сиёсатда икки асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин: аҳолини ижтимоий таъминлаш ва давлат ижтимоий кафолатлари. Ижтимоий таъминот пенсия таъминоти, нафақалар билан таъминлаш, аҳолининг айрим табақалари учун белгиланган имтиёз ва компенсациялар тизими ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатишни ўз ичига олади. Иккинчи йўналиш эса жамаиятнинг бир меъёردа ривожланишини, яъни соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва соғломлаштириш, шунингдек, турар-койга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ.

Назорат ва муҳожама учун саволлар

1. Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш деганда нимани тушунаси?
2. Ижтимоий муҳофазанинг таркибий қисмларига қандай кафолатлар киритилади?
3. Ижтимоий муҳофаза объектларини тушунтириб беринг.
4. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимида давлатнинг ролини асослаб беринг.
5. Ижтимоий муҳофазанинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
6. Муҳтожлик деганда нимани тушунаси?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси- Т.: «Адолат», 1996, 256 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-т, Т., Ўзбекистон, 1999.
4. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси, -Т.: Ўқитувчи, 2001.
5. Адамчук В.В, Ремашев О.В. Экономика и социология труда. - М., Учебное пособие, 1999.
6. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Тошкент, 2000.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Ўзбекистон моделида кучли ижтимоий сиёсат асосий бўғин

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг марказида ижтимоий сиёсат масаласи туради. Бу сиёсатнинг зарурати мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида аҳоли бошига тушиши муқаррар мушкулликларни енгиллаштириш билан боғлиқдир. Бундан ташқари, ҳар қандай жамиятда доимо шундай шахслар тоифаси мавжудки, улар объектив сабабларга кўра (ёши, соғлигининг ёмонлиги, мамлакатдаги ишсизлик даражаси ва бошқалар), ишлаб чиқаришда иштирок эта олишмайди. Шунинг учун улар тўғрисида қайғуришни давлат ўз зиммасига олиши, яратилган миллий даромаднинг бир қисмини улар фойдасига қайта тақсимлаши лозим.

Камбағаллик ва аҳоли ўртасида кучли иқтисодий тенгсизликнинг олдини олиш мақсадида даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш бўйича давлат чора-тадбирлари тизими ижтимоий сиёсат деб юритилади.

Кенг маънода ижтимоий сиёсат деганда, шахс ҳаёт фаолиятининг шундай шароитларини яратиш ва тутиб туриш бўйича кўрилган барча чора-тадбирлар тушуниладики, у шахснинг ривожланишига ёрдам беради ва унинг ижодий имкониятларини тўлиқ намойиш қилишини рағбатлантиради.

Бу дастур ўтказилаётган барча ислохотларнинг пировард мақсади инсон ҳаёти ва фаолияти учун муносиб шарт-шароит яратиш билан чамбарчас боғланган. «Ислохот инсон учун» деган туб қоида Ўзбекистонда ислохотнинг «жазава» усулларини қўллашни истисно этди ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичидаёқ кишиларни ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан кучли, огоҳлантирувчи чораларни кўриш зарурлигини таъкид қилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг илк босқичларидаги ижтимоий муҳофаза тадбирлари бутун аҳолига нисбатан қўлла-

нилмоқда, бу эса мамлакатда барқарорликни сақлашнинг муҳим омили бўлмоқда. Мунтазам равишда кўриб чиқиладиган турли миқдордаги иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ҳар хил нафақа, то-вон пули кўринишидаги бевосита пул тўловлари кенг қўлланил-ди, имтиёзлар ҳамда турли қўшимча тўловлар тизими аҳолини ижтимоий муҳофазалаш даражасини бирмунча оширди. Энг кам миқдордаги меҳнат ҳақи ва пенсияларнинг солиққа тортилмас-лиги белгилаб қўйилди. Корхоналарнинг ўз ходимларига ижти-моий ёрдам кўрсатиш борасидаги харажатлари қисман бюджет маблағлари ҳисобидан тўлдирилди. Оммавий равишда талаб қилинадиган кўпгина товар ва хизматлар турларининг нархла-ри ўртасидаги тафовутнинг ўрни қошланди.

Айни вақтда, қўшимча ижтимоий тадбирларнинг бутун бир мажмуи- икки ёшга тўлмаган болаларнинг бепул овқатланиши, бошланғич синфлар ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушта берилиши, мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг имтиёзли овқатланиши, жамоат транспортида имтиёзли қатна-ши кабилар йўлга қўйилди. Уй-жойларни хусусийлаштириш чоғида кўпгина тоифадаги фуқаролар уларни бепул шахсий мулк қилиб олишди. Аҳолининг талай ижтимоий гуруҳлари учун ком-мунал хизмат ва ҳоказоларда имтиёзлар жорий этилди.

Мураккаб иқтисодий аҳвол юзага келганига қарамай, Ўзбе-кистонда аҳоли учун энг муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида зарур маблағлар излаб топилди. Ислохотларнинг даст-лабки босқичида ижтимоий муҳофазага ажратилган давлат хара-жатлари республика бюджетининг учдан бир қисмини ташкил этди.

Ўша даврда ишлаб чиқилган ижтимоий сиёсат ўз олдида турган вазифаларни амалга оширди ва айни пайт бозор иқти-содиётига хос заруриятни - ижтимоий ёрдам чоралари ва воси-таларини ўзгартириб турган шароитга мувофиқ тарзда доимо мос-лаш заруратини юзага келтирди.

Барча аҳолига мўлжалланган ижтимоий сиёсат ёрдамга эҳтиёжнинг кўпроқ ва камроқ даражаси каби жуда муҳим омилга нисбатан сезгирликни қўлдан бой берди. Шундай бўлиб чиқди-ки, кам таъминланган фуқаролар ҳам, тўла таъминланган фуқа-ролар ҳам бир хилда мадад оларди. Бунинг устига, дотация жорий этилган асосий товар ва хизмат турлари ҳақиқатан истесьмол этилишига нисбатан улардан айни шундай ёрдамга камроқ муҳ-тож бўлган кишилар кўпроқ фойдаланиб қолишди.

Ҳақиқатан ҳам, муҳтож кишилар учун кам самара берган беҳуда сарф-харажат маблағларнинг сочилиб юборилишига сабаб бўлди. Шунини айтиш кифояки, фақат республика бюджетининг орқали 30 хил турли йўналишлар бўйича ёрдам кўрсатилган. Объектив равишда ижтимоий муҳофаза қилиш воситаларини қайта йўналтириш зарурати, яъни ижтимоий мадад бериш йўлидан чиндан ҳам мададга муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатишнинг табақалашган, *манзилли тизимга* ўтиш зарурати туғилди.

Республикада чиндан ҳам муҳтож одамларга манзилли, табақалашган ёрдам беришга адолат ғоясига оғишмай амал қилиш қоидаси асос қилиб олинди.

«Адолатга интилиш, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, - халқимизнинг энг муҳим фазилатидир. Адолатни кучли ҳис қилиш, кўп жиҳатдан Шарқ фалсафаси таъсири остида юзага келганки, унинг ривожланишига ўзбек халқи, ўтмиш мутафаккирлари, олимлари бебаҳо ҳисса қўшган».

Ижтимоий ёрдам тизимининг адолат мезонига бўйсундрилиши аҳоли учун ғоят оддий ва равшан бўлган тақсимот воситаларини талаб қилди ва улар ишлаб чиқилди.

Мустақиллик йиллари аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш тизими тубдан ўзгартирилди. Мазкур ўзгариш ислохотлар ижтимоий дастурини амалга ошириш жараёни биринчи босқичининг энг муҳим якуни бўлди ҳамда бозор муносабатлари ривожланишига мос янги устувор йўналишларга ўтилганлигидан адолат берди.

Янги тизим ижтимоий ёрдамдан аниқ фойдаланувчиларга нухтароқ йўналтирилган. Булар, аввало, мамлакат келажаги - *болалар, шунингдек, кўп болали ва кам таъминланган оилалардир.*

Ижтимоий ўзаро ёрдам тизимида *оила асосий бўғинга айландики*, бу эса дунёвий асосий инсонийлик қоидаларига, миллий анъаналар ва хусусиятларга, жамиятда оила мавқеига мувофиқдир.

Ўзбекистоннинг ўзига хослиги шундаки, бу ерда бир уйда биргаликда яшашни афзал кўрадиган, умумий хўжаликка эга бўлган, умумий оилавий бюджет сарфлайдиган мураккаб оилалар кўп учрайди. Бундай шароитда эса оилани ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар тоифасига киритиш мезонини танлаш жуда мураккаб иш бўлиб чиқди. Даромадларни декларация қилишдан иборат маълум усул республика учун жуда кам даражада мақбул экан.

Маълумотномалардаги расмий аломатларга қараб, оилаларга нафақа берилиши адолатнинг устувор мезонидан муқаррар чекиншларга сабаб бўлар эди. Боиси шундаки, республиканинг кўпчилик аҳолиси (60-70%) қишлоқ жойда яшаб, томорқа хўжалигидан ҳисобга олиш мушкул бўлган даромадлар кўради. Ундан ташқари, даромад ҳисобини яратиш кишиларни ёрдамчи даромадни яширишга ундар, боқимандачиликни рағбатлантирар эди. Барча даромад манбаларини тўла ва аниқ ҳисобга олиш имконини берувчи уй хўжаликларини текшириш воситаси эса ҳозирча ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистонда муҳтожларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг энг содда, самарали ва ошқора воситаси қилиб маҳалла орқали ёрдам берилиши мақбул, деб топилди. Аҳоли демократик асосда сайлаб қўядиган оқсоқоллар (райслар), уларнинг маслаҳатқўйлари ва маҳалла фаоллари, фуқаролар йиғинлари (уларга қонун йўли билан маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи мақоми берилган) ҳар бир оиланинг моддий аҳволини, даромад манбаларини яхши билади. Мамлакатда жорий этилган ижтимоий ўзаро ёрдам тизимига биноан, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш масаласи маҳалла фуқаролари йиғилишида ҳал қилинади. Муҳтожларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш, уларга манзилли ёрдам бериш ишига бундай мутлақо янгича ёндашувда қўни-қўшниларга ёрдам кўрсатиш, уларга ҳамдардлик билдириш, шунингдек, текинхўр ва боқимандаларга нисбатан муросасиз бўлиш каби қадимий халқ анъаналари намойиш бўлади. Эндилликда бесўнақай ва қимматга тушадиган қоғозбоз идоралар ташкил этмасдан туриб, аҳолининг адолат ҳақидаги тасаввурларига мувофиқ равишда ялпи ички маҳсулотнинг бир қисми чиндан ҳам муҳтож оилаларга тақсимлаб берилаётир.

Мамлакатда оналик ва болалик манфаатларини кўзлаб, болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш, ўсиб келаётган авлодни камол топтириш ва тарбиялаш учун шароит яратиш мақсадида 18 ёшгача болалари бўлган оилаларга ойлик нафақалар қўйидаги миқдорда оширилди: бир болали оилага энг кам иш ҳақининг - 40 фоизи, икки болали оилага - 80 фоизи, уч болали оилага - 120 фоизи, тўрт ва ундан кўпроқ болали оилага - 150 фоизи. Шунингдек, мазкур иш ҳақи ва меҳнат пенсиясининг энг кам миқдорлари ҳамда бола икки ёшга тўладиган пайтгача уни парвариш қилиш бўйича ойлик нафақалар (энг кам иш ҳақининг 150 фоизи миқдориди) оширилди (1-жадвал).

Эндиликда кам таъминланган оилага ойлик моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳарларда маҳалла фуқаролари вакиллариининг йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Турли жамоат ноҳукумат ташкилотлари ва жамғармаларининг тузилиши ҳам мамлакатимиз демократик тараққиёт йўлидан бораётганлигининг ёрқин далилидир. Уларнинг ҳар бири аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаларида ўз ҳиссасини қўшмоқда. Масалан, «Соғлом авлод учун» жамғармаси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миллат геножамғармасини яхшилаш, жисмоний, ақлий ва руҳий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш масалалари билан шуғулланиб, ўз дастурларини амалга ошириш орқали муносиб улуш қўшмоқда.

Республикадан ташқарида фаолият кўрсатаётган жамғармалар ҳам талайгина. Булар сирасига Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Халқаро «Экосан» жамғармаси, Болалар жамғармаси, Республика Ногиронлар жамияти ва бошқа кўпгина жамғармалар киради. «Камолот» жамғармасининг таъсис этилиши республика фуқароларининг ярмидан кўпрогини ташкил этган 18 ёшгача бўлган ёшлар ҳақида, моҳият эътибори билан ватинимизнинг иқтисодиёт, фан ва маданият, ижодий имконияти тўғрисида қилинаётган ғамхўрликнинг ёрқин далилидир.

Бозор муносабатларининг имконияти кенг, аммо айни вақтда улар ғоят талабчандир. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар кимнинг тақдири кўп жиҳатдан касб маҳоратига, ўзгариб турган муҳитга мослаша олишига, таваккал қилиши, ҳатто ўз шахсий мол-мулкини хавф остига қўйишдан ҳам кўрқмай, оилавий фаровонлигини таъминлай олиш билан боғлиқдир. Давлат эса бундай шароитда ижтимоий тоғувлик ва барқарорлик кафили бўлиб, манзилли ижтимоий саъсатни мазкур мақсадга йўналтириб туради.

Бундай ёрдам кўрсатиш учун ўз-ўзини бошқариш органлари зарур ресурслар билан таъминланади. Маҳаллаларда республика ва маҳаллий бюджетлар, шунингдек, корхона ҳамда ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқаролар кўнгилли равишда ўтказган пуллар ҳисобидан махсус жамғармалар ташкил қилинган.

Ваколатли ва ижроия ҳокимият маҳаллий органлари ўзларига қарашли ҳудудда аҳолининг биринчи навбатдаги эҳтиёжларига биноан ижтимоий ёрдам тадбирларига аниқлик кирита боради. Уларнинг асо-

сий ташвишларидан бири - ижтимоий-ишлаб чиқариш қўмакчи тузилмаларини ривожлантиришдан, яъни газ, сув қувурларини, электр ва телефон тармоқларини ўтказишдан иборат. Фақат шундай шароитдагина иш ўринларини вужудга келтириш, янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, бинобарин, ижтимоий муаммоларнинг кенг мажмуини ҳал этиш мақсадида энг чекка қишлоқларга зарур сармояни жалб этиш мумкин. Ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органлари аҳолининг ночор тоифалари учун умумдавлат ёрдам дастурлари амалга оширилишини таъминлаб, минтақа имкониятларини ҳисобга олган ҳолда шу қатламларга мадад бериш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳуқуқини олган.

Шу тариқа Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг ноёб ва бетакрор *манзилли тизими амал қилмоқдаки*, у халқ анъаналари ва ахлоқий қоидаларига асосланган ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитига мосланган.

Иқтисодий ислохотлар даврида ижтимоий сиёсат қоидалари қўйидаги асосий йўналишларда рўёбга чиқарилди: аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва меҳнат бозорини шакллантириш борасида ишга киришни истаганлар учун тегишли шарт-шароит яратилди; барча туманларда ишга жойлаштириш органлари бўлган меҳнат биржалари тузилди; иш билан бандлик жамғармасининг маблағлари ҳисобига ходимлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тармоғи ташкил этилиб, молияланди, янги иш ўринлари вужудга келтирилди; турли кўринишдаги тадбиркорлик, якка тартибда меҳнат фаолияти билан бемалол шуғулланиш имконияти берилган ва давлат секторининг анча кенгайтирилгани туфайли жами ишловчи аҳолидан ярмидан кўпроғининг шу соҳада иш билан банд бўлиши таъминланди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг бутун тизимини аста-секин ўзгартириш, оқилона йўлга қўйиш ва манзилли бўлишини таъминлаш белгиси остида ўтди. Тенгчилик қоидасидан қатъийан воз кечиш йўли танланди. Ижтимоий мададан асосий фойдаланувчилар аҳолининг энг ночор қисми - болалар, ўқувчи ёшлар, кексалар, ишсизлар, кам таъминланган oilалар, ногиронлар бўлди.

2.2. Манзилли ижтимоий муҳофаза қилишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Ижтимоий муҳофаза қилишни амалга ошириш, ижтимоий муҳофаза механизмини такомиллаштиришда сифат жиҳатидан янги босқич зарурлиги объектив жиҳатдан етилди. Шу муносабат билан энди умумий ижтимоий муҳофаза тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчил ўтиш мақсадга мувофиқ бўлиб қолди.

Бир иқтисодий тизимдан иккинчи тизимга ўтиш осон иш эмас ва у жамиятда ижтимоий-иқтисодий мураккабликларга олиб келиши мумкин.

Йўналиш ва соҳаларидан қатъий назар, бозор тартиботларини жорий этиш билан боғлиқ ҳар қандай ислохотлар кишилар манфаатларига дахлдор бўлиб, аҳоли турмуш даражасининг у ёки бу кўрсаткичлари ўзгаришига (дастлабки босқичда - жиддий тарзда пасайиб кетишига) сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтишнинг Ўзбекистон моделида кучли ижтимоий сиёсат асосий бўгин қилиб белгилангандир. Бу эса бозор иқтисодига ўтиш бирдан-бир мақсад эмаслигини, барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ислохотлар инсон ҳаёти ва фаолияти учун муносиб шароитлар яратишга қаратилишини билдиради.

«Тўртинчи устувор йўналиш - халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий муҳофаза қилишни ифода этади» - дейди Президентимиз И.А. Каримов.¹ Бундай ривожланиш стратегияси аввало, аҳолини ижтимоий муҳофазалашни ҳамда ҳар бир меҳнатга қобилиятли фуқаро ўз қобилиятини намоён этиши, ўз меҳнати билан ўзи ва оиласининг муносиб турмуш кечиришини таъминлаши учун шароит яратишни кўзда тутди.

Ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- фуқароларнинг иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, касб ва меҳнат соҳасини эркин танлаш бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўз меҳнат фаолияти шаклини эркин танлаш ҳуқуқидан фойдалана бориб, ўзини ва ўз

¹ «Халқ сўзи» газетаси., 1999 й, 15 апрель.

оиласини моддий жиҳатдан зарур даражада таъминлаши, оиласининг фаровонлиги учун, соғлом авлодни камол топтириш учун жавобгар бўлиши керак;

- ижтимоий муҳофазалаш аниқ ва мақсадли йўналтирилган бўлиши керак. Аҳолининг турли қатламларига алоҳида-алоҳида ёндашиш - янги ижтимоий муҳофаза тизимининг ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоғи лозим;

- аҳолини ижтимоий муҳофазалаш чора-тадбирлари тизимида реал меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнатга лаёқатли ҳар бир кишига ўз меҳнати билан оиласининг турмуш даражасини яхшилаш имконини берадиган шароит яратиш асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Жамият тараққиёти мамлакат иқтисодий потенциалининг қанчалик юксаклиги билан эмас, балки бу потенциал ҳар бир кишининг ҳар томонлама ривожланиши учун йўналтирилганлиги билан баҳоланади. Халқаро алоқаларда Ўзбекистон малакали ишчи кучига, улкан табиий ресурсларга эга бўлган, сиёсий жиҳатдан барқарор давлат сифатида қаралмоқда, бу эса тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш учун жуда қулай имкониятларни вужудга келтиради.

Ижтимоий ислоҳотларни ўтказишнинг тактик жиҳатлари қуйидагиларни назарда тутати:

- бозор механизмларини жорий этишдан олдин аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш бўйича қатъий чора-тадбирлар кўриш;

- ижтимоий соҳа аҳолини давлат томонидан назорат қилиш ва қўллаб-қувватлаш;

- бозор иқтисодига кириб борган сари юзага келадиган вазият ва янги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш устуворликлари ва механизмларининг ўзгариши.

Ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш, кўрилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги ва таъсирини таъминлаш натижасида:

- кишиларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетилишининг олдини олишга, республикада осойишталик ва барқарорликни сақлашга муваффақ бўлинди;

- аҳолини манзилли ижтимоий муҳофазалашнинг қатъий тизими яратилди;

- аҳоли бозор иқтисоди шароитларига кўниктирилди;
- иқтисодий фаоллик ошди, тадбиркорлик ривожланмоқда, аҳолининг иш билан бандлик тизими бозор тизимига яқинлашмоқда;
- инсон манфаатларини янада кенгроқ рўёбга чиқаришни таъминлаш учун янги шароит ва имкониятлар яратилди;
- мутлақ янгича ёндашувлар асосида замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги шуғулланади. Жойларда муҳофазалаш ва таъминлаш бўйича бошқармалар (республика субъектлари даражасида), меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш ва таъминлаш бўйича бошқармалар (вилоят, шаҳар) ва туман бўлимлари фаолият юритади. Мазкур идораларга айрим аҳоли гуруҳлари учун имтиёз ва кафолатлар белгилаш ва тўлаш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган.

Пенсия таъминоти Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси ва қуйи ижтимоий таъминот идоралари зиммасида. Нафақалар тўлаш тизими бироз мураккаброқ тузилган. Аҳоли нафақаларни иш жойидан (ижтимоий суғурта жамғармасидан), ижтимоий таъминот бўлимлари ёки маҳаллалардан олиши мумкин. Бундан ташқари, ижтимоий таъминот муассасалари (интернатлар, ижтимоий ёрдам хизматлари ва бошқалар) ва протез ишлаб чиқаришни ривожлантириш (протезлар, ногиронлар аравачалари билан таъминлаш) орқали натурал хизматлар кўрсатиш билан ижтимоий таъминот амалга оширилади.

Ижтимоий муҳофазанинг айрим функцияларини давлат идоралари: вазирликлар (маҳкамалар), уларнинг жойлардаги идоралари ва муассасалари бажаради. Ногиронларни касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш, болалар уйларида болаларга қараш ва уларни тарбиялаш каби функцияларнинг яна бир қисмини касаба уюшмалари ташкиллаштиради (курорт ва санаторийларга жўнатиш ва соғломлаштириш). Бундан ташқари, ихтиёрий ижтимоий суғурта, хайрия тадбирлари ривож топмоқда. Натижада Республика субъектлари, меҳнат жамоалари, жамоат бирлашмалари ташаббуси билан ва фуқароларнинг шахсий маблағлари ҳисобига махсус гуруҳлар ва фуқароларга давлат ижтимоий таъминотига қўшимча равишда моддий ёрдам кўрсатиш имконияти туғилмоқда. Давлат таъминотига қўшимча ижтимоий им-

тиёзлар корхоналарнинг иқтисодий имкониятларига қараб жамоа шартномаларига киритилиши мумкин. Ижтимоий муҳофазалаш тузулмаларидан яна бири - нодавлат пенсия жамғармаларидир. Яқин келажакда улар давлат пенсияларига қўшимча пенсиялар тўлай бошлайдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг хилма-хиллиги туфайли аҳоли ижтимоий муҳофазаси учун ажратиладиган маблағлар ҳам турли шаклдаги давлат, корхона, муассасалар даромадларининг бир қисмидан расмий равишда белгиланган меъёрларда шаклланади. Ундан ташқари, ижтимоий муҳофаза жамғармаларига мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар, хорижий давлатлардан келадиган ҳомийлик ва инсонпарварлик ёрдамлари ҳам қўшилади. Лекин, ижтимоий таъминот жамғармасининг асосий ҳажми давлат томонидан белгиланган меъёрларга мувофиқ миллий даромаднинг бир қисмидан шаклланади.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кишиларнинг моддий аҳволини яхшилаш вазифаларини ҳал этишда давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоаларининг, жамоат ва хайрия ташкилотларининг ҳамда жамғармаларининг маблағлари ишга туширилиши зарур. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов шундай дейди: «Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, одамларнинг моддий аҳволини яхшилаш вазифаларини ҳал қилишда давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоаларининг, жамоат ташкилотлари ва хайрия ташкилотлари («Наврўз», «Маҳалла», «Меҳнафқат» ҳамда бошқа хайрия жамғармаларининг) маблағлари фюал ишга солинмоғи керак. Ижтимоий муҳофазалаш давлатнинг ҳам, жамоат ташкилотларию, турли хайрия жамғармаларининг ҳам асосий вазифаси бўлмоғи лозим».¹

Ижтимоий муҳофаза жараёнида шаклланадиган иқтисодий муносабатлар мамлакатнинг умумий молиявий иқтисодий ҳолатига мувофиқ такомиллаша боради. Ижтимоий муҳофазанинг маблағ миқдори ва сифати мамлакатда жорий этилаётган давлат дастурлари ва ижтимоий сиёсатнинг самарадорлигига боғлиқ. Ўзбекистонда ислохотларнинг эволюцион, яъни бозор муносабатларига ўтишнинг босқичма-босқич йўли танлаб олинishi тарихий сабоқлардан тўғри хулоса қилиш, жамиятнинг объектив қонунларини эътироф этиш асосида бормоқда. Йўлимиз - ижтимоий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1996. 328-б.

йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, бундай муносабатларга аҳолининг кам таъминланган қисмини кучли муҳофаза қилиш билан босқичма-босқич ўтишдир. Тараққиётнинг ҳамма босқичларида одамларнинг ижтимоий кайфиятларини, ижтимоий муаммоларини назар-писанд қилмаслик барқарорликка катта хавф туғдиради. Одамларни даъват этувчи ижтимоий сабабларнинг рўёбга чиқиши муҳим аҳамиятга молик.

Ижтимоий муҳофазалаш ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан механизми мавжуд бўлганидагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришни таъминлаш мумкин. Янги ижтимоий муҳофаза тизимининг энг муҳим хусусияти аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндашиш хусусияти билан ажралиб туради. Аҳолини ижтимоий муҳофазалашни яхшилаш, унинг самарасини кўтариш қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга боғлиқ:

- ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш;

- давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат, хайрия ташкилотлари ва жамғармаларнинг маблағларини кенг жалб этиш.

Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқлари анча кенгайтирилиши лозим. Бу:

- одамларнинг куч ва қобилиятлари тўла-тўқис фаоллашувини таъминлашга қодир бўлган кучли механизмни вужудга келтириш (ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлигини шакллантириш);

- аҳолининг даромадларига ва турмуш даражасида асосиз катта фарқларга йўл қуймаслик, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган қатламларни шакллантириш;

- қашшокликқа қарши кураш, энг муҳтож аҳоли қатламининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтириш, демакдир.

Шундай қилиб, ижтимоий йўналишдаги ўз бозор иқтисодиётимиз йўлини вужудга келтириш ижтимоий муҳофазалашнинг шунга мос келадиган яхлит тизимини барпо этишни талаб қилади. Бу тизим фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашнинг иқтисодий ва ижтимоий кафолатларини ўз ичига олиши лозим.

2.3. Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг йўналишлари

Ўзбекистонда пенсионерларни ижтимоий муҳофазалашни кучайтиришга йўналтирилган қатор тадбирлар амалга оширилди. «Фуқороларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Миллий Қонун қабул қилинган бўлиб, у пенсиялар миқдорининг ижтимоий суғуртага берилган бадалларга боғлиқлигини кучайтирди ва шу орқали пенсия қонунчилигини ривожланган мамлакатлар андозаларига яқинлаштирди.

Ижтимоий муҳофаза тизимининг ягона молиявий асосини яратиш мақсадида Ўзбекистонда ижтимоий суғурта жамгармаси ташкил этилди. Жамгарма пенсиялар, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик ва ижтимоий нафақалар тўловларини маблағ билан таъминлашни амалга оширади.

Пенсияларнинг энг кам иш ҳақидан муайян ўсиб бориши пенсионерларни ижтимоий муҳофазалашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистонда энг кам миқдордаги пенсиянинг ўсиши энг кам иш ҳақи миқдоридан деярли 3 марта ортиқдир.

Ногиронлар аҳолининг энг заиф тоифаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда ногиронларга ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси «Ногиронларни ижтимоий муҳофазалаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва «Ногиронларни реабилитация қилиш давлат дастури» кўринишида мавжуддир. Дастурда ногиронлар учун тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилади.

Мамлакатда Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўрлар жамияти, Ўзбекистон қарлар жамияти ва бошқа ижтимоий жамиятлар муваффақиятли ишлаб турибди. Бу жамиятлар ўз корхоналарида ногиронлар меҳнатини ташкил этадилар ва уларга фақат қўшимча даромад олиш эмас, балки меҳнат фаолиятига қўшилиш, ўзининг жамиятга зарурлигини ҳис этиш имкониятини яратади, бу бебаҳо, ҳақиқий самара беради.

Ўзбекистонда болаларга нафақа тўлаш тизими қуйидаги тартибда ишлайди:

1. Бола туғилганда ота-она энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридан бир йўла бериладиган нафақа олади, бу инфляция ўсган тақдирда нафақанинг бу турини индексация қилишни осонлаштиради.

Бола туғилгандаги нафақадан ташқари она ёки болага қарайдиган шахс бола икки ёшга етгунга қадар нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Болалари 16 ёшгача бўлган оилаларга умумий нафақалар ота-онанинг даромадларидан келиб чиқиб туланади. Бу нафақалар миқдори унчалик катта эмас (тўрт ва ундан ортиқ болалари бўлган оилага бериладиган нафақанинг максимал миқдори - энг кам иш ҳақи миқдорининг 150 фоизи). Давлат бу нафақаларни тулашдан назарда тутадиган асосий мақсад - боласи бор оилаларнинг моддий ҳолатини қувватлашдир.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридан бошлаб Ўзбекистонда ижтимоий муҳофазанинг энг муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатишга йўналтирилган мақсадли шакли ривожлана бошлади. Бу нафақа қишлоқ, овул фуқаролари кенгаши, кўча ёки тураржойдаги фуқаролар вакиллари йиғилишининг қарори билан тайинланиб, давлат бюджети ҳисобидан туланади.

Қарор чиқаришдан олдин ариза берувчининг унга моддий ёрдам кўрсатилишига муҳтожлик даражаси текширилади. Ёрдам миқдори энг кам иш ҳақининг 1,5 баробаридан 3 баробаригача ташкил этади.

Ўзбек халқининг асрий анъаналаридан фойдаланиш ЯММ қисмини бюрократлар апаратини кўпайтирмай, муҳтожларнинг ўзларига йўллаш имконини берди. Бунда ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) хизматидан фойдаланилди. 1995 йилда Ўзбекистондаги жами оилаларнинг ҳар саккизтадан, қишлоқ жойларида бештадан биттаси моддий ёрдам олган.

Халқаро меҳнат ташкилоти мутахассисларининг баҳола-рига кўра, Ўзбекистонда амалда бўлиб турган тизим ўхшаши йўқ нодир тизимдир, чунки дунёнинг бирор мамлакатида бунга ўхшаш тизим мавжуд эмас.

Зарарли ва меҳнат шароити оғир ишларда иш билан банд бўлганларнинг имтиёзли пенсия таъминоти корхоналар ва иш берувчилар маблағлари ҳисобига амалга оширилиши керак, меҳнат шароити яхшиланиши мумкин бўлмаган ишлаб чиқариш-лар бундан мустаснодир.

Ўзбекистонда болалар нафақалари тизими қуйидаги нафақалар билан чегараланади:

- бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа;
- 16 ёшга етмаган болалари бўлган кам таъминланган оила-

лар болаларига ҳар ойда бериладиган нафақа (стипендия олмайдиган ўқувчиларга 18 ёшгача).

Бу нафақа миқдорлари оиланинг расман белгиланган тирикчилик қилиш учун бўлган минимумга нисбатан аниқланади.

Меҳнат бозори ташкил этилиши билан аҳолининг ижтимоий муҳофазаланишини талаб этадиган яна бир гуруҳи - ишсизлар гуруҳи пайдо бўлади. Бу аҳоли гуруҳининг фарқловчи хусусияти шундаки, у меҳнат қилиш қобилиятига эга, шу сабабли ҳам ёрдам олиш ҳуқуқидан маҳрум. Аҳолининг бу тоифаси учун ижтимоий муҳофазанинг шундай механизми ишлаб чиқилиши керакки, у меҳнат қилишга бўлган интилишни сундирмасин ва айни вақтда бюджетта оғир юк бўлиб тушмасин.

Ишсизлик нафақалари тизими тезроқ ишга жойлашишга, ўз малакасини оширишга ёки меҳнат бозорида талабгир бўлган касбни эгаллаб олишга ундаши керак. Шунга кўра, ишсизлик бўйича нафақалар миқдори бўйича ҳам, тўлаш муддатининг давомийлиги бўйича ҳам чекланади. Бундан ташқари, тўланадиган нафақалар миқдори вақтга кўра тафовутланади. Масалан, даврнинг биринчи чорагида нафақа миқдори тўлиқ, иккинчи чорагида дастлабки белгиланган сумманинг 25, учинчи чорагида 50, тўртинчи чорагида эса 25 фоизи тўланади, аммо барча ҳолатларда ҳам у расмий белгиланган тирикчилик қилиш учун зарур минимумдан кам бўлмаслиги керак.

Соғлиқни муҳофаза қилиш ижтимоий муҳофазанинг энг йирик йўналиши ҳисобланади. У республиканинг барча аҳолисини қамраб олади, шунинг учун ҳам сезиларли маблағ талаб қилади. Соғлиқни сақлаш тизими соғлом турмуш тарзига амал қилишга ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга ва бунда боқимандачиликнинг ривожланишига йўл қўймасликка рағбатлантириши керак.

Қисқача хулосалар

Мустақиллик йиллари аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш тизими тубдаи ўзгартирилди. Мазкур ўзгариш ислохотлар ижтимоий дастурини амалга ошириш биринчи босқичининг энг муҳим якуни бўлди ҳамда бозор муносабатлари ривожланишига мос янги устувор йўналишлар ўтилганлигидан далолат берди.

Янги тизим ижтимоий ёрдамдан аниқ фойдаланувчиларга пухтароқ йўналтирилган. Булар, аввало, мамлакат келажаги - болалар, шунингдек, кўп болали ва кам таъминланган оилалардир.

Ўзбекистонда муҳтожларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг энг содда, самарали ва ошкора воситаси - маҳалла орқали ёрдам берилиши мақбул, деб топилди.

Ижтимоий ислохотларни ўтказишнинг тактик жиҳатлари қуйидагиларни назарда тутди:

- бозор механизмларини жорий этишдан олдин аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш бўйича қатъий чора-тадбирлар кўриш;

- ижтимоий соҳа аҳволини давлат томонидан назорат қилиш ва қўллаб-қувватлаш;

- бозор иқтисодига кириб борган сари юзага келадиган вазият ва янги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш устуворликлари ва механизмларининг ўзгариши.

Аҳолини ижтимоий муҳофазалашни яхшилаш, унинг самарасини кўтариш қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга боғлиқ:

- ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш;

- давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат, хайрия ташкилотлари ва жамғармаларнинг маблағларини кенг жалб этиш.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Нима сабабдан Ўзбекистон моделида кучли ижтимоий сиёсат асосий бўгин сифатида қабул қилинган?
2. Манзилли ижтимоий муҳофаза тизими деганда нимани тушунасан?
3. Ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларини ифода-лаб бериш.
4. Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг асосий йўналишлари нималардан иборат?

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. -Т.: Адолат, 1996.
2. Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. «Халқ сўзи», 1999 й., 14 январь.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий пенсиялар, иқтисод, сиёсат, мафкура - Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, «Халқ сўзи», 2001., 29 июнь.
5. Умрзоқов Б. Ижтимоий муҳофаза. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Т.: 1998.
6. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. -Т., 2000.

III боб

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

3.1. Ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг ташкилий тузилмаси

Ўзбекистонда ижтимоий муҳофазалаш масалалари билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги шуғулланади. Жойларда (республика субъектлари даражасида) меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш ва таъминлаш бўйича бошқармалар (вилоят, шаҳар) ва туман бўлимлари фаолият юритади. Мазкур идораларга аҳолининг айрим гуруҳлари учун имтиёзлар ва компенсациялар белгилаш ва тўлаш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган. Пенсия таъминоти Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси ва *қуйи ижтимоий таъминот идоралари* зиммасида. Нафақалар тўлаш тизими бироз мураккаброқ тузилган. Аҳоли нафақаларни иш жойидан (*ижтимоий суғурта жамғармаидан*), *ижтимоий таъминот бўлимлари ёки маҳаллалардан олиши мумкин*. Бундан ташқари, ижтимоий таъминот муассасалари (интернатлар, ижтимоий ёрдам хизматлари ва бошқалар) ва протез ишлаб чиқаришни ривожлантириш (протезлар, ногиронлар аравачалари билан таъминлаш) орқали натурал хизматлар кўрсатиш билан ижтимоий таъминот амалга оширилади. Ижтимоий муҳофазанинг айрим функцияларини давлат идоралари - вазирликлар (маҳкамалар), уларнинг жойлардаги идоралари ва муассасалари ногиронларни касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш, болалар уйларида болаларга қараш ва уларни тарбиялаш воситасида бажарадилар. Ижтимоий муҳофазалашга доир функцияларнинг яна бир қисмини касаба уюшмалари ташкиллаштиради (курорт-санаторийларга жўнатиш ва соғломлаштириш).

Бундан ташқари, ихтиёрий ижтимоий суғурта, хайрия тadbирлари ривож топмоқда, натижада республика субъектлари, меҳнат жамоалари, жамоат бирлашмалари ташаббуси билан ва фуқароларнинг шахсий маблағлари ҳисобига махсус гуруҳлар ва фуқароларга давлат ижтимоий таъминотига қўшимча равишда моддий ёрдам кўрсатиш имконияти туғилади.

Давлат таъминотига қўшимча ижтимоий имтиёзлар корхоналарнинг иқтисодий имкониятларига қараб жамоа шартномаларига киритилиши мумкин. Ижтимоий муҳофазалаш тузилмаларидан яна бири - нодавлат пенсия жамғармаларидир. Яқин келажакда улар давлат пенсияларига қўшимча пенсиялар тулай бошлайдилар.

3.2. Ижтимоий институтлар ва ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш механизми

Ҳар қандай давлатда фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни амалга ошириш билан шуғулланадиган ижтимоий институтларнинг бутун бир тизими мавжуддир. *Ижтимоий институт - бу, одамларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкилий тузилма тарзида ташкил этишнинг барқарор шакли ёки норматив жиҳатдан тартибга солинадиган қоидалар тизимидан иборат. Мазкур тартиб доирасида тегишли институтлар фаолияти билан қамраб олинган одамларнинг ижтимоий вазифалари ва мақомларини тақсимлаш рўй беради.* Баъзи социологлар, санаб ўтилган бу институтлардан айрим турларини (тоифаларини) ижтимоий-ташкилий, қолганларини ижтимоий-норматив институтлар, деб атайдилар.

Энг муҳим ва энг қудратли ижтимоий-ташкилий институт - давлатдир. У мураккаб институционал тизимдан иборат бўлиб, турли институтлардан ташкил топган. Ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларини бажаришда суғурта компаниялари, ихтисослаштирилган турли жамғармалар, хайрия ташкилотлари, шунингдек, ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар сингари институтлар муҳим роль ўйнайдилар. Улар ўзлари вакил қилинган соҳада ижтимоий гуруҳ ва қатламларни ижтимоий муҳофаза қилишни амалга оширадилар.

Ёлланиб ишлайдиган ходимларни муҳофаза қилиши лозим бўлган институтлар *касаба уюшмаларидир*. Ҳозирги вақтда жиддий равишда янгиланишга учраган анъанавий касаба уюшмалари билан бир қаторда ишчиларнинг янги-янги ташкилотлари, «мустақил» касаба уюшмалари ҳам пайдо бўлган. Бироқ бундай ташкилотларни фақат ёлланма меҳнат ходимларининг муҳофазачилари деб атаб, анъанавий касаба уюшмаларини «расмий уюшмалар» деб ҳисоблаш, уларни муҳофазачи сифатида чиқиш ҳуку-

қидан махрум этиш адолатсизликдир. Ўзгарган касаба уюшмалари ҳақи равишда мустақил касаба уюшмалари бўлиб қолдилар, чунки улар ёлланма меҳнат ходимларининг вакиллари сифатида майдонга чиқадилар ва давлат тузилмаларига боғлиқ бўлмайдилар. Ҳам «мустақил», ҳам мустақил бўлмаган касаба уюшмалари ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазкур даражасидаги асосий фаолияти орқали меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш учун ижтимоий шериклик шакллари ҳамда механизмларидан фойдаланиш соҳасига ўтдилар. Мазкур механизм демократия ривожланган мамлакатларда яхши ишлаб чиқилган бўлиб, ўзини ижобий томондан намоиш этди. Бу механизмнинг моҳияти қарама-қаршилик эмас, балки иш берувчилар вакиллари билан давлат ўртасида музокаралар ўтказишдан, шунда асосда муроса-мадорага келиш ҳамда маълум даражада мақбул қарорлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Жамиятдаги ижтимоий-ташкилий институтлар билан бир қаторда кўпгина *ижтимоий-норматив институтлар* ҳам борки, улар бирон-бир ташкилотда намоён бўлмасдан, балки ўзларича мавжуд бўлиб, фаолият кўрсатадилар ҳамда ижтимоий муҳофаза қилишда ўзига хос роль ўйнайдилар. Ҳуқуқнинг ҳар бир соҳаси ана шундай ижтимоий-норматив институтлар тизимидан иборатдир (меҳнат ҳуқуқи, меҳнат қонунилари). Ёлланма ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимидаги муҳим ижтимоий-норматив институт ҳозирги вақтдаги таъриф битимлари, контрактлар, жамоа шартномалари ва ҳоказолар ҳисобланади.

Жамият шажаравий ташкилотининг бирмунча қуйироқ даражасида тарқалувчи ижтимоий муҳофаза қилишнинг бу институционал тизими бундай тузилмага корхона сифатида эришади. Корхона, муассаса, фирмалар, кооперативлар ва бошқа меҳнат ташкилотлари ўзларича ижтимоий институтлар бўлиб, жамиятда муҳим роль ўйнайдилар. Агар ижтимоий муҳофаза нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, уларнинг вазифалари ва фаолияти анча мураккаб ҳамда зиддиятли туюлади. Бу эса уларга бир хилда баҳо бериш имконини бермайди. Асосий ишлаб чиқариш фаолияти ўз-ўзича ходимларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ижтимоий муҳофаза қилишни назарда тутмайди. Асосий мақсадларга эришишга интилиш (ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, таннархни пасайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва ҳоказолар) улар-

нинг ҳуқуқлари ва манфаатлари бузулишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун корхонада ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида махсус институтлар зарурлигини тақозо этади.

Ўз фаолияти билан бутун корхона жамоасини қамраб оладиган ва бунинг учун зарур ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган асосий ижтимоий муҳофаза қилиш институти - *касаба уюшмаси ташкилотидир*. Бозор шароитида бу ташкилотнинг муҳофаза қилиш ролини ошириш, айниқса, зарур. Корхона банкротга учраган ёки ёпилган тақдирда ёхуд Ўз ихтисосини ўзгартирган шароитда ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, айниқса, муҳимдир. Бозор шароитида корхона нормал ишлаб турганда ҳам касаба уюшмалари ташкилотларининг ижтимоий муҳофаза қилиш вазифасини кескин ошириш талаб қилинади.

Корхонада ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг аниқ омили ва воситаси - *жамоа шартномасидир*. Бу шартноманинг моҳияти ҳозирги вақтда кескин равишда ўзгариб кетди, чунки ёлланма ходимларга ижтимоий муҳофазаланишнинг пишиқ-пuxта ҳуқуқий базаси зарур бўлмоқди.

Корхона ва турли-туман ташкилотларимиз ҳаётига тобора кенгроқ кириб бораётган ва муайян шароитда ижтимоий муҳофаза воситаси сифатида майдонга чиқиши мумкин бўлган бошқа муҳим ижтимоий-норматив институт - *меҳнат контрактидир*. Уни тўғридан-тўғри ва шак-шубҳасиз ижтимоий муҳофаза қилиш институти деб қабул қилиб бўлмайди, лекин корхона (меҳнат ташкилоти)даги контракт тизими ходимлар ҳуқуқини таъминлайдиган махсус тизим сифатида қараладиган, агар контрактда ижтимоий-иқтисодий кафолатлар берилиши қайд этиб ўтилган бўлса, у айнан ижтимоий муҳофаза қилиш институти сифатида намоён бўлиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган ижтимоий институтлар маълум даражада ижтимоий муҳофаза қилиш механизмига киритилган. Мамлакатимизда ижтимоий муҳофаза қилиш механизми шакллантириш жараёни узлуксиз давом этмоқда ва ҳозирги кунга келиб унинг учта таркибий қисми ҳақида гапириш мумкин: ижтимоий муҳофаза қилишнинг барча мавжуд институтларидан фойдаланаётган институционал механизм; ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этиш учун турли воситалардан фойдаланишни ўз ичига олувчи асбоблар механизми; ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларини бажариш соҳасидаги

турли шакллардан фойдаланишни татбиқ этадиган, яъни норма ҳосил қилиш, ташкилий, ижтимоий субъектларнинг музокаралари ва ҳоказо шакллардан фойдаланадиган фаол механизм. Мазкур механизм қандай ишлаётганлиги ҳақида ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш ёрдамида хулоса чиқариш мумкин.

Пировардида ижтимоий муҳофаза қилиш механизмининг асосий тамойилларини қараб чиқамиз:

- иқтисодий муносабатлар тизимига қўшилиши, ишловчиларнинг самарали меҳнатига асосланиши лозим;

- ҳаётнинг фақат биргина соҳасидаги кафолатлар билан чекланиб қолиши мумкин эмас;

- халқнинг миллий ва маданий анъаналарига асосланиши, уларни ҳисобга олиши лозим;

- тафаккурнинг бошқача тамойилига асосланиши лозим. Фуқаролар биринчи навбатда ўзларини ўзлари муҳофаза қилишга интилишлари, мазкур масала юзасидан муайян сиёсий қарорларни кутиб ўтирмасликлари ёки унга эришишга интилмасликлари керак;

- одамларда ўзини ўзи муҳофаза қилиш элементларини фаол ривожлантиради ва шакллантиради. Чунки, ходимни унинг ўзидан бошқа ҳеч ким пухта муҳофаза қила олмайди. Ходим - субъект давлат билан бир қаторда ўзи учун жавобгар бўлиши лозим.

3.3. Ижтимоий таъминот ва унинг турлари

Пенсия - ижтимоий таъминотнинг, кексалар ва меҳнатга қобилиятсиз кишиларга моддий ёрдам кўрсатишнинг энг асосий ва энг оммавий туридир. Пенсия таъминоти барча мамлакатларда ижтимоий дастурларнинг муҳим таркибий қисми саналади. Бугунги кунда Ер юзида ёрдамга муҳтож миллионлаб кишиларнинг энг зарур эҳтиёжлари пенсия тўловлари орқали қондирилади.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида 2,5 миллиондан ортиқ киши пенсия олади.

Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий анъаналари - мустаҳкам оила, ижтимоий ўзаро ёрдам анъаналарига мувофиқ кексалар ва болаларнинг эҳтиёжларига нисбатан сезгирлик, диққат-эътибор билан қаралади, муҳофазасиз қолганларга мурувват кўрсатилади. Республика ижтимоий сиёсати ҳам маънавий мезонларни ҳисобга олишга асосланади. Мустақил Ўзбекистонга ме-

рос бўлиб қолган ижтимоий таъминот, жумладан, пенсия таъминоти тизимини пухта ўйлаб, аста-секин ўзгартириш энг мақбул йўл, деб топишган. Мазкур йўл, бир томондан, бозор иқтисодиёти шароитида қўлласа бўладиган, аҳоли ўрганган ва адолат ҳақидаги ижтимоий тасаввурга мос келадиган унсурларни танлаб олиш ва сақлаб қолиш, иккинчи томондан, хўжалик ривожланишига тўсқинлик қиладиган ёки бозор иқтисодиёти шароитига мос келмайдиган илгариги ижтимоий тизим нуқсонларини аста-секин тuzатишни кўзда тутди. Булар меҳнатга рағбатни сўндирадиган тенгчилик тамойилларидан воз кечиш, тадбиркорликка, оила жамғармаларини оқилона жойлаштириш орқали даромад олишга ҳавас уйғотиш кабилардир.

Шуни эслатиш жоизки, шўролар даврида ижтимоий соҳа ва унинг барча муҳим йўналишларида, хусусан, пенсия соҳасида ҳам таъминотнинг тенглик тамойили асосий кўрсатма бўлган ва шу кўрсатмага биноан пенсия тўловлари тизими шаклланган эдики, ҳозирда ҳам биз ундан фойдаланмоқдамиз. Республикамизга пенсия таъминотида мерос бўлиб қолган тизим мустақил Ўзбекистонда ҳам шу асосда ўз дастурларини амалга ошира бошлади. Мазкур дастурларнинг юқорида таърифланган энг асосий қоидалари ҳозирги вақтда ривожланган меъёрий асосга эга бўлмоқда.

Самарали амал қилувчи пенсия тизимини яратиш давлат ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Зеро, жамият мамлакат иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган кишилар тўғрисида гамхўрлик қилиши даркор.

Фуқароларнинг кексайганда, меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (39-модда) мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, унда давлат пенсияларининг ягона тизими, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқиш, қайта ҳисоб қилиш ва тўлаш тартиби белгиланди.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистонда *пенсиялар 3 турга бўлинади:*

- 1) қариллик пенсияси;
- 2) ногиронлик пенсияси;
- 3) боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

Қонун пенсия таъминоти учун иккита асосий талабни бел-

гилайди: 1) пенсия таъминоти учун *ҳужж берувчи шартларнинг мавжудлиги* (пенсия ёшига стиш, ногирон бўлиб қолиш, боқувчисини йўқотиш); 2) келтирилган шартларга мувофиқ талаб этиладиган иш стажининг мавжудлиги. Ушбу талаблардан бирортаси бўлмаган тақдирда пенсия таъминоти ҳуқуқи йўқотилади.

Маълумки, жаҳон амалиётида пенсия тизимларининг иккита асосий тури мавжуд:

- ҳамжиҳат масъулият тизими, бунда ишлаётган авлод аввалги авлоднинг пенсияларини тўлашни маблағ билан таъминлаш учун бадал тўлайди (ўз навбатида, кейинги авлод ҳозирги вақтда ишлаётган авлоднинг пенсияларини тўлашни маблағ билан таъминлашни йўлга қўяди);

- жамгарув тизимлари, бунда ҳар бир ишловчи ўз меҳнат фаолияти давомида ўзининг қарилик даврини таъминлаш учун маблағ йиғиши лозим.

Республикамизнинг пенсияга оид қонун ҳужжатларидаги энг муҳим асосий қоидалардан бири шуки, *пенсия олиш ҳуқуқига фақат ишлаган фуқаролар эга*. Шу асосий қоидага биноан вафот этган ишчи, хизматчи, колхозчи учун ҳам пенсия тайинланади. Иш стажи бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари давлат пенсиялари олиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Уларнинг ижтимоий таъминоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини белгиловчи асосий шартлар қуйидагилардан иборат: пенсия ёшига (эркаклар 60 ёш, аёллар 55 ёш) стиш ва иш стажига (эркаклар учун 25 йил, аёллар учун 20 йил) эга бўлиш. Тўлиқ пенсия олиш учун иш стажи бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар улар стажига мутаносиб равишда тайинланади. Қонун билан белгиланганидек, тўлиқсиз иш стажи бўлганда бериладиган пенсия миқдори энг кам пенсия миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Республикамизнинг пенсияга оид қонун ҳужжатларида ба- жариладиган ишларнинг хусусияти ва оғирлиги билан боғлиқ ҳолда имтиёзлар беришга муайян ёндашув инлаб чиқилган. Ана шу асосларда имтиёзли шартлардаги пенсиялар, одатда, ёшидан катъий назар шундай ишларда муайян стаж бўлганда ёки умум учун белгиланган пенсия ёши 10 йилга ёки 5 йилга камайтири- либ, тайинланади. Мазкур имтиёзларни олиш ҳуқуқи, масалан,

кончилик саноати етакчи касбларида ишловчи ходимларга, авиациянинг учиб ёки учиб-синов таркибидаги ана шундай ходимларга, ер ости ишларида, айниқса, зарарли ва оғир меҳнат шароитидаги ишларда (кимё, металлургия саноати, металл қайта ишланадиган иссиқ участкаларда), шунингдек, зарарли ва оғир меҳнат шароитидаги ишларда тула иш куни билан банд бўлган ходимларга 1-сонли, 2-сонли ва 3-сонли ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар, кўрсаткичлар рўйхатлари бўйича берилади. Уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида педагог ва тиббий ходимлар учун, экологик фалокат минтақасида ишлаган шахслар учун, бевосита қариялар, ногиронлар ва меҳнатга қобилиятсиз ёлғиз фуқароларга хизмат қилувчи ижтимоий таъминот тизими ходимлари учун имтиёзли пенсия таъминоти шартлари биринчи бор белгилаб қўйилди. Масалан, ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари учун пенсия ёшга қараб - эркаклар - 55, аёллар - 50 ёшга етганда ва камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлганда; врачлар ва бошқа тиббий ходимларга худди шундай ёшга етганда ва қишлоқ жойларда - камида 25 йиллик ва шаҳарларда камида 30 йиллик махсус иш стажига эга бўлганда ёшга доир пенсия - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган ишлар ва касблар рўйхати бўйича тайинланади.

Қонун ҳужжатларида беш нафар ва ундан ортиқ болани туғиб, саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар учун, болалиқдан ногирон бўлганларни худди шу ёшгача тарбиялаган оналар учун имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқи сақлаб қолинган.

Республика қонун ҳужжатларида меҳнат миқдори ва сифатига қараб пенсия таъминотининг табақалашган қондаси янада кенгайтирилди. Талаб қилинадиган иш стажы мавжуд бўлганда ёшга доир пенсия ва I ҳамда II гуруҳ ногиронлик пенсиясининг асосий миқдори иш ҳақининг 55 фоизини, боқувчисини йўқотганда оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун эса иш ҳақининг 30 фоизини ташкил этади. Пенсия тайинлаш учун талаб қилинганидан ташқари ҳар бир тулиқ иш йили учун ёшга доир пенсия ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси миқдори иш ҳақининг I фоизи миқдорида; III гуруҳ ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганда оила-

нинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун тўланадиган пенсия миқдори иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдориди оширилади. Ёшга доир пенсия ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиясининг энг кўп миқдори иш ҳақининг 75 фоизини, III гуруҳ ногиронлик ҳамда боқувчисини йўқотганда оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун пенсиянинг энг кўп миқдори иш ҳақининг 40 фоизини ташкил этади.

Ундан ташқари, қонун I ва II гуруҳ ёлғиз ногиронларга, уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда фронт орти меҳнаткашларига, ўлими ҳарбий мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ҳамда хотинига пенсияларга устама кўшиб ҳисоблашни кўзда тутади. Устама республикада белгиланган энг кам иш ҳақига қонун билан белгиланган фоиз нисбатида ҳисобланади.

Амалда бўлган пенсия қонун ҳужжатларига биноан пенсия ҳисоблаш учун бутун меҳнат фаолияти даврининг исталган кетма-кет беш йилидаги иш ҳақи асос қилиб олинади. Иш ҳақига амалдаги қоидаларга биноан суғурта бадаллари ҳисобланадиган ҳамма меҳнат ҳақи турлари киритилади. Пенсия ҳисоблаш учун асос бўладиган иш ҳақи энг кам иш ҳақи миқдоридан етти баравар кўп қилиб белгиланган.

Пенсия таъминоти тизимида меҳнат стажининг роли анча ошганлиги сабабли, стаж пенсия ҳуқуқининг асоси этиб олинган, пенсия миқдори ҳам стажга қараб белгиланади, қатор ҳолларда эса меҳнат стажига бошқа баъзи бир фаолият турларини ҳам қўшиш кўзда тутилади. Масалан, болали аёлларга болаларни уч ёшгача парвариш қилиш даври, умумий ҳисобда 6 йилгача, иш стажига қўшилади. Моллар ҳайдаб боқиладиган яйловларда чўпоннинг хотини (уни ишга жойлаш имкони бўлмаган жойларда) эри билан биргаликда алоҳида шароитда яшаши ҳам ҳисобга олинган. Мана шу вақт, умумий иш стажига камида 5 йил бўлса, унинг меҳнат стажига кўпи билан 10 йил қўшилади.

Айни бир вақтда стажни имтиёзли тарзда ҳисоблаш ҳоллари ҳам назарда тутилган. Ҳаракатдаги армия таркибига кирадиган ҳарбий қисмларда, штаблар ва муассасаларда, жанговар ҳаракатлар даврида партизанлик отрядлари ва қўшинларида кўнгилли равишда ёлғаниб ишлаган таркиб сифатидаги хизмат ва иш вақти, байналминал бурчини бажариш чоғида жанговар ҳаракатларда қатнашган вақт стажга уч баравар кўпайтириб, ҳарбий

хизмат ва фронт ортидаги иш вақти, жумладан, иккинчи жаҳон уруши йилларида (1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майгача) эркин ёлланган таркиб сифатидаги иш вақти - стажга икки баравар қўпайтириб; лепрозорий (моховхона), вабога қарши ва юқумли касалликларни даволаш муассасаларидаги иш вақти - икки баравар қўпайтириб; паталогоанатомия ва тиббий-суд муассасаларидаги айрим тиббий ходимлар тоифалари иш вақти - стажга бир ярим баравар қўпайтириб ёзилади ва ҳоказолар.

Амалдаги қонун-ҳужжатларига биноан меҳнат стажи пенсия тайинланган кунгача ҳисобга олинади.

Ишлаб турган пенсия олувчиларга пенсия 50 фоиз миқдорида тўланади. Пенсия олиши билан бирга ишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлган айрим тоифадаги фуқаролар бундан мустасно сифатида пенсияни 100 фоиз олади. Булар - иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари, уларга тенглаштирилган кишилар, жумладан, жанговар ҳаракатлар олиб борилган мамлакатларда байналминал бурчини бажарган ҳарбий хизматчилар, Чернобил фалокати оқибатида шикастланган шахслар, 1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида ишлаганлар, I ва II гуруҳ ногиронлари ҳамда боқувчисини йўқотганлик учун оила аъзоларига пенсия олаётган шахслардир.

Қонунда бозор иқтисодиётига ўтилаётган, хўжалик субъектлари мустақиллиги ўсиб бораётган шароитда табақаланган пенсия-таъминоти тизими ривожлантирилиб, корхона ва ташкилотларга меҳнат ҳақи тўлаш учун мўлжалланган маблағлар ҳисобидан ўз ходимларига улар меҳнат улуши, моддий жиҳатдан таъминлангани ва саломатлиги ҳисобга олинган ҳолда пенсияларга қўшимча ойлик тўловлар жорий этиш ва тўлаш, мана шу меҳнат жамоасида хизмат кўрсатган ходимлар пенсияга чиқаётган вақтда бир карра нафақа тўлаш, ноқулай меҳнат шароитида банд бўлган ходимларга (агар улар пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунга биноан меҳнат шароитига доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланмаётган бўлса) муддатидан илгари пенсия тайинлаш ва тўлаш ҳуқуқи берилган.

Нафақалар. Меҳнат улушига қараб табақаланадиган пенсиялардан фарқли ўлароқ, нафақалар моҳияти бошқача - улар ўта муҳтож кишиларга айнан қўмаклашиши керак. Болалиқдан ногиронларга, қариялар ва меҳнатга қобилиятсиз кишиларга, пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган фуқароларга

нафақалар худди пенсиялар сингари ойма-ой тўлаб борилади.

Ойлик нафақа ногирон болаларга 16 ёшга етгунга қадар, уни олиш ҳуқуқини берадиган тиббий далиллари бор бўлса, шунингдек, иш стажига эга бўлмаган 16 ёшдан ошган, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан болалиқдан I ва II гуруҳ ногирони деб тан олинган шахсларга тўланади. Нафақалар ижтимоий таъминот туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тайинланади ва болалиқдан I ва II гуруҳ ногирони ёки ногирон болаларга нафақа тайин қилинган ота-оналари яшайдиган жой бўйича тўланади.

Тайинланган нафақа болалиқдан I ёки II гуруҳ ногиронига улар оладиган иш ҳақи, стипендия, алимент ёки бошқа даромадлардан, ногирон болага тайинланган нафақа у оладиган (унга бериладиган) бошқа нафақалардан қатъий назар тўланади. Нафақаларни болалиқдан ногиронларга тўлаш, етказиб бериш ва жўнатиш ишлари Ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Пенсия тайинлаш учун зарур иш стажы бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга бериладиган нафақа - давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақанинг бошқа бир тури ҳисобланади.

Ёшга доир нафақа иш стажы ҳамда таъминлаб туриши лозим бўлган қариндошлари бўлмаган шахсларга: эркакларга - 65 ёшдан, аёлларга - 60 ёшдан бошлаб тайинланади. Нафақа олиш юзасидан мурожаат қилган шахс қариндошларининг моддий аҳволи ночор эканлиги аниқланган тақдирда, моддий ёрдам кўрсатишга қурби етмайдиган қариндошлари бор бўлса ҳам, унга нафақа тайинланиши мумкин.

Ногиронлик нафақаси ногиронлик бошланган ҳолда, яъни доимий ёки узоқ вақт меҳнат қобилияти йўқотилган ҳолда, фақат I ва II гуруҳ ёлғиз ногиронларга тайинланади ҳамда тўланади.

Пенсия тайинлаш учун зарур иш стажы бўлмаган шахс вафот этган тақдирда, унинг қарамоғида бўлган оила аъзолари юқорида кўрсатилган Низомга биноан нафақа олиш ҳуқуқига эга.

Ёшига доир нафақа, ногиронлик нафақаси ва боқувчисини йўқотганлик нафақаси ижтимоий таъминот органлари томонидан тайинланади. Нафақа олувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган ҳолда нафақа тўлови тўхтатилади.

Ижтимоий таъминот тури бўлган нафақалар сирасига вақ-

тинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича, ҳомиладорлик ва туғини бўйича тўловлар ҳам кирадики, улар узоқ давом этмайдиган вақт ичида узрли сабаб юзасидан ходим йўқотган иш ҳақи ўринга ёрдам кўрсатиш мақсадида берилади. Бундай ёрдам нисбатан қисқа муддатли, аммо йўқотилган иш ҳақи миқдорларига тенг ёки яқин суммаларда нафақа тўлашни тақозо этади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси умумий меҳнат стажи давомийлигига боғлиқдир. Амалдаги қонунчиликка биноан умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлса, иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида, 5 йилдан 8 йилгача бўлса, иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида, 5 йилгача бўлса, иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида нафақа тўланади. Ишда майиб бўлган ёки касбий касалликка чалинган ходимлар, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари, байналминатчи жангчилар, Чернобил АЭСда фалокат оқибатларини тугатиш иштирокчилари, қармоғида уч ва ундан ортиқ 16 (ўқувчилар - 18) ёшга етмаган бола бўлган ходимлар каби шахслар тоифаси бундан истиснодир. Уларга меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси барча ҳолларда иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида тўланади.

Қонун ҳужжатларида болаларни таъминлашда ва тарбиялашда манзилли моддий ёрдам кўрсатиш, айрим қўшимча харажатларни қоплаш мақсадида қатор нафақалар бериш ҳам кўзда тутилганки, бунинг учун қонун чиқарувчи асосий турмуш воситалари - меҳнат ҳақи, пенсия ва ҳоказоларни етарли деб ҳисобламаган. Мазкур нафақалар асосий турмуш воситаларига қўшимча тўланади, уларга тенглаштирилмайди, балки қўшимча харажатлар зарурлиги ҳисобга олиниб белгиланади. Бундай тўловлар сирасига болали оилаларга ойлик ва галлик нафақалар, бола туғилганлиги муносабати билан, дафн маросими учун бериладиган нафақалар ва бошқалар киради.

3.4. Корхона ва ташкилотларнинг ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишдаги роли

Корхоналар ҳамisha ўз ходимларини ижтимоий муҳофазалаш вазифасини у ёки бу даражада бажариб келганлар, бу хусусан, қуйидаги йўналишларда амалга оширилган:

1. Меҳнаткашларнинг соғлиқларини сақлаш ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш, аёлларга оилавий мажбури-

ятларини ишлаб чиқариш билан бирга олиб боришлари, ёшларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олишлари учун имконият яратиб беришга хизмат қилувчи, қонунларда кўзда тутилган имтиёзлар ва ижтимоий хизматларни амалга ошириш;

2-жадвал

Ижтимоий кафолатлар, имтиёзлар ва тўловлар миллий тизими

Ижтимоий кафолатлар, имтиёзлар ва тўловлар шакллари	Тўловлар ва хизматлари шакллари	Шаклланишнинг асосий тамойиллари	Молчалик манбалари	Харажатлар миқдори, ЯИМга қисбатан % ҳисобида	Ҳуқуқий таъминот
Турмушни таъминлаш бўйича давлат ижтимоий кафолатлари	Соғлиқни сақлаш, таълим, пенсия таъминоти соҳаларида	Умумийлик, бир асослилик, ижтимоий адолат	Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар		Ижтимоий меъёрлар, муҳтожликни текширмасдан — барча аҳоли учун
Ижтимоий ёрдам	Аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз ва ижтимоий заиф қатливлари учун пенсиялар ва нафақалар	Жамият ва давлатнинг биргалликда қўллаб-қўллаш	Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар		Ижтимоий меъёрлар, муҳтожликни текширмасдан — аҳолининг заиф қатламлари учун
Мажбурий тиббий сугурта	Пенсиялар, тиббий ёрдам, реабилитация, соғломлаштириш	Шахсий жавобгарлик, бирдамлик, сугуртаси ва субсидияланганлик	Иш берувчилар ва меҳнатқашларнинг ижтимоий бадаллари		Ижтимоий меъёрлар, муҳтожликни текширмасдан — сугурталашган меҳнатқашлар учун
Тўловлар ва компенсациялар	Ижтимоий тўловлар (бонуслар), дам олиш, даволаниш, соғломлаштириш, таълим олиш бўйича қўшимча хизматлар учун тўловлар	Ижтимоий адолат, шахсий жавобгарлик	Корхоналарнинг (иш берувчиларнинг) ижтимоий тўловлари		Меҳнат сифати, шахсий ташаббус, иш стажини ҳисобга олиб тузиладиган меҳнат шартномалари, муҳтожликни текширмасдан
Ихтиёрий ижтимоий сугурта	Пенсиялар, тиббий хизматлар, соғломлаштириш	Шахсий жавобгарлик, сугурта бирдамлиги	Иш берувчилар ва меҳнатқашларнинг ижтимоий бадаллари		Муҳтожликни текширмасдан бериладиган ижтимоий кафолатлар — сугурталанганлар учун

2. Корхона томонидан белгиланган ижтимоий имтиёзлар ва хизматларни кўрсатиш: ходимлар ва уларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиш, бепул овқатланиш, маҳсулотларни имтиёзли баҳоларда сотиш, тиббий хизмат кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, дам олишни ташкил этиш, ходимларни қайта ўқитиш ва малакаларини ошириш ва бошқалар. Бу йўналишлар давлат бошқаруви марказлашган даврда анча ривожлан-

ган бўлиб, давлатдан ижтимоий муҳофаза учун субсидия ва дотациялар олувчи корхоналарнинг имкониятлари анча кенг эди. Бозор шароитида корхоналар давлатнинг бундай кўмагидан махрум бўлдилар, ижтимоий муҳофаза эса асосан корхонанинг фаолияти, олинаётган даромад, аҳолининг иш билан бандлик даражасига боғлиқ бўлиб қолди. Эндиликда корхоналарнинг ижтимоий вазифаларни бажариш даражаси уларнинг оқилона амалга оширилишига боғлиқ. Ижтимоий муҳофазалаш тизими-ни шакллантириш бўйича ёндашувлардан бири Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан илгари сурилган. У ижтимоий кафолатлар, имтиёзлар ва тўловлар элементларини тартибга солишда муҳим ўрин тутди.

Корхонада ижтимоий ёрдам ҳажмининг кенгайиши ходимни ўз иш жойига боғлайди, унда юқори унумли меҳнатга рағбат уйғотади, фирма ёки корхонанинг обрўсини сақлашга ундайди. Корхонада иш ҳақи сиёсати ва ижтимоий муҳофаза ўртасида муайян мувозанат ўрнатилиши лозим.

3.5. Ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш йўллари

Амалдаги ижтимоий муҳофазалаш тизими янги шароитларга старлича мослаштирилмаган. Иқтисодиётнинг кўпукладлилиги, турли мулкчилик шакллари-нинг юзага келиши, республика субъектлари, ўз-ўзини бошқариш идоралари ҳуқуқларининг оширилиши, ижтимоий муҳофаза учун ажратилаётган маблағларнинг қайта тақсимланишига жиддий таъсир ўтказмоқда. Минтақалар, иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг роли кучаймоқда, бу, айниқса, ижтимоий суғурта тизими, унинг ихтиёрий шакллари-ни ривожлантиришда яққолроқ намён бўлмоқда. Шу билан бирга ижтимоий муҳофаза соҳасида ўз счimini кутаётган муаммолар бир талай:

1. Ижтимоий муҳофаза тизими ҳуқуқий жиҳатдан старлича таъминланмаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тўғрисидаги қонунга эҳтиёж кучли, унинг қабул қилиниши суғуртанинг турли йўналишлари ривожланишига имкон яратган бўлур эди.

2. Мавжуд тизимнинг ишлаб чиқаришда жароҳат олган, корхоналарнинг ёпилиши, банкрот бўлиши ва тўлов қобилиятини йўқотиши оқибатида моддий зарар кўрган ходимлар ва улар-

нинг оилаларини ижтимоий муҳофазалаш даражаси жуда паст.

3. Суғурта тўловларининг умумий қиймати балансланмаган.

4. Амалдаги ижтимоий суғурта тизимида бадал тўловчиларга молиявий оғирлик ҳисобга олинмайди, суғурталанувчи суғурта жамғармаларини бошқаришдан четлатилган, суғурта бадаллари миқдори профессионал ва ижтимоий хавф даражасига боғланмаган.

5. Ижтимоий муҳофазанинг молиявий масалалари қаторида ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимларни реабилитация қилиш бўйича ижтимоий муҳофазанинг молиявий масалаларигина эмас, балки меҳнат қобилиятини йўқотганлик товодини тўлаш тизимини яратишга, зиён етган ходимларнинг тикланишлари бўйича ижтимоий хизматлар мақбул даражасини таъминлайдиган тегишли инфратузилмани шакллантиришга ҳам жиддий эътибор берилиши керак.

6. Бутун жаҳондаги каби ижтимоий суғурта жамғармаларининг мустақиллигини сақлаб қолиш, бюджетдан ташқари жамғармалар деб номланадиган жамғармаларни бюджетга бериб қўймаслик керак. Суғурталашда давлат ҳам, иш берувчи ҳам, ходим ҳам қатнашиши лозим.

7. Ижтимоий муҳофаза аввало, давлат ишидир ва бу масалада асосий юкни давлат бюджети ўз зиммасига олиши керак. Гап шундаки, ҳудудлардаги фаровонлик даражаси ғоят хилма-хилдир. Баъзи ҳудудлар ижтимоий муҳофазанинг нормал даражасини таъминлай олмайдилар. Бу эса аҳолининг анча қашшоқлашишига олиб келади.

8. Давлат нафақалари (масалан, болаларга бериладиган нафақалар, стипендиялар) миқдори камлиги ниҳоятда жиддий муаммодир, чунки улар иш ҳақининг энг кам миқдори билан боғланган. Бу миқдор эса, ўз навбатида, яшаш минимумининг 18-20 фоизини ташкил этади. Бу гап ижтимоий суғуртага ҳам тааллуқлидир (масалан, энг кам пенсия миқдори яшаш минимумининг салкам 20 фоизини ташкил этади, ишсизлик юзасидан бериладиган нафақалар ҳам миқдоран унча катта эмас ва чекинишлари бор.)

9. Илгари корхоналар ўз фойдалари ҳисобига ходимларини ижтимоий муҳофазалаш бўйича катта ишларни амалга оширар эдилар. Эндиликда корхоналарнинг иқтисодий аҳволи турлича бўлиб, айримлари ижтимоий муҳофазани ҳаддан ташқари

кучайтирган бўлсалар, баъзи корхоналар минимал ёрдам кўрсатмоқдалар. Бу, ўз навбатида, ижтимоий тангликнинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ижтимоий муҳофазалаш тизими ҳозирда қайтадан шаклланмоқда. Уни фуқаролар манфаатлари ва бозор иқтисоди талабларига нечоғлик мос бўлиши кўп жиҳатдан айти шу жараённинг иқтисодий аҳволига, ижтимоий харажатларнинг корхона рақобатбардошлигига таъсирига ва ижтимоий муҳофазанинг жамоа шартномасида белгиланган ҳажмига қараб белгиланади. Бунинг бир неча сабаблари мавжуд:

- ходимларни ижтимоий муҳофазалашни кучайтириш рақобатбардошликнинг пасайишига олиб келади;

- агар корхона ижтимоий хизматлар учун ҳақ тўлайдиган бўлса (масалан, жамоа шартномаси бўйича), у шундай хизматларга муҳтож кишиларни (масалан, болали аёллар, пенсионерларни) ишга олишдан манфаатдор бўлмайди;

- ижтимоий муҳофаза даражасининг ўта юқорилиги ва ишдан бўшаш оқибатида шундай муҳофазадан маҳрум бўлиб қолиш эҳтимоллиги меҳнаткашлар мобиллигини пасайтиради.

Ҳозирги шароитда корхоналарда ижтимоий муҳофазалашни амалга ошириш амалиёти кўрсатадики, жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, ижтимоий-профессионал мақом ва иш ҳақи юқори бўлган жойларда ходимлар кўпроқ моддий ёрдам оладилар. Шу билан бирга, сўнгги йилларда корхоналарнинг ўз ходимлари учун уй-жой ажратиш, тиббий хизмат ва болалар муассасалари билан таъминлаш имкониятлари тораймоқда.

Бугунги кунга келиб корхоналарда бепул овқатланиш, мураккаб турмуш шароитларида ходимлар ва уларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиш, маҳсулотларни имтиёзли баҳоларда сотиш, тиббий хизмат учун ҳақ тўлаш, ходимларни қайта ўқитиш ва малакаларини ошириш, катталар ва болаларнинг дам олиш харажатларини қоплаш каби ижтимоий имтиёз ва хизматларга кенгроқ ўрин берилмоқда.

Шу билан бирга ижтимоий муҳофаза фақат ижтимоий функцияларнигина эмас, балки рағбат уйғотиш функциясини ҳам бажармоқда, чунки у энди иш унумдорлиги, ходимнинг фаолияти маҳсулига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Қисқача хулосалар

Ўзбекистонда ижтимоий муҳофазалаш масалалари билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги шуғулланади. Жойларда (республика субъектлари даражасида) меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш ва таъминлаш бўйича бошқармалар (вилоят, шаҳар) ва туман бўлимлари фаолият юритади.

Энг муҳим ва энг қудратли ижтимоий-ташкилый институт - бу, давлатдир. У мураккаб институционал тизимдан иборат бўлиб, турли институтлардан ташкил топган. Ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларини бажаришда суғурта компаниялари, ихтисослаштирилган турли жамғармалар, хайрия ташкилотлари, шунингдек, ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар сингари институтлар муҳим роль ўйнайдилар. Улар ўзлари вакил қилинган соҳада ижтимоий гуруҳ ва қатламларни ижтимоий муҳофаза қилишни амалга оширадилар.

Пенсия - ижтимоий таъминотнинг, кексалар ва меҳнатга қобилиятсиз кишиларга моддий ёрдам кўрсатишнинг энг асосий ва энг оммавий туридир. Пенсия таъминоти барча мамлакатларда ижтимоий дастурларнинг муҳим таркибий қисми саналади. Самарали амал қилувчи пенсия тизимини яратиш давлат ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Зеро, жамият мамлакат иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиши даркор.

Иқтисодиётнинг қўпукладлилиги, турли мулкчилик шакллариининг юзага келиши, республика субъектлари, ўз-ўзини бошқариш идоралари ҳуқуқларининг оширилиши, ижтимоий муҳофаза учун ажратилаётган маблағларнинг қайта тақсимланишига жиддий таъсир ўтказмоқда. Минтақалар, иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг роли кучаймоқда, бу айниқса, ижтимоий суғурта тизими, унинг ихтиёрий шакллариини ривожлантиришда яққолроқ намоён бўлмоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг ташкилий тузилмаси ҳақида тушунтиринг.
2. Ижтимоий институт нима?
3. Ижтимоий таъминот ва унинг турлари ҳақида айтиб беринг.
4. Ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш механизмини ифодалаб беринг.
5. Корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий муҳофаза қилишдаги ролини изоҳлаб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси - Т.: «Адолат», 1996.
2. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси - Т.: «Ўқитувчи», 2001.
3. Владимирова Л.П. Экономика труда - Учебное пособие, М.: Изд. Дом «Дашков и К», 2000.
4. Инсон тараққиёти, - Т., 2000.
5. Адамчук В.В. и др. Экономика и социология труда Учебник для ВУЗов - М.: ЮНИТИ, 1999.

МЕҲНАТ БОЗОРИ, ИШ БИЛАН БАНДЛИК, ИШСИЗЛИК

4.1. Меҳнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти

Меҳнат бозори бозор иқтисодиёти тизимининг таркибий қисми бўлиб, у бошқа бозорлар: хом ашё, материаллар, қимматли қоғозлар бозорлари ва бошқа бозорлар билан бирга фаолият кўрсатади.

Умуман, меҳнат бозори деганда, бозор иқтисодиётининг умумий кичик тизими тушунилиб, унда бир томондан, иш берувчилар (ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари), иккинчи томондан, ёлланма ишчилар ўзаро алоқада бўлади. Бу жараёндаги ўзаро муносабатлар натижасида ишчи кучи таклифи ва унга талабнинг ҳажми, тузилмаси ва нисбати шаклланади.

Меҳнат бозорининг таркибий қисмлари қуйидагилардир:

- меҳнатга талаб;
- меҳнат таклифи;
- ишчи кучи нархи;
- ишчи кучи қиймати;
- рақобат.

Меҳнатга талаб - меҳнат бозорида бор бўлган ишчи кучига ижтимоий эҳтиёжларнинг умумий ҳажмини акс эттиради.

Меҳнатнинг таклифи - ишчи кучининг сони ва таркиби (жинс, ёш, маълумот, касб, малака ва бошқалар) билан ифодаланадиган умумий миқдори.

Ишчи кучи нархи - унга тўланадиган иш ҳақи.

Ишчи кучи қиймати - уни қайта тиклаш учун сарфланадиган ижтимоий чиқимлар. У истеъмол қилинадиган моддий ва номоддий бойликлар ҳажми билан аниқланади. Меҳнат бозорининг ишлашидаги асосий механизм серунум ишчи кучи жалб қилишга интилувчи ёлловчилар билан ижтимоий меҳнат тақсироти тизимидаги бўш иш жойларини эгаллашга интилаётган ишчилар, шунингдек, меҳнат битими ва меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитлари бўйича ишчилар билан ёлловчилар ўртасидаги рақобат ҳисобланади.

Шундай қилиб, меҳнат бозори товар бозорининг ўзига хос тури бўлиб, унинг фарқловчи хусусияти бу бозорда товарнинг махсус тури - ишчи кучи ёки кишининг меҳнат қилиш қобили-

яти сотилишидир.

Меҳнат бозори иқтисодий тушунча сифатида бу товарнинг эгалари (ёлланма ишчилар), айна вақтда унинг сотувчилари ҳам ҳисобланадиганлар билан харидорлар (иш берувчилар) ўртасидаги ўзаро муносабатни акс эттиради. Бу ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусияти ва жамият учун муҳимлигини назарда тутиб, улар меҳнат қонунчилигида юридик расмийлаштирилади.

Қуйидагилар меҳнат бозорининг асосий субъектлари ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари ва уларнинг манфаатларини ифодаловчи органлар (тадбиркорлар уюшмалари);
- ёлланма ишчилар ва уларнинг манфаатларини акс эттирувчи ташкилотлар (касаба уюшмалари, ходимлар кенгашлари);
- давлат (ўзининг турли тузилмалари тимсолида) иш берувчилар билан ёлланма ишчилар ўртасидаги воситачилар сифатида.

Шундай қилиб, меҳнат бозорининг асосий субъектлари орасида давлатга ёллаш муносабатларининг иштирокчиси, иш берувчилар билан ёлланма ишчилар ўртасидаги воситачи ва бу соҳада бозор муносабатлари ишининг бош ташкилотчиси сифатида муҳим роль ажратилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозори бир қатор ижобий тарафларга эга:

- замонавий эҳтиёжларга жавоб берадиган ишчи кучини қайта тиклашда муҳим рол ўйнайди;
- ишчи кучини тармоқлар ва ҳудудлар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашни таъминлайди;
- иш кучининг ҳаракатчанлиги (мобиллиги)ни оширади;
- меҳнат унумдорлиги ўсишини рағбатлантиради ва бошқалар.

Меҳнат бозорининг ижобий вазифалари унинг ишлаши ва ички тузилмаси билан боғлиқ ички механизмлар таъсири воситасида амалга оширилади.

Меҳнат бозори динамикасига таъсир кўрсатувчи омиллар қуйидагилардир:

- демографик, у аҳолининг сони, ундаги иқтисодий фаол аҳолининг салмоғи, унинг ҳаракатчанлиги ва бошқаларни ўз ичига олади.
- ижтимоий, унинг таркибига турмуш даражаси, жамиятнинг ижтимоий тузилмаси, ижтимоий шериклик муносабатларининг ривожланганлик даражаси ва бошқалар киритилади.
- ташкилий-ҳуқуқий, у давлат муассасаларининг меҳнат

ва аҳоли бандлигини ташкил этишдаги ролини, меҳнат соҳаси ва тадбиркорликнинг ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилганлиги ҳамда унинг сифатини ва бошқаларни ифодалайди.

Меҳнат бозорини сегментлаш бозорни тузилмаларга ажратишдан келиб чиқадиган объектив жараён бўлиб, унда жамият ривожланишининг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий омиллари таъсирида меҳнат бозорининг ҳар бир ходимлар тоифаси хусусиятларидан келиб чиқиб, турли тавсифлари билан фарқланувчи алоҳида суббозорлар ёки сегментларга табиий бўлиниши содир бўлади.

Меҳнат бозори сегментациясини ўрганишда, одатда, учта белгидан фойдаланилади: касбий-тармоқ, малака-иш ҳақи ва ижтимоий-демографик. Бу белгиларни бириктириш орқали ходимлар фаолияти соҳасининг устуворлиги ҳамда моддий таъминланганлик даражаси билан фарқланувчи турли гуруҳларни ажратиш мумкин:

- иш билан бандлик кафолатларининг даражаси анчагина юқори ва даромадларнинг ўсиши инфляция ҳамда умумий иқтисодий ўсишдан ортиқ бўлган ривожланаётган тармоқ ва фаолият соҳаларида банд бўлган нодир юқори малакали ходимлар гуруҳи;

- иш билан бандлик кафолатлари йўқ ёки кам бўлган ва даромадлар инфляция суръатлари билан қийёсланадиган даражада бўлган қисқараётган ёки ривожланмаётган фаолият соҳаларидаги ортиқча юқори малакали ходимлар гуруҳи;

- иш билан бандлик нисбатан барқарор, даромадлар даражаси инфляция суръатидан ортда қолаётган, ижтимоий қувватланишга муҳтож бўлган ривожланаётган фаолият соҳаларидаги нодир малакали ва паст малакали ходимлар гуруҳи;

- иш билан бандлик кафолатлари йўқ ёки кам бўлган ва даромадлар даражаси инфляция суръатидан анча орқада қолаётган, қисқараётган ёки ривожланмаётган фаолият соҳаларидаги ортиқча малакали ва паст малакали ходимлар гуруҳи;

- юқорида айтилган тоифаларнинг ҳар қандайга мансуб бўлган, аммо айни вақтда ижтимоий заиф гуруҳлар қаторига кирадиган, меҳнат потенциалидан фойдаланиш имкониятлари чеklangанлиги туфайли бандлик кафолатлари ва даромадлар даражаси у ёки бу меъёрда паст бўладиган ходимлар.

Сегментлаш меҳнат бозорини бандлик ва ишсизлик, ёлланма ишчилар билан иш берувчилар ўртасидаги рақобат нуқтаи назаридан ходимларнинг ҳар бир тоифаси бўйича аниқ баҳолаш, яъни суббозор ичидаги мувозанатнинг хусусий шарт-ша-

роитларни аниқлаш имконини беради.

Меҳнат бозорини ўрганишда меҳнатга талаб, одатда, турт-та асосий даража кечмасида кўриб чиқилади:

- алоҳида корхона, ташкилот;
- тармоқлар;
- минтақалар;
- умумий иқтисодиёт.

Бу тузилмалар амалда бўлган шароитларда бозор, умуман, ижтимоий эҳтиёжларни акс эттирадиган мувофиқ келувчи сегментлаш бўлиб ўтади.

Дувл бозорнинг модел аниқлаштирилиши ва меҳнат бозори куйидаги беш сегментга ажратилиши мумкин:

- энг юқори малакали мутахассислар бозори;
- малакали кадрлар бозори;
- иш касблари меҳнат бозори;
- кам малакали ходимлар ва хизмат соҳалари меҳнат бозори;
- қолдиқ меҳнат бозори.

Бу турдаги кўп сегментли бозор тузилмаси жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатларига хосдир. Ўзбекистон ҳам ўтиш даври иқтисодиёти шароитларида анчагина ифодаланган, сегментланган меҳнат бозори тузилмасига эга. Бу ўринда бир нарсани алоҳида айтиб ўтиш керакки, ривожланган мамлакатларда меҳнат бозори кўпроқ давлат томонидан бошқарилади. Бу, айниқса, иқтисодиётнинг ўтиш турига эга бўлган мамлакатларга хосдир. Бундай мамлакатларда бозор шаклланиш босқичида бўлади ва хўжалик юритишнинг бозор тизими қарор топиш жараёни тузилмавий қайта қуриш муносабати билан иқтисодиётнинг турли тармоқларидан бушаганлар сонининг кескин кўпайган даврига тўғри келади.

Бундан ташқари, ижтимоий-меҳнат соҳасида давлат бошқаруви ролининг ортишига бир қатор ноиқтисодий омилларнинг кучли таъсири сабаб бўлиши мумкин, булардан аҳамият-лироғи демография жараёнларидир. Масалан, аҳоли табиий кўпайишининг юқори суръати анъанавий бўлган Ўзбекистонда меҳнат бозори самарали ишлашини шакллантиришда давлатнинг фаол аралашуви зарур.

Меҳнат бозори модели. Юқорида айтиб ўтилганидек, меҳнат бозори динамик тизим ҳисобланади. Бу тизимни тушуниб олиш учун меҳнат бозорининг асосий тавсифларини тикловчи фаннинг абстракт моделини тузиш керак.

1. Ҳар бир кишининг ва ҳар бир фирманинг фаолияти ўз манфаатларини мумкин қадар қондиришга йўналтирилган.

Меҳнат хизматлари харидорида фойда умумлашган асосий манфаат ролини бажаради. Меҳнат хизматларини сотувчининг манфаати эса бундай умумлашган кўринишда мураккаброқ тuzилмага эга бўлади.

2. Меҳнат хизматларининг харидор ва сотувчилари ўзларида мавжуд вариантлар муносабатида маълум ахборотга эга ва ўзларига фойдалироғини танлаб олишга қодир бўладилар.

3. Меҳнат бозорида сифат жиҳатидан бир турли меҳнат хизматлари сотилади ва сотиб олинади. Гуё ходимлар бир хил сифатдаги иш кучига эга бўлади, ишчилар эса бир-биридан фарқ қилмайди.

4. Меҳнат унумдорлиги ўзгармас катталиқ ҳисобланади ҳамда иш вақтининг давомийлиги ва бошқа омилларга боғлиқ бўлмайди.

5. Ишчи кучига сарфлар қатъий белгиланган ижтимоий компонентларга эга бўлмайди, балки фақат ишланган иш соатларига мувофиқ тўланадиган иш ҳақидан иборат бўлади.

Баъзан модель мукамал рақобатли меҳнат бозорини назарда тутати. Мукамал рақобатнинг асосий шарти бир-бирига боғлиқ бўлмаган, ўзаро рақобатлашувчи катта миқдордаги харидорлар ва сотувчиларнинг бўлишидир. Рақобат жараёнида меҳнат сарфлари ва хизматларнинг нархи талаб таклифга тенг бўладиган даражада ўрнатилади.


Талаб таклифга тенг бўлгандаги нарх мувозанатли, нарх мувозанатли даража чегарасида ўзгариб турадиган бозор эса мувозанатли бозор деб юритилади.

Меҳнатга талаб. Меҳнатга талабнинг иш ҳақиға боғлиқлигини кўлам таъсири ва ўриндошлиқ таъсири номини олган икки омил белгилайди:

1. Кўлам таъсири. Агар бирор талаб туфайли иш ҳақининг ўсиши содир бўлган бўлса, бунинг оқибатида ишлаб чиқариш чиқимларининг кўпайиши, маҳсулот нархининг ўсиши ва унга талабнинг камайиши юз беради. Талабнинг камайиши ишлаб чиқариш кўламини қисқартиришга, демак, меҳнатга талабнинг камайишига олиб келади. Иш ҳақи пасайганда юқорида баён қилинган механизм акс йўналишда ҳаракат қилади, бу эса меҳнатга талабнинг ортишига олиб келади.


2. Ўриндошлиқ таъсири. Меҳнат омилларининг қимматлашувини англатувчи иш ҳақининг ўсиши сармоя интенсивроқ бўладиган технологияларга ўтишига туртки бўлади, яъни қимматроқ омил - меҳнат, нисбатан арзонроқ омил - сармоя билан

алмаштирилади. Натижада меҳнатга талаб қисқаради. Ўша сабаблар иш ҳақининг пасайиши, аксинча, меҳнатга талабнинг ортишига олиб келади (1-расм). Ҳар иккала таъсир бир йўналишда ҳаракатланади ва меҳнатга талабнинг (D) иш ҳақи (W) ва меҳнат миқдори (L) га жавоб боғланишини тақозо этади. Буни меҳнатга талаб эгри чизиғи акс эттиради:




1-расм. Меҳнатга талаб эгри чизиғи.

Меҳнат таклифи. Бозордаги меҳнат таклифининг эгри чизиғи (S) унинг иш ҳақиға бевосита боғлиқлигини акс эттиради (2-расм). Муайян меҳнат бозорига иш ҳақининг ўсиши бу бозорда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида банд бўлган ходимларни ҳам, илгари меҳнат бозорига кирмаганларни ҳам жалб қилади.



2-расм. Меҳнат таклифининг эгри чизиғи.

Бозор мувозанати. Бозордаги талаб эгри чизиғи ва меҳнат таклифи эгри чизиғи қўшилган 3-расм мувозанатли бозор шароитларида талаб ва таклифнинг ўзаро алоқаси механизмини акс эттиради.



3-расм. Бозор мувозанати.

Бошқача айтганда, тадбиркорлар мувозанатланган иш ҳақи тўлашга рози бўлсалар, меҳнат бозорида ўзларига зарур ходимлар сонини топадилар. Уларнинг тўловга қодир ишчи кучига талаблари тўла қондирилади. Мувозанатланган нархда ўз ишчи кучини таклиф қилаётган ходимлар тўла ишга жойлашади. Шунинг учун E нуқта иш билан тўла бандлик ҳолатини англатади, дейилади.

Давлатнинг меҳнат бозоридаги сиёсати. Меҳнат бозори бошқа бозорларга нисбатан кўпроқ давлат томонидан бошқарилади. Меҳнат муносабатларини бошқаришнинг қуйидаги турлари кўпроқ тарқалган:

- ишга ёллашнинг минимал стандартларини қонун билан белгилаш;
- иш вақтининг давомийлиги, иш ҳақи, бошқа тўлов ва имтиёзлар;
- меҳнат ва хавфсизлик шарт-шароитларига оид нормаларни қонун йўли билан белгилаш;
- шахсларнинг маълум иш турларида ишлашга йўл қўйишини қонун йўли билан чеклаш ва назорат қилиш;
- фуқаро ҳуқуқлари ва меҳнат тўғрисидаги қонунчилик асосида иш берувчилар ҳамда ходимлар хатти-ҳаракатини бошқариш.

4.2. Саноати ривожланган мамлакатлардаги меҳнат бозорлари моделлари

Япония модели:

- мамлакатдаги меҳнат муносабатлари «умрбод ёллаш»га асосланган бўлиб, у ходимнинг пенсия ёшига (55-60 ёш) етгунга қадар бандлигини кафолатлайди;
- моддий манфаатлар (иш ҳақи, мукофотлар, ижтимоий тў-

ловлар) миқдорини иш стажига мувофиқ ошириб бориш назарда тутилади;

- фирмага иш жойлари тузилмасида кадрларнинг касб-малака таркибини қувватлаш (сақлаш) имконини беради;
- «умрбод ёлланган» ходим ишдан бўшатилмалиги керак;
- ҳар бир ходим бир неча касбни эгаллайди, бу бир-бирининг ўрнини босишни таъминлайди ва иш жойларининг бекор туриб қолишига йўл қўймайди.

АҚШ модели:

- ишчи кучини децентрализация қилиш хос;
- ҳар бир штат бандлик тўғрисидаги ўз қонунига, ишсизлик бўйича ўз суғурта жамғармасига эга;
- иқтисодиётда таназзул содир бўлганда ишчиларни ишдан бўшатишдан фойдаланилади;
- ходимларнинг фақат 25 фоизи шартнома тизими билан қамраб олинган, қолганлари контракт асосида ишлайди;
- иш ҳақи ишнинг мурқаблигига боғлиқ;
- фирмалар малака ошириш масалалари билан фақат махсус иш ҳамда иш жойлари муносабатидагина шуғулланади.

Швеция модели:

Бандлик сиёсати қўйидаги иқтисодий асосларга таянади:

- фойда ва иш ҳақининг ўсишини тўхтатиб туришдан иборат чекловчи молиявий сиёсат;
- тенг меҳнат учун тенг иш ҳақини таъминлаш мақсадида «бирдамлик» сиёсатини амалга ошириш;
- айрим ходимларнинг паст иш ҳақларини компенсация қилиш;
- янги иш жойларини ташкил қилиш;
- бюджетдан ажратиладиган асосий маблағлар ишсизлик бўйича нафақага эмас, қайта тайёрлаш ва малака оширишга йўлланади.

4.3. Иш билан бандлик ва ишсизлик: тушунча ва кўрсаткичлар

Бозор иқтисодиёти шароитида иш билан бандлик ва ишсизлик муаммолари муҳим ижтимоий аҳамият касб этади.

Аҳолининг иш билан бандлиги деганда, фуқароларнинг қонунчиликка зид бўлмаган ва уларга қоидага кўра, меҳнат даромади келтирадиган шахсий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятлари тушунилади.

Иқтисодий фаол аҳоли таркибида (Ўзбекистон Республи-

касининг Бандлик тўғрисидаги қонунига мувофиқ) иш билан банд бўлган фуқароларга ҳар иккала жинсининг 16 ва ундан катта ёшдаги, шунингдек, 16 ёшдан ёшроқ бўлган ва кўриб чиқиладиган даврда:

- пул учун тўла ёки тўла бўлмаган иш куни шартларида ёлланма ишни, шунингдек, даромад келтирадиган бошқа ишни бажараётган;

- касаллик, таътил, дам олиш кунлари, иш ташлаш ёки шунга ўхшаш бошқа сабаблар туфайли вақтинча ишда бўлмаганлар;

- оилавий корхонада ишни ҳақ олмай бажараётган шахслар киритилади.

ХМТ таснифига кўра, иқтисодий фаол аҳоли таркибига аҳолининг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун ишчи кучи тақлифини таъминлайдиган қисми киритилади. Бу аҳоли гуруҳининг сонига иш билан банд бўлганлар ва ишсизлар киритилади.

Ишсизлар қаторига иш ва иш ҳақига эга бўлмаган, муносиб иш топиш мақсадида бандлик хизмати органларида рўйхатга олинган, иш қидираётган ва ишни бошлашга тайёр бўлган 16 ёшга етган ва ундан катта ёшли шахслар киритилади.

Иқтисодий нофаол аҳоли - аҳолининг ишчи кучи қаторига кирмайдиган қисмидир. Булар:

- кундузги ўқув юртларида ўқийдиган ўқувчилар, талабалар, тингловчилар, курсантлар;

- қариллик ва имтиёзли шартлардаги пенсияларни оладиганлар;

- уй хўжалиги, болалар, касал қариндошларга қараш билан банд бўлган шахслар;

- иш қидирмай қўйган, аммо ишлаши мумкин бўлган ва ишлашни хоҳлайдиган шахслар;

- ишлаш зарурияти йўқ, аммо ишлаши мумкин бўлган ва ишлашни хоҳлайдиган бошқа шахслардир.

Иш билан бандликнинг: унумли, ижтимоий-фойдали, тўла, самарали ва бошқа турлари ҳам фарқланади.

Унумли (продуктив) иш билан бандлик - аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги бандлигидир.

Ижтимоий-фойдали иш билан бандлик - фақат ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар эмас, балки ҳарбий хизматчилар, ўқувчилар (меҳнатга лаёқатли ёшдаги), уй хўжалигини юритиш, болалар ва касал қариндошларга қараш билан банд бўлган кишилар сони билан аниқланади.

Иш билан тўла бандлик - жамиятнинг шундай ҳолати-

дирки, унда ишлашни хоҳловчиларнинг ҳаммаси ҳақ тўланадиган ишга эга бўлади, циклли ишсизлик бўлмайди, аммо унинг фрикцион ва тузилмавий (структурали) ишсизлик билан белгиланадиган табиий даражаси сақланади.

Иш билан самарали бандлик икки нуқтаи назардан: иқтисодий - инсон ресурсидан оқилонароқ фойдаланиш ва ижтимоий-меҳнат кишиси манфаатларига тўлароқ мувофиқ келиш нуқтаи назаридан ифодаланади. Шундай қилиб, агар иш билан тўла бандлик бандликни миқдорий томондан акс эттирса, иш билан самарали бандлик - сифат томонидан акс эттиради.

Меҳнат бозорида талаб билан таклиф ўртасидаги номувозанат доимо тўла ва самарали бандлик шартларидан четга чиқишни англатади. Агар таклиф талабдан ортиқ бўлса, бу ошқора ишсизликни, талаб таклифдан устун бўлса, яширин ишсизлик борлигини англатади.

Ўтиш иқтисодиёти шароитида иккиламчи иш билан бандлик ва ўзини-ўзи банд қилиш категорияларини ҳам англаш зарур.

Иккиламчи иш билан бандлик иш кунини айни ўша, яқин ёки янги иш жойларида (бошқа корхонада, яқка меҳнат фаолияти шаклида ва бошқалар) нормал давомийлик чегарасидан узайтиришни англатади.

Ўзини-ўзи иш билан банд қилиш даромад манбаи бўладиган фаолиятни мустақил излаш, турли даражадаги давлат қўллаб-қувватлаши ёрдамида доимий ёки вақтинча даромад олиш учун янги иш жойларини ташкил этишни англатади. Ўзини-ўзи иш билан банд қилиш кўп ҳолларда кичик бизнес сифатида намоён бўлади.

Иш билан бандлик даражаси - белгиланган вақтга ишга эга бўлган ишчи кучи сонининг фоизи.

4.4. Ишсизликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва унинг турлари

Ишсизлик - хўжалик юритишнинг бозор тизими шароитларида ишчи кучи таклифи ва унга талабнинг узлуксиз ўзгариб туриши натижасидир. Ишсизлик умумий ишчи кучи сирасига кирадиган ишга лаёқатлилар сони билан меҳнат фаолиятида банд бўлганлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Агар бозор иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатларда 1991 йилда ишсизлик меъёри 6-12% атрофида бўлган бўлса, Швецияда - 2%, Японияда - 2,3%ни ташкил қилган. Бу мазкур

мамлакатларда меҳнат бозорини ташкил этишнинг миллий моделларидан оқилона фойдаланилганлигидан далолат беради.

Фрикцион ишсизлик - ишчи кучи таклифи ва унга талабнинг узлуксиз ўзгариб туриши, иш жойларининг алмаштирилиши натижасида доимо мавжуд бўладиган ишсизликдир. Аммо бу ҳар бир алоҳида ходим муносабатида вақтинча ишсизлик ҳисобланади.

Тузилмавий (структурали) ишсизлик - ишчи кучи таклифининг тузилмаси унга бўлган талаб тузилмасига мувофиқ келмайдиган, ишлаб чиқаришнинг эскирган, истиқболсиз тармоқлари ёпилиб, янгилари ривожланадиган ҳамда ходимларни қайта тайёрлаш ва улар иш жойларини ўзгартиришлари учун вақт керак бўладиган даврда юзага келадиган ишсизликдир.

Ихтисослашган ишсизлик - эскирган ихтисос ходимларига талабнинг камайиши ва айна вақтда янги мутахассисликлар бўйича иш жойлари мавжуд бўлган даврдаги ишсизликдир.

Цикллик ишсизлик - ишлаб чиқариш пасайган шароитларда иш жойига даъвогарлар сони мавжуд иш жойлари сонидан ортиқча бўладиган даврда юзага келадиган ишсизликдир. Цикллик ишсизлик шу даврда банд бўлганлар сони билан ишлаб чиқаришда миллий даромаднинг потенциал даражасига эришилган тақдирда банд қилиниши мумкин бўлган иш жойлари сони ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Ихтиёрий ишсизлик - ишсизликнинг айрим аҳоли гуруҳлари (уй бекалари ва бирор сабабга кўра ишлашни хоҳламайдиган бошқа шахслар) ихтиёрий ишсиз бўлган шароитда юзага келадиган ишсизликдир.

Яшириш ишсизлик - ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида бўшатилиши мумкин бўлган ортиқча ходимларнинг меҳнат жамоаларини сақлаш мақсадида корхона ва ташкилотларда ушлаб турилишидир. Бу маъмурият ташаббуси билан асосан мажбурий нотўлиқ иш кунини (ҳафтаси)га ўтиш ва мажбурий таътиллар (қисман ҳақ тўланадиган ёки тўланмайдиган) бериш кўринишида намойиш бўлади.

Шундай қилиб, ишсизлик бозор иқтисодиётига хос хусусият ҳисобланади. Шунинг учун тўла бандлик бозор ҳўжалигини ривожлантириш ғояси билан уйғунлашмайдиган бекорчи гапдир. Аммо, ҳар қандай ишсизлик маълум доирага олиниши керакки, бу доирада иқтисодий барқарорликнинг ўсиши ва ҳолатида самарадорлик режимига эришиш мумкин бўлсин. Бун-

дай идеал даражага мувофиқ келадиган ишсизлик табиий ишсизлик номини олган. Кэмпбелл Р. Макконелл ва Стенли П. Брюнинг «Экономикс» китобида қайд этилишича, ўтган асрнинг 60-йилларда АҚШда банд бўлган аҳолининг 4% атрофидаги ишсизлик табиий ҳисобланарди. Ҳозирда у 5-6%га кўтарилган.

Ишсизлик даражаси расмий рўйхатга олинган ишсизларнинг ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сонига нисбати сифатида аниқланади.

Ишсизликнинг давомийлиги ишдаги ўртача узлиш вақтини ифодалайди.

Ишсизликнинг табиий даражаси шундай бир даражадирки, унда иш ҳақи ва нархини оширадиган ҳамда пасайтирадиган омиллар мувозанатда бўлади. Бу бандликнинг потенциал ЯММга мувофиқ келадиган энг юқори даражасидир. Табиий даража концепциясига кўра, потенциал ЯММга асосий капитал тўла банд этилганда эришилади. Бунда қайта ишловчи саноатнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш индекси тахминан 86%га тенг вазият тушунилади. Ишсизликнинг табиий даражаси нулдан юқори, чунки ишсизлик фрикциион ёки тузилмавий (структурали) ишсизлик шаклида доимо мавжуд бўлади.

Ўзбекистон меҳнат бозорининг хусусиятлари. Ўзбекистондаги меҳнат бозори қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодланади: меҳнатга лаёқатли аҳолининг улуши 1990 йилдаги 48,9%дан 1995 йилда 49,0%гача ўсишига қарамай, иш билан банд бўлганлар улуши меҳнатга лаёқатли умумий аҳоли сонидан 1990 йилги 78,4%дан 1995 йилда 73,4%гача пасайган. Бундан ташқари, мулкчилик шакллари бўйича банд бўлганлар сони ва тузилмаси ҳам ўзгарган. Агар 1991 йилда иш билан банд бўлган аҳолининг 61,2 фоизи давлат корхоналарида, 38,8 фоизи нодавлат секторда ишлаган бўлса, 1995 йилга келиб, давлат секторидан 33,2 фоизи, нодавлат секторидан 66,1 фоизи ишлаган. Худди мана шу даврда саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаларида банд бўлганлар сони кескин қисқариб, қишлоқ хўжалигидаги бандлик деярли 15% ошган. Бу Ўзбекистонда меҳнат бозорининг шаклланиши қуйидаги омилларга боғлиқ бўлган мураккаб шароитда кечаётганлигини англатади:

- демографик вазият;
- иқтисодий таркибий қайта қуриш;
- мулкчилик шакллари ўзгартириш.

4.5. Ишсизликнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Инфляция ва ишсизликнинг ўзаро алоқаси. Филлипс эгри чизиғи

Бозор иқтисоди ривожининг жаҳон тажрибаси далолат беришича, ишсизлик ишсизларнинг ўзлари учун ҳам, бутун жамият учун ҳам муқаррар тарзда жиддий салбий иқтисодий ва ижтимоий оқибатлар олиб келади. Бундай оқибатлар қаторига энг аввало, сезиларли кўламдаги ишчи кучидан етарлича фойдаланмасликни киритиш мумкин. Айнан мана шу сабабли дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ишсизликни минимал, ижтимоий мақбул даражагача камайтиришга йўналтирилган қонулар туркуми қабул қилинган.

Ишсизлик оқибатида ишчи кучидан етарлича фойдаланмаслик жамиятга жиддий иқтисодий зарар етказиши, ҳатто кичкина миқдордаги моддий бойлик ва хизматлар ишлаб чиқаришмайди ёки қиймат ифодасида ялпи миллий маҳсулот йўқотишларига сабаб бўлади. Бу йўқотишлар миқдоран тўла бандлик шароитида ишлаб чиқарилган потенциал ЯММ катталиги билан, ишсизликнинг берилган даражасида ишлаб чиқарилган унинг фактик катталиги ўртасидаги фарқ билан ифодаланади. Олинган потенциал ЯММ ҳажмига ўтказилган фарқ ишсизлик келтириб чиқарган ялпи миллий маҳсулотдаги йўқотишнинг нисбатан катталиги ҳисобланади.

Эмпирик тадқиқотлар ишсизлик билан инфляция ўртасида жавоб боғлиқлик борлигини кўрсатади. Бу тадқиқотни британиялик иқтисодчи А.У.Филлипс умумлаштирган (1958 йил). У мамлакатдаги ишсизлик даражаси билан нархларнинг ўсиш суръатлари ўртасида жавоб мутаносиб боғланиш борлигини исботлаган (буни илгарироқ америкалик олимлар П.Самуэльсон ва Р.Солоу қайд этганди). Қуйидаги графикда ишсизлик даражаси ва инфляция суръатлари ўртасидаги алоқа филлипс эгри чизиғи тарзида акс эттирилган.

Филлипс эгри чизиғига кўра, ишсизлик даражасининг оширилиши инфляция суръатларини нулгача пасайтириб, яъни нархларнинг ўсишини тўхтатибгина қолмай, балки салбий инфляция (нархларни пасайтириш)га, яъни дефляцияга ҳам олиб келиши мумкин. Бунда нархлар йиғиндиси билан ишсизлик ўртасидаги макроиқтисодий боғлиқлик назарда тутилиши тушунарли.

Филлипс эгри чизиғи бир далил-исботни, яъни ишсизликни, талабни кенгайтириш ва иш жойлари сонини кўпайтириш йўли билан камайтиришга интилиш инфляциянинг жадал ўсишига олиб келишини акс эттиради. Аини пайтда ишсизлар ҳиссасини ошириш иш ҳақи кўринишида тўланаётган пул массасининг камайишига олиб келади ва шу орқали инфляцияни тўхтатишга ёрдам беради.

Аммо бир нарсани қайд этишга тўғри келади, яъни иқтисодий давлат бошқарувининг Филлипс эгри чизиғига асосланадиган уринишлари, XX асрнинг иккинчи ярмидаги тажриба кўрсатишича, доимо муваффақиятли чиқавермайди. Кўпинча ишсизликнинг кўпайтирилиши фақат қисқа давр мобайнидагина нархлар ўсишини пасайтиришга олиб келади. Узоқ муддатли истиқболда оқибат бошқача бўлиши мумкин. Қатор мамлакатлардаги ҳақиқий иқтисодий вазият кўрсатишича, ишсизлик ҳам ортади, нархлар ҳам ўсади. Бундай ҳолатда ишсизликка ҳам, инфляцияга ҳам мақбул таъсир кўрсата оладиган омилларни излашга тўғри келади.

Ишсизлик келтириб чиқарадиган иқтисодий йўқотишлар энг аввал ишсизларнинг ўзига оғир юк бўлиб тушади. Бу ноихтиёр ишсизлик ҳолатида мавжуд ижтимоий муҳофаза тизими у асосланадиган ва ишлайдиган принциплар туфайлидир. Бу муносабатда йўқотилган иш ҳақини ишсизлик нафақаси билан қоплаш даражаси муҳимдир. У Ўзбекистонда ишдан бўшатишдан олдинги иш ҳақининг 50% дан 100%гачаси атрофидадир. Бунда ишсизлик қанчалик давомли бўлса, йўқотилган иш ҳақини қоплаш даражаси шунча паст, иқтисодий йўқотишлар қанчалик сезиларли бўлса, ишсиз ва унинг оиласининг турмуш даражаси шунчалик паст бўлади.

Ўзбекистондаги ишсизларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш давлат тизимининг мавжудлиги ишсизлик юқини бирмунча енгиллаштиради. Аммо бу тизимда, тажриба кўрсатишича, камчиликлар анчагина бор.

Ёлланма ишчиларнинг ишсизлик ва унинг оқибатларидан ижтимоий муҳофазаланганлик даражаси АҚШ, Япония, Ғарбий Европа ва бошқа мамлакатлардаги шундай тизимдан анча орқанда. Ҳозирги даврда ривожланган бозор иқтисодига эга бўлган давлатларнинг ижтимоий сиёсати кўпроқ даражада ишсизликка йўл қўймастикка, меҳнат бозоридаги жиддийликни бўшаштиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Қисқача хулосалар

Меҳнат бозори - бозор иқтисодиёти тизимининг таркибий қисми бўлиб, унда бошқа бозорлар: хом ашё, материаллар, қимматли қоғозлар бозорлари ва бошқалар билан бирга фаолият кўрсатади.

Меҳнат бозорининг таркибий қисмлари қуйидагилардир:

1. Меҳнатга талаб;
2. Меҳнат таклифи;
3. Ишчи кучи нархи;
4. Ишчи кучи қиймати;
5. Рақобат.

Меҳнатга талаб - меҳнат бозорида бор бўлган ишчи кучига ижтимоий эҳтиёжларнинг умумий ҳажмини акс эттиради.

Меҳнатнинг таклифи - ишчи кучининг сони ва таркиби (жинс, ёш, маълумот, касб, малака ва бошқалар) билан ифодаланадиган умумий миқдори.

Аҳолининг иш билан бандлиги деганда, фуқароларнинг қонунчиликка зид бўлмаган ва уларга қоидага кўра, меҳнат даромади келтирадиган шахсий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятлари тушунилади.

Ижтимоий-фойдали иш билан бандлик - фақат ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар эмас, балки ҳарбий хизматчилар, ўқувчилар (меҳнатга лаёқатли ёшдаги), уй хўжалигини юритиш, болалар ва касал қариндошларга қараш билан банд бўлган кишилар сони билан аниқланади.

Иш билан тўла бандлик - бу жамиятнинг шундай ҳолатидирки, унда ишлашни хоҳловчиларнинг ҳаммаси ҳақ тўланадиган ишга эга бўлади, цикли ишсизлик бўлмайди, аммо унинг фрикциион ва тузилмавий (структурали) ишсизлик билан белгиланадиган табиий даражаси сақланади.

Ишсизлик - хўжалик юритишнинг бозор тизими шароитларида ишчи кучи таклифи ва унга талабнинг узлуксиз ўзгариб туриши натижасидир. Ишсизлик умумий ишчи кучи оммасига кирадиган ишга лаёқатлилар сони билан меҳнат фаолиятида банд бўлганлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат бозори деганда нимани тушунасиз?
2. Меҳнат бозорининг таркибий қисмлари нималардан иборат?
3. Меҳнат бозорини сегментлашни ифодалаб беринг.
4. Меҳнатта бўлган талаб ва таклифни тушунтириб беринг.
5. Саноати ривожланган мамлакатлардаги меҳнат бозори моделлари ҳақида гапириб беринг (Япония модели, АҚШ модели, Швеция модели).
6. Иш билан бандлик ва унинг турларини таърифланг.
7. Ишсизлик моҳияти, унинг ижобий ва салбий оқибатлари.
8. Ишсизликнинг қандай турларини биласиз?
9. Инфляция ва ишсизликнинг ўзаро алоқаси нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. Т., «Адолат», 1996.
2. «Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини такомиллаштириш тўғрисида». Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил, 18 мартдаги 103-сонли қарори.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура - Т.: - «Ўзбекистон», 1996.
4. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси-Т.: «Ўқитувчи», 2001.
5. Абдурахмонов Қ.Х., Муртазоев Б.Ч. Меҳнат бозори (Ўқув қўлланма) - Тошкент, ТДИУ, -1999.
6. Абулқосимов Ҳ.П., Набиев Э.Ф., Раҳимова Д.Н., Йўлдошев Д. Ўзбекистон тараққиётининг ижтимоий - иқтисодий муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари., Т.: «Университет» наشريёти, 1999.
7. Волков А.М. Швеция: - социально-экономическая модель: Справочник-М.: Мысль, 1991.
8. Владимирова Л.П. Экономика труда. Учебное пособие.-М.: Издат. Дом «Дашков И.К», 2000.

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ


5.1. «Турмуш даражаси» тушунчаси

Аҳоли турмуш даражаси давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир. Уни ошириб бориш ижтимоий ривожланшнинг асосий мақсадидир. «Турмуш даражаси» тушунчаси замонавий талқинда инсон фаолиятининг барча томонларига тааллуқли бўлган кенг қамровли тушунчадир. Ушбу жиҳатлар жам бўлиб, умуман, жамият ва хусусан, унинг айрим аъзолари фаровонлиги тўғрисида тасаввур беради.

Турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарурий моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади.

Миллат (аҳоли)нинг фаровонлик даражасини ифодалаш учун «турмуш даражаси», «халқ фаровонлиги», «турмуш фаолияти хавфсизлиги», «турмуш тарзи», «меҳнат фаолияти сифати», «турмуш сифати» каби турли хил тушунчалар қўлланилади. Баъзан турли атамалар бир мазмунни англатса, бошқа ҳолларда улар ўртасидаги фарқ муайян характер касб этади, мазмуни сезиларли даражада фарқ қилади. Шу билан бирга, мазкур тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигини қайд этиш лозим.

Ўзбекистонда аҳоли моддий, маънавий, ижтимоий эҳтиёжларининг қондирилиш даражасини ифодалайдиган «турмуш даражаси» атамаси кенгроқ қўлланилади. Бундай тавсиф кўпроқ турмуш даражаси статистикасини характерлайди (4-расмга қаранг). Шу билан бирга, турмуш даражаси - кўплаб омиллар йиғиндиси таъсирида бўлган ўзгарувчан жараёндир. Бир томондан турмуш даражаси мунтазам ўзгариб турадиган турли неъматларга бўлган эҳтиёжларнинг таркиби ва даражаси билан, бошқа томондан, эҳтиёжни қондириш имкониятлари, товарлар ва хизматлар бозоридаги ҳолат, аҳоли даромадлари, меҳнаткашларнинг иш ҳақи билан белгиланади. Аммо иш ҳақи миқдори ҳам, турмуш даражаси ҳам ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари самарадорлигининг кўлами, илмий-техник тараққиёт (ИТТ) даражаси, аҳолининг маданий-маърифий савияси ва таркиби, миллий хусусиятлар, сиёсий ҳокимиятга боғлиқ.



4-расм. Аҳоли эҳтиёжлари ва турмуш даражасига таъсир этувчи омиллар.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида «турмуш тарзи» тушунчаси кенг қўлланилган, бунда ҳаёт фаолиятининг сифат кўрсаткичлари «турмуш тарзи», миқдор кўрсаткичлари эса «турмуш даражаси» билан ифодаланган. Шунингдек, аҳолининг турмуш даражасини характерловчи бошқа атама ва тушунчалар мавжуд. Турмуш даражасининг энг муфассал талқини қуйидагича: турмуш даражаси - жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланиш даражаси, қондирилганлик миқёси ва уларни қониқтириш учун яратилган имкониятларни акс эттирувчи комплекс ижтимоий-иқтисодий категориядир. Бундай талқин турмуш даражасининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини янада тўлиқроқ ифодалашга имкон яратади.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) конвенцияларига мувофиқ, ҳар бир инсон ўзи ва oilасининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминловчи турмуш даражасига (озиқ-овқат, кийим-бош, уй-жой, тиббий парвариш, ижтимоий хизматлар), шунингдек, ишсизлик, ногиронлик, бевалик ҳолатларида таъминот олиш ҳуқуқига эга. Барча ҳуқуқлар миллий концепциялар асосида амалга оширилади.

Турмуш даражаси концепцияси тамойиллар ва кўрсаткичлар тизимига асосланувчи, аҳолининг турмуш даражасини оши-

ришга қаратилган ғояни ифодалайди. Турмуш даражасининг концепцияси кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш стратегияси ва йўналишлари, босқичларини белгилаб беради ва маълум тарихий характерга эга.

Собиқ иттифоқ даврида коммунизм қуриш, «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» тамойилини амалга ошириш асосий мақсад саналар эди. Жамиятнинг ҳар бир аъзосини ҳар томонлама камол топтириш тараққиётнинг устувор йўналиши деб белгиланганди. Бу, аслида, совет жамиятининг турмуш даражаси концепцияси вазифасини ўтаган. Мазкур концепция меҳнаткашларнинг мунтазам ўсиб бораётган эҳтиёжларини имкон қадар қондиришни кўзда тутувчи ижтимоий тизмнинг асосий қонунларида ҳам ўз аксини топган эди.

Умуман олганда, шўролар даврида меҳнаткашлар эҳтиёжларини қондириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди, уларнинг даромадлари, иш ҳақлари ўсиб борди, аммо бу даромадлар салмоғи, эҳтиёжлар таркиби ва ҳажми халқаро ўлчовлар билан таққослаганда жуда паст эди. Шу билан бирга, амал қилган турмуш даражаси концепцияси реал бўлмасдан, кўпроқ идеал турмуш моделини эслатарди.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистонда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга жавоб берадиган турмуш даражаси концепциясини яратишга зарурат туғилди. Мазкур концепцияни шакллантиришда сўнгги йилларда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган «турмуш сифати» концепциясининг айрим қоидаларидан фойдаланиш мумкин.

Тарихий жиҳатдан «турмуш сифати» концепцияси инсон ҳаёти фаолиятининг иқтисодий параметрларини акс эттирувчи «глобал иш билан бандлик», «турмуш даражаси», «меҳнат фаолияти сифати» каби концепцияларнинг ривожланиши асосида юзага келган.

Турмуш сифати концепцияси инсон жамоаларининг жисмоний, ақлий ва ижтимоий баркамоллигини белгиловчи шартларни шакллантиради. Бу ерда гап фақат турмуш сифати (овқатланиш, уй-жой, иш билан бандлик, таълим даражаси)ни баҳоловчи объектив омиллар ҳақида эмас, балки инсон томонидан ўзининг фаровонлиги, бахт, қониқиш, роҳат каби тушунчаларни субъектив ҳис этиши тўғрисида ҳам бормоқда. Масалан, соғлиқ даражаси, оилавий муносабатлари, иши, моддий аҳволи, яратув-

чанлик қобилияти ва ҳоказолардан қониқиш ҳаётдан қониқиш ҳосил қилишнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Шундай қилиб, турмуш сифати концепцияси инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини ҳам ўз ичига олади. Бу муносабатлар эҳтиёжларнинг қондирилганлиги ва мавжуд имкониятларни қўрилган имкониятларга мослиги даражасини характерлайди.

Турмуш даражаси инсон (аҳоли) ҳаёт фаолиятининг маълум бир қирраси тўғрисида тасаввур берадиган кўрсаткичлар тизими билан белгиланади. Турмуш даражаси тўғрисида батафсил маълумот олиш учун аҳоли даромадлари ва эҳтиёжлари, истеъмол даражаси ва таркиби, уй-жой, мол-мулк, маданий-маиший буюмлар ва бошқа имкониятлар билан таъминланганлик даражасини чуқур ўрганиш лозим.

5.2. Турмуш даражаси кўрсаткичлари

Турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар турли-туман бўлиб, турмуш даражаси концепцияси билан узвий боғлиқ. Айрим муҳим кўрсаткичлар ва индикаторлар 3-жадвалда келтирилган.

Турмуш даражасини баҳолаш учун жадвалда келтирилган кўрсаткичлар:

- даражага оид кўрсаткичлар (мутлақ қийматлар);
- таркибий кўрсаткичлар (даражага оид кўрсаткичларнинг таркибий қисмлари);
- динамик (даражага оид кўрсаткичларнинг ўзгаришини тавсифлайдиган, нисбий) кўрсаткичлар сифатида ҳисоблаб чиқиши мумкин.

Нисбий турмуш даражасини қўйидаги учта жиҳат бўйича:

- а) аввалги йиллардаги турмуш даражаси билан таққослаш;
- б) бир минтақадаги турмуш даражасини бошқа минтақалардаги (мамлакатлардаги) турмуш даражаси билан таққослаш;
- в) амалдаги турмуш даражасини одамларнинг минимал ва оқилона талабларини ифодоловчи эҳтиёжларнинг ривожланганлик даражаси билан таққослаш орқали аниқлаш мумкин.

Юқорида келтирилган турмуш даражаси концепцияси инсон фаолиятининг алоҳида қирраларини характерлайди. Таъкидлаб ўтилганидек, барча классификациялар ўртасида узвий алоқа мавжуд. Улар бир-бирини тўлдиради, аммо комплекс ба-

ҳолаш учун интеграл кўрсаткичлар тизими зарур. Ҳозирда асоси турлича бўлган турмуш даражаси концепцияларини аҳолининг турмуш даражасини (сифатини) ҳар томонлама характерлаб берадиган ягона кўрсаткичга келтириш бўйича самарали усул йўқ, бироқ олимлар шундай усуллارни ишлаб чиқиш бўйича жиддий иш олиб бормоқдалар.

Шўролар даври амалиётида интеграл ўлчов сифатида жон бошига тўғри келадиган ўртача ҳақиқий даромад кўрсаткичидан фойдаланиларди. Уни оширишнинг асосий шакллари қуйидагилар: ҳақиқий иш ҳақининг ўсиши (пул шаклидаги иш ҳақини тўғридан-тўғри ошириш, нархларни тушириш, солиқлар, мажбурий ажратмаларни камайтириш), ижтимоий истеъмол жамғармаларидан тўланадиган тўловларни (ижтимоий трансфертларни) ошириш ва бошқалар.

«Ҳақиқий даромадлар» кўрсаткичида пул даромадларидан ташқари натурал даромадларнинг қиймати, муассасаларнинг ижтимоий соҳа учун моддий харажатлари кўринишидаги даромадлар, аҳолининг қимматбаҳо қоғозлари, жамғармалари ҳам ҳисобга олинади. Аҳолининг ҳақиқий даромадлари индекси жон бошига тўғри келадиган даромадлар динамикасини моддий неъматлар, хизматлар, тарифлар баҳоларининг, солиқлар ва мажбурий ажратмаларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ифодалайди.

Кейинги йилларда янги - «ихтиёрдаги ҳақиқий даромад» (солиқлар ва мажбурий ажратмалар чиқариб ташланиб, инфляция суръатларини ҳисобга олган ҳолдаги пул даромадлари) ишлатилмоқда.

Бу икки кўрсаткичнинг фарқи ҳақиқий ихтиёрдаги даромад - миқдор кўрсаткичи, жон бошига тўғри келадиган ўртача ҳақиқий даромад эса аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг ўртача миқдори эканидан ташқари, уларни ҳисоблаш методикаси ҳам турлича.

Аҳолининг турмуш даражасини ифодалаш учун жаҳондаги турли мамлакатларда турлича мезонлар қўлланилади. Улар орасида минимал истеъмол бюджети, камбағаллик, мутлақ ва нисбий камбағаллик кўрсаткичларидан кенг фойдаланилади.

Минимал истеъмол бюджети - шахснинг ривожланиши учун зарур бўлган маънавий эҳтиёжлар истеъмолининг ижтимоий асосланган минимал даражасини таъминлайдиган истеъмол товарлари ва хизматлари турларининг қиймати.

Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари ва индикаторлари

Турмуш даражаси кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар индикаторлари
I. Асосий jisмоний эҳтиёжлар қондирилиши	
1. Саломатлик	1.1. 1 минг ёки 100 минг аҳоли ҳисобига жами ўлим 1.2. 1000 туғилган бола ҳисобига бир ёшгача ўлган болалар сони 1.3. Кутилаётган умр узаклиги 1.4. Касаллик натижасида меҳнат қобилиятининг йўқотилиши
2. Овқатланиш	2.1. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли ва ҳоказолар
3. Тураржой	3.1. Тураржойларда уйлarning умумий майдонини ишта тушириш 3.2. Тураржойларнинг умумий майдони 3.3. Тураржой жамғармасини ободонлаштириш 3.4. Квартираларнинг ўртача катталиги
4. Уйлardaги мол-мулклар	4.1. Аҳолининг моддий-маиший ва ҳўжалик буюмлари билан таъминланганлиги 4.2. Аҳолига маданий-маиший буюмлар сотиш ва ҳоказолар
5. Пулли хизматлар	5.1. Аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажми 5.2. Аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш таркиби 5.3. Маиший хизматлар ҳажми ва ҳоказолар
II. Маънавий эҳтиёжларнинг қондирилиши	
6. Аҳолининг маданий даражаси	6.1. Аҳолининг маълумот даражаси 6.2. Нашр этилаётган китоб ва рисоалар ҳажми 6.3. Чикарилаётган журналлар ва бошқа даврий нашрлар ҳажми 6.4. Аҳолининг телевизорлар билан таъминланганлиги ва ҳоказолар
III. Ижтимоий эҳтиёжларни қондириш	
7. Меҳнат шaroитлари	7.1. Сановтда иш вақти нобудгарчилиги (ўрта ҳисобда бир ишчи ҳисобига, куни) 7.2. Ходимларнинг меҳнат шaroитини ўзгартириш (огир jisмоний меҳнат билан банд бўлганлар ва ҳоказо) 7.3. Ишлаб чикаришда шикастланиш (бир иш куни ва бундан кўпроқ иш куни ҳисобига бахтсиз ҳодисаларда шикастланган ва меҳнат қобилиятини йўқотганлар ҳамда 1000 нафар ишлайдиган одам ҳисобига шикастланиши ўлим билан тўғалланганлир сони) ва ҳоказолар
8. Дам олиш шaroитлари	8.1. Ёзги оромгоҳларда дам олган болалар сони ва ҳоказолар
9. Ижтимоий таъминот	9.1. Пенсиялар ва ўртача иш ҳақи ва унинг энг кам миқдорлари бўйича нисбат 9.2. Болаларга аталган нафақаларнинг ўртача миқдорлари ва уларнинг яшашига лойиқ минимум нисбати 9.3. Пенсиялар миқдори ва тирикчилик минимуми нисбати ва ҳоказолар
10. Ижтимоий-маиший вазият	10.1. Ишчиларнинг умумий сони 10.2. Бахтсиз ҳодисалар, заҳарланиш ва шикастланишлар, қотилликлар ва ҳоказолар оқибатидати ўлим 10.3. Иш ташлашлар (иш вақти нобудгарчилиги киши-қунлари миқдори, қатнашчилар сони) 10.4. Руйхатга олинган жиноятлар сони 10.5. Ифлосланган оқар сувларнинг чикариб ташланиш ҳажми 10.6. Ҳавога ифлосланган моддалар чикариб ташланиши ва ҳоказолар
11. Даромадлар ва сарф-харажатлар	11.1. Аҳолининг пул даромадлари, жумладан, уларнинг турлари бўйича 11.2. Аҳолининг пул сарф-харажатлари, жумладан, уларнинг турлари бўйича 11.3. Иш билан банд бўлган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи, жумладан, тармоқлар, минтақалар ва касблар бўйича унинг табақаланиши 11.4. Аҳолининг омонатлардаги жамғармалари ва уларнинг кўпайиши ва ҳоказолар

Камбағаллик кўрсаткичи аҳолининг турмуш даражасини баҳолаш учун фойдаланиладиган мезонлардан биридир. Жаҳон амалиётида камбағаллик даражасини таърифлашга ёндашишда учта асосий концепция: мутлақ, нисбий ва субъектив камбағаллик концепциясидан фойдаланилади.

Мутлақ камбағаллик концепцияси шахс ёки оқилона минимал ҳаётий эҳтиёжларни таъминлаш учун зарур бўлган даромадни таърифлашга асосланади. Ўзбекистонда инсоннинг минимал эҳтиёжларини таърифлаш учун шундай тирикчилик минимуми белгиланганки, уни ҳисоблаб чиқишда калориялар, оқсиллар, ёғлар ва углеводлар зарурий истеъмолнинг физиологик меъёрларидан фойдаланилади.

Нисбий камбағаллик концепцияси асосий мезон сифатида инсоннинг минимал эҳтиёжларидан эмас, балки унинг фаровонлиги кўрсаткичларининг у ёки бу мамлакатда устунроқ келувчи моддий таъминланганлик даражаси билан бўладиган нисбатидан фойдаланилади. Бундай ёндашишда даромадлари мамлакат бўйича ўртача даромаднинг муайян улушидан ошмайдиганлар камбағал ҳисобланади.

Кейинги вақтларда чет элдаги тадқиқотларда нисбий камбағалликни таърифлашнинг бошқа услубиятидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. У инсоннинг бошдан кечираётган, умумқабул қилинган турмуш тарзи олиб бориш имконини бермайдиган стишмовчиликлар рўйхатини ўз ичига олади.

Камбағалликнинг субъектив концепцияси ижтимоий мақбул турмуш даражаси учун зарур бўлган ресурсларни субъектив таърифлашга асосланган.

Концепциялардаги фарқлардан ташқари, камбағаллик миқёсларини таърифлашга уй ҳўжаликлари тавсифини танлаш ҳам таъсир этади. У камбағалликни баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткич билан таққосланади. Амалиётда уй ҳўжаликларининг қуйидаги тавсифларидан фойдаланилади:

- уй ҳўжаликларининг пул даромадлари;
- уй ҳўжаликларининг пул сарф-харажатлари;
- уй ҳўжаликлари тасарруфидаги моддий ресурслар кўрсаткичлари.

Ўзбекистонда камбағалликни таърифлаш, камбағаллик даражасини баҳолашда ўрта ҳисобда бир ойдаги пул даромадлари кўрсаткичидан фойдаланиладиган тарзда камбағаллик чегара-

сини тирикчилик минимуми даражасида белгилайдиган мутлақ концепцияга асосланилади.

Тирикчилик минимуми - инсон саломатлигини сақлаш ва унинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган моддий неъматлар ва хизматлар истеъмолининг минимал даражаси кўрсаткичидир.

Тирикчилик минимуми ўрта ҳисобда аҳоли жон бошига тўғри келадиган қиймат тарзида ва умуман, Ўзбекистон Республикаси бўйича, унинг таркибига кирувчи субъектлардаги асосий ижтимоий демографик гуруҳлар бўйича, шу жумладан, алоҳида шаҳарлар ва маъмурий-худудий бирлашмалар бўйича белгиланиши мумкин.

Тирикчилик минимумининг қийматини белгилаш негизини илмий асосда ишлаб чиқилган озиқ-овқат маҳсулотлари табиий турлари ўлчамлари ташкил этади. Улар аҳоли айрим ижтимоий-иқтисодий гуруҳлари учун минимал истеъмоли меъёрлари бўйича табақалаштириб берилган ҳамда истеъмоли қилинадиган моддаларнинг калориялиги ва кимёвий таркиби бўйича мувозанатлаштирилган. Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли меъёрларини асослашда турли табиий-иқлимий шароитларни ҳисобга олиш мақсадида республика худуди амалдаги услубий тавсияларга мувофиқ бир неча зонага ажратилган. Зоналар тақсимотга мувофиқ йилга ўрта ҳисобда аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари турлари маълум миқдорлар доирасида белгилаб чиқилган. Худудий зоналар бўйича озиқ-овқат турларининг қувват бера олиши суткасига 2204 ккалдан 2607 ккалгачани ташкил этади.

Тирикчилик минимуми бюджетда истеъмоли меъёрлари фақат озиқ-овқат маҳсулотларига белгиланган, товарлар ва барча турдаги хизматлар қиймати 31,7 фоиз миқдорида белгиланган. Тирикчилик минимуми бюджетининг структураси Меҳнат ва ижтимоий ривожланиш вазирлигининг услубияти асосида ҳисоблаб чиқилади.

Ҳозирги вақтда қонунчиликдаги тирикчилик минимумига доир талабларга мувофиқ, умуман, Ўзбекистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг таркибига кирувчи субъектлардаги аҳоли асосий ижтимоий-демографик гуруҳлари учун истеъмоли саватини белгилаш бўйича янги Услубий тавсиялар лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Қонунчилик талабларига мувофиқ услубий тавсияларга қуйидагилар кириши керак:

1) умуман, Ўзбекистон Республикаси бўйича ва Ўзбекистон Республикасининг таркибига кирувчи субъектлардаги асосий ижтимоий-демографик гуруҳлар учун, инсон саломатлигини сақ-

лаш ва унинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлар ва хизматлар минимал турларини шакллантириш принциплари ва тартиби;

2) Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи субъектлар томонидан истеъмол саватини белгилашда иссиқ ёки совуқ табиий-иқлим шароитларини, аҳолининг асосий ижтимоий-демографик гуруҳлари ноозиқ-овқат товарлар ва хизматлар истеъмол қилишидаги миллий анъаналар ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олишга асосий ёндашувлар;

3) умуман, Ўзбекистон Республикаси бўйича ва Ўзбекистон Республикасининг таркибига кирувчи субъектлардаги асосий ижтимоий-демографик гуруҳлар учун, инсон саломатлигини сақлаш ва унинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлар ва хизматларнинг намунавий минимал турлари.

Белгиланиши услубий тавсиялар асосида амалга ошириладиган истеъмол савати қонунчиликка мувофиқ камида беш йилда бир марта белгиланади.

Тирикчилик минимумини ҳисоблаб чиқишга оид янги Услубий тавсиялар лойиҳасида баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича амалдаги тавсияларга нисбатан юқорироқ истеъмол меъёрлари белгиланган. Бундан ташқари, ноозиқ-овқат товарлар ва хизматлар бўйича истеъмол меъёрлари ҳам белгиланган.

Турмуш даражасини ифодалаш учун мутлақ ва нисбий қашшоқлик кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. Мутлақ қашшоқлик - даромадларнинг умуман йўқлиги ёки шахснинг (оиланинг) минимал турмуш эҳтиёжларини қондириш учун зарур даромаднинг йўқлигидир. Мутлақ қашшоқлик кўпроқ дайдилар, бошпанасизлар ва шу қабилар орасида учрайди.

Нисбий қашшоқлик Ўзбекистон шароитида яшаш минимуми бюджетидан кам бўлган даромадлар миқдори билан аниқланади. Жаҳон амалиётида эса бу кўрсаткич мамлакат бўйича ўртача даромадларнинг 40-60 фоизидан кам бўлган даромадларга нисбатан қўлланилади.

Жаҳон амалиётида интеграл кўрсаткич сифатида инсоннинг ривожланиш индекси (ИРИ) қўлланилади. «БМТ тараққиёт дастурлари» (БМТТД) муаллифлари жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот, кутилаётган умр кўриш даври ва аҳолининг маълумот даражаси каби катталикларнинг ўртача-

сини ҳисоблаб, турмуш даражасининг умумлаштирувчи индикаторини ишлаб чиқдилар.

ИРИ интеграл кўрсаткич бўлиб, у:

- 1) кутилаётган умр узқлигини;
- 2) аҳолининг саводлилиги фоизи ҳамда 25 ва ундан юқори синдагиларнинг ўқиганлик йиллари ўртача миқдори бўйича аниқланадиган аҳолининг маълумот даражасини;
- 3) муайян йилда биржадаги курс эмас, балки тегишли мамлакатлар валюталарининг харид қобилияти бўйича АҚШ долларарида ҳисоблаб чиқиладиган, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни ўз ичига олади.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадлари ва меъёрлари тўғрисида»ги 117-сонли Конвенциясига мувофиқ мақбул турмуш даражасини сақлаб бориш мақсадида давлатлар озиқ-овқат билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, саломатлик, уй-жой қуриш, меҳнат шароитлари, ёлланма ходимлар ва мустақил ишлаб чиқарувчиларни тақдирлаш, ижтимоий таъминот каби соҳаларда тараққиётга қўмаклашиш учун иложи борича чора-тадбирлар кўришлари лозим.¹

Аҳолининг қуйидаги тўртта турмуш даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- тўқ турмуш даражаси - инсоннинг ҳар томонлама камол топишини таъминлайдиган неъматлардан фойдаланиш;
- нормал даража - инсоннинг жисмоний ва ақлий куч-қувватини тўла тиклаш учун қулай шароитларни таъминлайдиган, илмий асосланган меъёрлар бўйича оқилона истеъмол қилиш;
- камбағаллик - меҳнат учун ресурсларни қайта яратишнинг қўйи чегараси сифатидаги иш қобилиятини сақлаш даражасида неъматларни истеъмол қилиш;
- қашшоқлик - истеъмол қилиниши инсоннинг яшаш қобилиятини сақлаш имкониятини гина берадиган неъматлар ва хизматларнинг биологик мезонлар бўйича йўл қўйиладиган минимал турларини истеъмол қилиш.

Истеъмол бюджетлари турмуш даражаси индекси ва динамикасини меъерий-таҳлилий баҳолаш, башоратлаш ва тартибга солиш ҳамда даромадлар соҳасида асосланган сиёсат ишлаб

¹Конвенции и рекомендации, принятыс Международной конференцией труда. 1919-1966. Международное бюро труда. —Женева, 1983. —1321-б.

чиқишнинг муҳим воситасидир.

Турмуш даражаси индексини ҳисоблаш учун турмуш даражасининг куйидаги компонентлари жон бошига тўғри келадиган индекси аниқланади: овқатланиш (тўйимлилиги ва оқсилларга бойлиги бўйича), уй мулклари жамғармаси (солиштирма нархларда), уй-жой (кулайликларни қўшгандаги майдони), саломатлик ва соғлиқни сақлаш (умр кўриш даври динамикаси, ўлим даражаси, соғлиқни сақлаш учун харажатлар бўйича), таълим ва маданият (маълумот олиш ўринлари, таълим ва маданият учун ажратиладиган харажатлар бўйича), аҳолига хизмат кўрсатиш (солиштирма нархларда) ва ҳоказо. Сўнг оила бюджетлари статистикаси бўйича эҳтиёжларнинг эластиклик коэффициенти аниқланади. Эластикликка тескари катталиқ турмуш даражасининг берилган компоненти бўйича эҳтиёжлар нисбий қатъийлигининг ўлчови сифатида қабул қилинади. Шундан кейин ҳар бир компонент учун эҳтиёжлар умумий салмоғида берилган эҳтиёжнинг улушини кўрсатувчи коэффициент топилади. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда турмуш даражаси аста-секинлик билан ўсиб бормоқда, ammo унинг айрим кўрсаткичлари ривожланган давлатлар билан таққослаганда ҳали анча паст.

Турмуш даражасини яхшилашнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири умр кўриш давридир. Бу кўрсаткич сўнгги йилларда тахминан 3,5 йилга қисқарди. Таъкидлаш жоизки, барча кўрсаткичлар ва уларнинг классификациялари ўртасида мустаҳкам алоқа мавжуд. Турмуш даражасининг ўзгариши турли хил омиллар таъсирида юз беради, уларни оқилona бошқариш аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиб бориш имконини беради.

Юқорида таъкидланганидек, турмуш даражаси - турли хил сабабларга боғлиқ бўлган кўп қиррали ҳодисадир. Ҳар бир инсоннинг турмуш даражаси ҳаво ва сув муҳити, уй-жой, маиший ва ишлаб чиқариш шароитлари, истеъмол товарларининг сифати ва ҳажмидан бошлаб, то умумий ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазият, шунингдек, сиёсий институтларнинг аҳволигача бўлган қатор табиий ва ижтимоий омиллар билан белгиланади. Уларнинг энг диққатга сазоворлари - сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳа ва фан-техника тараққиёти, шунингдек, экологияга (атроф-муҳитга) таъсир этувчи омиллардир.

Омилларнинг таъсири табиий-иқлимий шароит ва заҳираларнинг (инсон, меҳнат, ишлаб чиқариш, молиявий, ахборот, маънавий заҳиралар) мавжудлигига (йўқлигига) қараб кучайиши (сусайиши) мумкин. Аммо бунда тўғридан-тўғри алоқа мавжуд эмас. Масалан, Япония, Швейцария каби давлатлар табиий заҳиралари кам бўлишига қарамай, энг бой давлатлардан саналадилар. Фаровонликнинг юқори даражаси аҳолиси кўп бўлган давлатлар (АҚШ, Германия, Япония) билан бир қаторда кам аҳолили давлатларда ҳам (Люксембург, Финляндия, Швейцария) кузатилади. Покистон, Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон каби давлатларнинг иқлими бир-бирига деярли яқин бўлса-да, улардаги аҳолининг турмуш даражаси бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Аҳолининг маълумот даражаси, касбий даражаси юқорилиги, иқтисодий фаоллиги, тадбиркорлиги, ижтимоий муносабатлари мамлакатда турмуш даражаси юқори бўлишини таъминловчи сабаблар сифатида таъкидланади. Масалан, Япония эришган иқтисодий тараққиётни биринчи навбатда таълим тизими, миллатнинг меҳнатсеварлиги, фаоллиги, корхоналарда меҳнатнинг оқилона ташкил этилиши билан боғланади.

Аҳолининг турмуш даражаси миллий бойликларни ўз ичига олувчи иқтисодий салоҳиятга боғлиқ. Миллий бойликлар жамият тасарруфида бўлган моддий заҳиралар, тўпланган маҳсулотлар, иқтисодий оборотга кирган ёки жалб этилган табиий заҳираларнинг йиғиндисини акс эттиради. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳисобига (ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ва бошқалар) миллий бойлик мунтазам ошиб боради (оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш).

Миллий бойлик кўрсаткичлари ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий шартлари, шунингдек, умуман, жамият ҳаётини характерлайди, ижтимоий маҳсулот ҳажми эса маълум давр учун ишлаб чиқариш унумдорлиги ҳамда бойликларнинг истеъмол қилинган элементлари ўрнини тўлдириш ва кўпайтириш мана баи бўлиб хизмат қилади. Тўпланган бойликлар ва ижтимоий маҳсулот ҳажми мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини, демакки, аҳолининг истеъмоли, даромадлари, турмуш даражасини оширишнинг иқтисодий имкониятларини акс эттиради. Миллий бойликнинг кенгайтирилган таркиби 5-расмда берилган.

Миллий мулк миллий бойликнинг асосий таркибий қисми ҳи-

собланиб, жамиятнинг моддий фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган мол-мулкларни ўз ичига олади. Унинг салмоғи ва таркиби Ялпи Ишлаб чиқариш Маҳсулотини ва аҳоли фаровонлигини ошириш учун катта имкониятлар яратди. Мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси Ялпи Ишлаб чиқариш Маҳсулотининг ҳажми ва таркиби билан ифодаланади. Яқуний шахсий истеъмол таркиби (шахсий истеъмол харажатлари), айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Истеъмолнинг умумий ҳажмида узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар улуши юқорилиги аҳоли турмуш даражаси ва мамлакат иқтисодий тараққиёти даражасининг юқорилигидан далолат беради.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган Ялпи Ишлаб чиқариш Маҳсулотидан инсон ривожланиш индекси ва мамлакатнинг ижтимоий тараққиёти индексини ҳисоблашда фойдаланилади. У жамият тараққиёти даражаси бўйича давлатнинг халқаро миқёсдаги ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.



5-расм. Миллий бойликлар таркиби

5.3. Аҳоли даромадлари, бу даромадларнинг шаклланиш манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари

Ҳар бир инсоннинг моддий ва маънавий турмуш имкониятлари унинг даромадлари даражасига боғлиқ бўлади. Инсон даромадини даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг ўз зарурий эҳтиёжларини қондириш, саломатлигини сақлаш, дам олишни ташкил этиш, маълумот олиш, бўш вақтини маданий тарзда ўтказиш имкониятлари шунчалик кўп бўлади.

Даромадлар эҳтиёжларни бевосита қондириш манбаи сифатида аҳоли ҳаётида катта роль ўйнайди. Бюджетнинг даромад қисми асосан жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган солиқлардан ташкил топади ва улар ижтимоий эҳтиёжлар учун сарфланади, шу тариқа аҳоли эҳтиёжлари билвосита қондирилади.

Иқтисодий адабиётларда «даромад» тушунчаси ишлаб чиқарилган маҳсулот нархининг маҳсулотни ишлаб чиқариш сарфхаражатларидан ошиши деб, шунингдек, ҳар бир синф, ижтимоий гуруҳ ёки алоҳида шахснинг янги яратилган қийматда мавжуд бўлган ва унинг томонидан ўзлаштирилган улуши деб тушунилади.

Даромадлар ҳаракати бозор иқтисодиётининг ишлаб туришини таъминлайди. Айланиш жараёнида даромадлар изчил равишда қуйидаги бир неча босқич - юзага келиш, тақсимланиш ва қайта тақсимланиш, пировард истеъмолга ишлатилиш, жамғарилиш босқичларидан ўтади. Даромадлар юзага келиши уларнинг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнидаги ҳаракатининг бошланғич босқичи бўлади. Бу босқичда даромадлар бирламчи даромадлар сифатида шаклланади.

Тақсимланиш жараёнида табиркорлар бирламчи даромадлардан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш юзасидан солиқлар, меҳнат ҳақи ва ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари юзасидан ҳақ тўлайдилар. Натижада дастлабки даромадлар иш ҳақи, фоизлар, рента, корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдасига айланади.

Даромадларнинг қайта тақсимланиши жараёни кейинги босқич бўлади. У солиқлар тўлаш, ижтимоий жамғармаларга маблағлар ўтказиш, корхоналар ва аҳолига турли трансфертлар тарзида даромадлар бир қисмини йўллашни ўз ичига олади (трансфертлар - бир қатнашчи бошқасига бир томонлама тар-

тибда топширадиган иқтисодий бойликлардир; операциянинг бошқа қатнашчисидан эса ўринга ўрин иқтисодий қимматга эга бўлиши мумкин бўлган ҳеч бир нарса келиб тушмайди).

Яратилган даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижалари бўйича тасарруфдаги даромадлар (пировард даромадлар) шаклланади.

Даромадларнинг пировард истеъмоли ва ялпи жамғарилиши улар айланишининг тугалловчи босқичи бўлади. Даромадлар даражасини таҳлил этиш, ўлчаш ва тахмин қилиш учун даромадларнинг ҳар хил турлари ва кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Даромадлар пул ва натурал шаклида бўлиши мумкин.

Аҳолининг пул даромадлари меҳнаткашлар учун иш ҳақи ҳисобидаги барча пул маблағлари тушуми; пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар; мулкдан фоиз, дивидендлар, рента кўринишидаги даромадлар; акциялар, қимматбаҳо қоғозлар, кўчмас мулк, чорва ҳайвонлари, томарқа хўжалиги маҳсулотлари, турли буюмлар ва бошқа товарларни сотишдан тушадиган пул тушумлари, турли хизматлар кўрсатиш учун ҳақлар ва ҳоказолардан ташкил топади.

Аҳолининг натурал даромадлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча тушумлари: деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик маҳсулотлари, боғ-кўрғон, сабзавот-полиз экинлари участкаси, шахсий томорқа, табиат инъомларидан шахсий, оилавий эҳтиёжлар учун тайёрланадиган маҳсулотлар каби тушумлардан иборат.

Пул ва натурал даромадларнинг нисбати тез-тез ўзгариб туради, аммо пул шакли кўпроқ тарқалган. Одатда, аҳолининг камбағал қатламларида натурал даромадлар ҳиссаси юқори бўлади. Иқтисодий вазият ёмонлашган даврда натурал даромадлар салмоғи ошиб кетади, жамоа хўжаликлари деҳқонларида натурал даромадлар ҳиссаси саноат ишчилари натурал даромадлари ҳиссасига нисбатан доимо юқори бўлади, буни бюджет тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди.

Мулкдан олинадиган даромадлар - хўжалик юритувчи субъектларга молиявий ва номолиявий ресурсларни фойдаланишга бериб қўйишдан олинадиган даромадлардир.

Фоизлар - қўйилмалар ва қимматли қоғозлар бўйича даромадлар олиш шаклидир.

Дивидендлар мулкдан олинадиган даромаднинг шундай шаклики, акциядорлар маблағларни корпорациялар тасарруфи-

га топширганликлари натижасида (акциялар сотиб олиш орқали) уни олишга ҳақли бўладилар.

Аҳоли даромадлари номинал ва реал кўринишда бўлади. Номинал даромадлар - пул кўринишида олинган даромадлардир. Реал даромадлар истёсмол нархларининг индексига қараб тузатилган жорий даврдаги номинал пулли даромадлардир.

Номинал ва реал даромадлар кўрсаткичи билан бир қаторда аҳоли пулли даромадларининг харид қобилияти кўрсаткичи ҳам алоҳида олиб қаралади. Бу кўрсаткич аҳолининг товарлар ва хизматлар сотиб олиш бўйича потенциал имкониятларини ақс эттиради ва ўрта ҳисобда жон бошига тўғри келадиган пулли даромадлари товар эквиваленти орқали ифодаланади. Жон бошига тўғри келадиган пулли даромадлар пулли даромадларнинг жами миқдори мавжуд аҳоли сонига бўлиш орқали ҳисоблаб чиқилади.

Ҳисоблаб чиқилган ёки олинган даромадлардан фуқаролар турли солиқлар ва бадаллар тўлашларига тўғри келади. Шу сабабли фуқаронинг ҳақиқий тасарруфида бўлган даромадларни тавсифлайдиган кўрсаткичга таъриф бериш муҳим. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги мажбурий тўловлар ва бадаллар чегирилганидан қоладиган жорий давр пул даромадларини тасарруфдаги пул даромадлари деб таърифлайди.

Шахсий томорқа хўжаликларидан (пулли ва табиий шаклларда) олинадиган даромадлар даромадни шакллантиришда муҳим роль уйнайди. Уларнинг ҳажми Миллий ҳисоб варақалар тизимида умумқабул қилинган қўйидаги принцип бўйича ҳисоблаб чиқилади: маҳсулот чиқариш қийматидан уни ишлаб чиқаришга ишлатилган маҳсулот ва хизматлар қиймати айирилади.


Уй-жой ва коммунал хўжалик, йўловчи транспорти, йўл хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасалари тармоқларининг катта қисми давлат, республика, маҳаллий ва шаҳар бюджетларига ҳамда тегишли маҳаллий маъмурларнинг иш сифатига боғлиқ бўлади. Шу сабабли мазкур қисмнинг каттагина ҳажми табиий шаклдаги ижтимоий трансферт ҳисобланади ва уни аҳолининг ялпи даромадлари жумласига киритиш тўғри бўлади.

Даромад олиш учун меҳнат ва капитал бозорида қанча ҳажмда хизмат таклиф этиш тўғрисида қарор, одатда, оила даражасида қабул қилинади. Шу боис бозор иқтисодиётида даромад шаклланиши умуман, аҳолига татбиқангина эмас, балки уй хўжалиги даражасида ҳам олиб қаралади. Уй хўжаликларининг

ялпи даромади бирламчи ва иккиламчи даромадлардан шаклланади (6-расмни қаранг).

Уй хўжалиги - битта хонадонда яшайдиган, ўзининг барча даромадлари ва моддий бойликларини (ёки уларнинг бир қисмини) бирлаштирган ва товарлар ҳамда хизматлар истеъмолига, асосан тураржой ва озиқ-овқат маҳсулотларига сарф-харажатларни биргаликда амалга оширадиган шахслар гуруҳи (ёки бир шахс)дир.

Аралаш даромад даромадларнинг мустақил кўрсаткичи бўлади. Унда меҳнатга ҳақ тўлаш ва фойда олиш элементлари мужассамлашади. Аралаш даромадлар хусусий тадбиркорлик фаолиятидан (ёлланма меҳнат қўлланилмаган ҳолда), шахсий томорқа хўжалигидан олинadиган даромадлар, эркин касбдаги шахсларнинг даромадлари, муаллифлик гонорарлари ва шу кабиларни ўз ичига олади.



6-расм. Уй хўжалиklари ялпи даромадлари.

Қисқача хулосалар

Турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарурий моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади.

Миллат (аҳоли)нинг фаровонлик даражасини ифодалаш учун «турмуш даражаси», «халқ фаровонлиги», «турмуш фаолияти хавфсизлиги», «турмуш тарзи», «меҳнат фаолияти сифати», «турмуш сифати» каби турли хил тушунчалар қўлланилади. Баъзан турли атамалар бир мазмунни англатса, бошқа ҳолларда улар ўртасидаги фарқ муайян характер касб этади, мазмуни сезиларли даражада фарқ қилади. Шу билан бирга, мазкур тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигини қайд этиш лозим.

Минимал истеъмол бюджети - шахснинг ривожланиши учун зарур бўлган маънавий эҳтиёжлар истеъмолининг ижтимоий асосланган минимал даражасини таъминлайдиган истеъмол товарлари ва хизматлари турлари қиймати.

Камбағаллик кўрсаткичи аҳолининг турмуш даражасини баҳолаш учун фойдаланиладиган мезонлардан биридир. Жаҳон амалиётида камбағаллик даражасини таърифлашга ёндашишда учта асосий концепция: мутлақ, nisбий ва субъектив камбағаллик концепциясидан фойдаланилади.

Мутлақ камбағаллик концепцияси шахс ёки оқилона минимал ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган даромадни таърифлашга асосланади. Ўзбекистонда инсоннинг минимал эҳтиёжларини таърифлаш учун шундай тирикчилик минимуми белгиланганки, уни ҳисоблаб чиқишда калориялар, оқсиллар, ёғлар ва углеводлар зарурий истеъмолининг физиологик меъёрларидан фойдаланилади.

Иқтисодий адабиётларда «даромад» тушунчаси ишлаб чиқарилган маҳсулот нархининг маҳсулотни ишлаб чиқариш сарфхаражатларидан ошиши деб, шунингдек, ҳар бир синф, ижтимоий гуруҳ ёки алоҳида шахснинг янги яратилган қийматда мавжуд бўлган ва унинг томонидан ўзлаштирилган улуши деб тушунилади.

Аҳоли даромадлари номинал ва реал кўринишда бўлади. Номинал даромадлар - пул кўринишида олинган даромадлардир. Реал даромадлар истеъмол нархларининг индексига қараб тузатилган жорий даврдаги номинал пулли даромадлардир.

Уй хўжалиги - битта хонадонда яшайдиган, ўзининг барча даромадлари ва моддий бойликларини (ёки уларнинг бир қисмини) бирлаштирган ва товарлар ҳамда хизматлар истеъмолига, асосан тураржой ва озиқ-овқат маҳсулотларига сарф-харажатларни биргаликда амалга оширадиган шахслар гуруҳи (ёки бир шахс)дир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Турмуш даражаси» тушунчасининг мазмунини очиб беринг.
2. Турмуш даражасини таърифлаш учун қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?
3. Истеъмол бюджетларининг турларини санаб ўтинг ва ҳар бирини қисқача тавсифланг.
4. Камбағалликни таърифлаш турли концепцияларининг моҳияти нимадан иборат?
5. Аҳоли даромадлари деганда нималарни тушунасиш?
6. Аҳоли даромадларини давлат қандай тартибга солади?
7. Даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. Т.: «Адолат», 1996.
2. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. Адамчук В.В., Ромашев О.В. Экономика и социология труда. Учебное пособие. М.: 1999.
4. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. 1999-2000 й.
5. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик Қ.Абдурахмоновнинг умумий таҳрири остида. - Т.: «Ўқитувчи», 2001.
6. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. - Т.: «Меҳнат», 1995.

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ

6.1. «Камбағаллик» тушунчаси, унинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш йўллари

Камбағалликни, бизнинг фикримизча, “жамиятнинг асосий қисми учун хос бўлган меъерий турмуш кечириш учун зарур моддий ресурсларнинг етишмаслиги оқибатида юзага келган ҳолат” тарзида ифодалаш мумкин. Камбағаллик аҳолининг бир қисми ушбу жамият учун хос бўлган асосий турмуш шароитларининг минимал даражасини қониктира олмаган ҳолларда юз беради. Бу ҳолат тузилиш шакли ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражасидан қатъий назар ҳар қандай жамиятда мавжуд.

Камбағалликнинг юзага келиш сабаблари, ўлчамлари ва намоён бўлиш шакллари турлича: камбағаллик чегарасини (яшаш минимуми; айниқса, бозор шароитида) мунтазам ушлаб туриш; аҳолининг турли қатламларига истеъмол нархларини компенсациялаш механизмнинг номукаммалиги; аҳолининг янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашиш жараёнининг мураккабликлари; шахснинг жамият ижтимоий структурасидаги мақоми - аҳолининг у ёки бу гуруҳига маъсублиги. 1994-1995 йилларга келиб, аҳолининг асосий қисми мавжуд муаммоларни ўз кучи билан ҳал этишга жиддий киришди.

Камбағалликнинг тўртинчи сабаби юқорида айтилганидек, шахснинг жамият ижтимоий структурасидаги аҳволидир. Гап шундаки, аҳолининг бир неча категориялари ижтимоий жиҳатдан заиф бўлиб, камбағалларнинг асосий қисмини ташкил этмоқда. Булар пенсионерлар, ногиронлар, ногирон болалар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, бевалар, етим болалар ва ота-оналар қармоғида бўлмаган болалар, қочоқлар ва мажбурий мигрантлар.

Булардан ташқари камбағаллар сафида ишсизлар (жумладан, ёшлар), нотўлиқ иш қунида ишловчилар ёки мажбурий таътилдагилар; иш ҳақи бўйича қарзи бўлган, молиявий аҳволи огир корхоналар ва банкрот корхоналар ишчи-хизматчиларининг улуши сезиларли. Талабаларни ҳам кўп ҳолларда камбағаллар қаторида кўриш мумкин. Камбағалларнинг табиий муҳитини кўп болали нотўлиқ оилалар, узоқ касаллик оқибатида қашшоқлашган, табиий офатлар, адаптациянинг қийинлиги ту-

файли ўз мулкидан маҳрум бўлган шахслар ва ижтимоий гуруҳлар (дайдилар, ичувчилар, гиёҳвандлар, жиноий жазо муддатини ўтаб қайтганлар) ташкил этади.

Жон бошига тўғри келадиган (фойдаланиш) даромад юқори бўлган оилаларнинг аъзолари, ўз хизмат вазифасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш, хусусий секторда ишловчилар, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича маълумотлилар, ишлаб чиқаришга кириб келаётган ёшлар учун қашоқ бўлиб қолиш хавфи камроқ.

Бозор иқтисодиёти тизими учун ижтимоий-иқтисодий дифференциация жараёнининг объектив ривожланиши чуқурлашуви ва кенгайиши хос ва шу жиҳат унинг муҳим белгиси ҳисобланади. Бозор механизми Ўзбекистон учун илгари хос бўлмаган тақсимотнинг янги усулларини ва аҳоли даромадлари ташкил топишининг ўзгача йўналишини вужудга келтирди. Бу усуллар, биринчидан, хўжалик фаолиятидаги мулкнинг хусусийлаштирилишига боғлиқ бўлиб, бу тадбиркорлик даромади, фойда ва фоиз каби даромад шакллари юзага келтиради. Иккинчидан, нарх-навонинг эркинлаштирилишига боғлиқ бўлиб, бу нарх-навонинг бозорда тебраниб туришини ва бозор конъюнктураси ўзгаришини назорат қилувчи субъектлар томонидан тўғри баҳоланиш орқали даромадларнинг қайта тақсимланишидан иқтисодий фойда кўриш юқори даромадлилар қатламини вужудга келтиради. Учинчидан, кишиларнинг ўз мол-мулкларини мустақил тасарруф этишлари ва хоҳишига қараб ишлатишларига боғлиқ бўлиб, мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар шаклини юзага келтиради. Тўртинчидан, даромадларни ўстиришда ҳар қандай чеклашларнинг бекор қилинишига боғлиқ бўлиб, қонуний даромадларнинг юқори чегараси солиқлар орқали тартибга солиниб турилади ва юқори даромад олишга ҳалақит берувчи тўсиқлар олиб ташланади.

Даромадларнинг умумий даражаси оиланинг ўртача бир аъзосига тўғри келадиган даромадлар миқдори билан белгиланади. Даромад жон бошига минимал иш ҳақи ва ундан кам миқдорда тўғри келадиган оилалар сони даромадларнинг умумий даражасига тескари боғлиқ бўлса, даромад жон сонига минимал иш ҳақидан юқори миқдорда тўғри келадиган оилалар сони даромадларнинг умумий даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Шу боисдан ҳам иш ҳақининг энг кам миқдори аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг муҳим воситаси сифатида мутассил оши-

риб борилмоқда. Унинг ўсиши шу вақтгача аҳоли даромадларини индексация қилиш йўли сифатида ҳам амалга оширилган. Аммо, иқтисодийдаги вазият яқин давргача иш ҳақи ва ҳали жон бошига даромадларни кескин оширишга имкон бермас эди.

Республикамизда амалга оширилаётган макроиқтисодий барқарорлаштириш, иқтисодийдаги таркибий ўзгаришлар ва бозор ислохотлари муваффақиятли амалга оширила борганлиги сабабли 1998 йилдан бошлаб иқтисодий юксалиш бошланди. Шунинг учун ҳам Президент И.А. Каримов "...мамлакатимизда вужудга келаётган макроиқтисодий вазиятга ҳамда иқтисодийнинг амалда юксалишига асосланиб, биз энг аввало, ҳозир яқин беш йил ичида иш ҳақининг энг кам миқдорини 2,5 барабар оширишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйишга ҳақлимиз", деди ва бу юксак вазифа қилиб қўйилди.

Юртбошимиз иш ҳақи энг кам миқдорининг бундай оширилиши иқтисодий ўсишнинг бошқа омиллари билан қўшилиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадни 1,8 - 2,0 барабар оширишга имкон беришини қайд этдилар. Ушбу вазифани амалга ошириш учун энг аввало аҳоли турмуш даражасини ўрғаниш, унинг юксала боришига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаб, салбий оқибатларига барҳам бериш лозим бўлади.

Аҳоли турмуш даражасини оширишда ва ижтимоий кафолат яратишда, иш ҳақи энг кам миқдорининг аҳамияти катта. Агар бу кўрсаткич ниҳоятда паст бўлса, ҳалқнинг энг зарур истеъмол эҳтиёжларини қондирмайди ва унинг асосида белгиланган иш ҳақи кишиларни умуман меҳнатга рағбатлантира олмайди. Шунинг учун ҳам энг кам иш ҳақи миқдори мамлакат иқтисодий тараққиёт даражаси ва халқ турмуш тарзи билан белгиланадиган истеъмол савати асосида аниқланиши лозим. Ҳозир энг кам иш ҳақи миқдорини аниқлаш истеъмол саватига асосланган эмас. Эндиликда Президент И.А. Каримов ғояларидан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ мутасадди вазирликларга республика аҳолиси миллий турмуш тарзига мос, унинг муносиб ҳаёт кечиринини таъминлайдиган истеъмол савати миқдори ва таркибини аниқлаш вазифаси топширилган. Аҳоли даромадларини ошириш мақсадида тоифалар бўйича аҳоли турмуш даражасини тадқиқ қилишнинг илмий асосланган механизминини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этадиган вазифа қилиб белгиланган.

Аҳолининг даромадлар бўйича тоифаларини аниқлаш кам таъминланган эҳтиёжманд аҳоли қатламларини муайян ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш имкониятини беради. Аҳоли даромадларини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2002 йил 1 апрелдан бошлаб иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этади. Ушбу Фармонга кўра, энг кам иш ҳақи амалдаги 3430 сўмдан 3945 сўмга ошди, бюджет ташкилотлари, муассасалари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсияларнинг миқдори, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ва ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилди. Фармонга мувофиқ 2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: энг кам иш ҳақи - ойига 3945 сўм, ёшга доир пенсия - 7800 сўм, ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд - ойига 3945 сўм, болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 7800 сўм, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - ойига 4725 сўм миқдорида белгиланган. Бу аҳоли даромадларини кескин ошириш, халқ турмуш даражасини изчил ва барқарор ўстириш йўлида яқин келажақда қилиниши керак бўлган буюк ишларни бажаришдаги дастлабки қадамлардандир.

Аҳоли даромадларини ошириш билан бир қаторда уларнинг харид қувватини ҳам ошириш лозим бўлади. Бунинг учун энг аввало, пулнинг қадрсизланишига қарши қатъий чоралар кўриш Президентимиз томонидан муҳим вазифа қилиб қўйилди. Ана шундай чоралар кўриш йўли билан яқин беш йилда пулнинг қадрсизланиш даражасини йилига 6-8% камайитиришга эришиш мўлжалланмоқда.

Аҳоли даромадларининг харид қувватини ошириш учун ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар билан мунтазам ва ишончли тарзда тўлдириш лозим. Ушбу вазифани ҳал қилиш мақсадида республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида истеъмол товарларининг улушини яқин беш йил ичида 50,0 %га етказиш режалаштирилган. Бунинг учун эса, халқ хўжалигининг истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳалари ва корхоналари фаолиятини

ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Камбағаллик шакллари ва вақт бўйича ва яшаш минимуми билан таққослаб (камбағаллик, муҳтожлик ва кам таъминланганлик) фарқлаш мумкин. Даромадлар миқдори билан яшаш минимуми нисбати бўйича камбағалликнинг уч шаклини фарқлаш мумкин: - камбағаллик (даромадлар яшаш минимуми бюджетининг озиқ - овқат қисмини ҳам қоплайди); - муҳтожлик (даромадлар яшаш минимуми даражасида); - кам таъминланганлик (даромадлар минимал истеъмол бюджети даражасидан юқори, аммо яшаш минимуми бюджетидан кам).

Аҳолининг кўпгина категориялари учун камбағаллик муаммоси ўз-ўзича ҳал этилмайди, чунки аҳолининг бу қисми ижтимоий заифлик тоифасига мансуб. Бозор баъзиларнинг фаровонлиги ошишига имкон яратса, бошқаларнинг ночорланишига сабаб бўлади. Камбағалликни бартараф этишга қаратилган сиёсат қўйидаги тамойилларга суяниши лозим: ўтиш даври қийинчиликларига адолат билан тақсимланиши, ҳалол, яхши ҳақ тўланадиган меҳнатга тенг имкониятлар яратиш, меҳнатга лаёқатсиз инсонларда ўз меҳнати билан ўз эҳтиёжларини таъминлашлари учун рағбат уйғотиш.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида энг кам иш ҳақи миқдорининг ўзгариши 1994-2003 йиллар давомида*

Йиллар	Энг кам иш ҳақининг миқдори (сўм)	Киритилиши муддати
1994	100	1994 й.1 август
1995	150	1995 й.1 март
	250	1 сентябрь
1996	400	1996 й.1 апрел
	550	1 сентябр
	600	1 декабр
1997	750	1997 й.1 июл
1998	1100	1998 й.1 июл
1999	1750	1999 й.1 август
2000	2450	2000 й.1 август
2001	3430	2001 й.1 август
2002	3945	2002 й.1 апрель
2003	5430	2003 й. 1 январь

* Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Камбағалликка қарши кураш ва унинг олдини олиш бир неча йўналишларда ўтказилиши мумкин: алоҳида меҳнаткаш ёки бутун аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган иқтисодий чоралар; аҳолини объектив сабабларга боғлиқ хавфлардан (меҳнатга лаяқатини йўқотиш, касаллик, ногиронлик, ишсизлик, кексаллик, ўлим, боқувчисини йўқотиш ва ҳ.к.) ижтимоий муҳофазалаш тизимини ва болали оилаларга нафақа тўлаш, аҳолининг алоҳида гуруҳларига (ветеранларга) имтиёзлар ва компенсациялар белгилаш давлат тизимини ривожлантириш; ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини яратиш (моддий ва натурал ёрдам, бепул озиқ-овқат, ногиронларни реабилитация қилишга кўмаклашиш, уйларда, кундузги уйларда ижтимоий хизмат кўрсатиш, ижтимоий тураржой бериш ва ҳ.к.)

Иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқаришнинг барқарорлашуви ва ўсишини таъминлаш, умумиқтисодий мувозанатга эришиб, миллий иқтисодиёт келажаги учун йўл очиш, даромадларни қайта тақсимлаш воситасида ижтимоий мувозанатга эришиш кабиларни мўлжаллайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бир маромда ривожланаётган жамиятда ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратиладиган харажатларни ялпи ички маҳсулотнинг 20,0% (дунёда ўртача-7,0%, Европанинг бази давлатларида 50,0%, Россияда - 10,0%, Ўзбекистонда - 20,0%)га етказишни тавсия этади.

Аҳолининг муҳтож қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш кўп жиҳатдан бу ишларга бадавлат одамларнинг эътиборини тортиш, уларни кам таъминланганлар, стимуллар, бева-бечораларга садақа, хайр-эҳсон қилишга жалб этишга боғлиқ.

Товар ишлаб чиқариш ва бозор иқтисодиётига асосланган жамият тараққиёти бир томондан, самарали ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини, фан-техника тараққиётини ўстириш, турмушнинг моддий даражасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратса, иккинчи томондан, иқтисодий тангликлар, ишсизлик, пулнинг қадрсизланиши сингари ҳолатларни туғдиради. Натижада нарх-наво кўтарилади. Аҳолининг, айниқса, унинг кам таъминланган қисмининг реал даромади пасаяди, турмуш даражаси оғирлашади. Мамлакат иқтисодиётидаги тебранишлар аҳолининг табиий ўсиши билан бир қаторда ишсизликнинг кўпайишига сабаб бўлади. Аввало шуни ҳисобга олиш керакки, бозор иқтисодига ўтиш бир томондан, аҳоли табақала-

нишини кучайтирса, иккинчи томондан, унинг стихияли қонунлари, бозор механизми аҳолининг турмуш даражаси яхшиланишига ҳам таъсир этади.

Иқтисодиётни тартиблашнинг бозор механизми тартиблаш воситалари орқали таъсир этади. Бу воситалар орасида нарх ётакчи ўринни эгаллайди. Нарх иқтисодий хатти-ҳаракатларни ўзаро боғлаб, иқтисодиётда мувофиқлаштириш вазифасини бажаради. Нархнинг ошиши талаб ўсишини билдиради. Уни қондириш учун ишлаб чиқаришни кучайтириш зарур. Бунинг учун, ўз навбатида, янги ресурсларни ишга солиш, қўшимча маҳсулот олиш, уни сақлаш, танлаш ва истеъмолчига етказиш керак бўлади. Бу ишни бажарувчи турли соҳалар ва корхоналар кенгайди. Уларда ишчи кучига бўлган талаб ошади, ишсизларнинг бир қисми ишга тортилади. Уларнинг оладиган иш ҳақи оила даромадига қўшилади. Корхона эгаларининг фойдаси ҳам кўпаяди. Вақтинча ишсиз бўлиб қолган бир қисм хунармандлар ўз якка фаолиятини тиклаб, даромад ола бошлайдилар. Натижада фуқаролар олаётган даромадларнинг умумий ҳажми кўпаяди. Уларнинг турмуш даражаси бир оз яхшиланади.

Бозор механизми иқтисодиётни тўла тартибга сола олмаслиги сабабли иқтисодиётга давлат аралашуви ва тартибга солиш зарурияти келиб чиқади. Давлат ўзининг иқтисодий сиёсати орқали иқтисодиётни тартибга солишга аралашади. У микроиқтисодий фаолиятини рағбатлантириш орқали ишлаб чиқаришнинг барқарорлашуви ва ўсишини таъминлаш, умумиқтисодий мувозанатга эришиб, миллий иқтисодиёт келажаги учун йўл очиб, даромадларни қайта тақсимлаш воситасида ижтимоий мувозанатга эришиш кабиларни мўлжаллайди. Давлат ўз маблағи билан малакали иш кучини тайёрлашда қатнашади. Давлат ҳисобидан ҳамма учун бепул умумий таълим берилади, маълум тоифа бепул олий таълим олади, бепул тиббий хизматлардан фойдаланилади, имтиёзли уй-жойга эга бўлади. Давлат ҳисобидан аҳолини янги касбларга ўргатиш жорий этилади. Иккинчи томондан, давлат ўз бюджети доирасида шахсий даромадларни қайта тақсимлаб, бой тоифа ҳисобидан камбағалларни таъминлаб туради. Давлат ишсизликни қисқартириш чораларини кўради. Нафақага чиқиш ёшини қисқартириш йўли билан иш жойлари бўшатилиб, уларга ишсизлар қабул қилинади. Давлат ҳисобидан ишсизларга нафақа берилади, моддий муҳ-

тожликда яшовчиларга ёрдам кўрсатилади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос хусусиятлар Президентимиз И.А. Каримов олға сурган беш тамойилдан бири - аҳолининг кенг қатламларини, энг аввал унинг ночор гуруҳларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш чоратадбирларини кўришдир. Давлат ижтимоий муҳофаза имкониятларини ҳисобга олиб, аҳолини давлат бюджети ҳисобидан муҳофазалаш чораларини белгилайди. Бундай имтиёзлар аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизларга нафақа бериш, қарилик нафақаси, стипендияларни ошириш, аҳолининг айрим қисмига, масалан, ногиронларга бепул дорилар бериш, транспортдан фойдаланишда, дам олиш, даволаниш, солиқлар ва тўловларда имтиёзлар бериш кабилар киради. Лекин ҳозир ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида солиққа тортиш тизимини ўзгартириш ва қашшоқларга турли ёрдамлар кўрсатиш орқали даромадларни қайта тақсимлаш усули кам самара беради. Кўпгина ривожланган давлатларда бу йўлдан воз кечилган. Қашшоқларга пул кўринишида ёрдам кўрсатиш иш ҳақининг рағбатлантириш функциясини сусайтиради, боқимандалик кайфиятини ривожлантиришга, бандлик структурасида салбий ўзгаришларга, ўз моддий аҳолини яхшилашга интилмайдиган кишиларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун фаол ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифаси қийин аҳволга тушиб қолганларга бевоқиф ёрдам кўрсатиш эмас, балки шундай ҳолатга тушиб қолиш хавфини қисқартириш, аҳолининг бозор муносабатларига ижтимоий адаптацияси, ижтимоий барқарорлик, ижтимоий хизматлар ҳажмини кўпайтириш, ҳудудий ижтимоий дастурлар ишлаб чиқишдан иборат. Ҳаддан ташқари ижтимоий ёрдам меҳнатга бўлган рағбатни сусайтириши мумкин. Ўтган иқтисодий ислохотлар даврида ижтимоий сиёсат қоидалари қуйидаги асосий йўналишларда рўёбга чиқарилди: аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва меҳнат бозорини шакллантириш борасида ишга киришни истаганлар учун тегишли шарт-шароитлар яратилди. Барча туманларда ишга жойлаштириш органлари - меҳнат биржалари тузилди. Иш билан бандлик жамғармасининг маблағлари ҳисобига ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тармоғи ташкил этилиб, молияланди, янги иш ўринлари вужудга келтирилди. Турли кўринишдаги тадбиркорлик, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан бемалол шу-

гулланиш имконияти берилган ва давлат секторининг анча кенгайтирилганлиги туфайли жами ишловчи аҳолининг ярмидан кўпроғи шу соҳада иш билан банд бўлиши таъминланди.

Аҳолининг энг камбағал, муҳтож табақаларига вақтида мадад бериш, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ислохотларни муваффақиятли ўтказиш учун кафолат бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун бозор муносабатларини жорий этишдан аввал одамларни олдиндан кучли даражада ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш муҳим масала ҳисобланади.

6.2. Кам таъминланаган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш механизми

Оила жамиятимизнинг асосий бўғини, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий тадбирларнинг кўпчилиги оилаларга ва уларнинг турли эҳтиёжлари қондирилишига йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат муҳофазасидадир. Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовордир. Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлиғини сақлашга доир махсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади.»¹ - деб таъкидланган. Бу эса шундан далолат берадики, мамлакатимизда оила, оналик, оталик ва болаликнинг муҳофазасига катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг оила фаровонлигини таъминлаш ҳукуматимиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек «оила фаровонлиги - миллий фаровонлик асосидир».² Бунинг учун оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ барча масалаларни ўзида мужассам этган қўйидаги йўналиш-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Т.: «Адолат», 1998, 6-б.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 400б.

ларда муҳим ишлар амалга оширилимоқда: оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминлаш, оналик ва болалик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш; оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оила аъзоларининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва билим даражасини ошириш учун имкониятларни яхшилаш; оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оиланинг даромадларини, оила аъзоларини иш билан таъминлаш даражасини ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш; оиланинг соғлом ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг вазифаларини такомиллаштириш; оила муаммоларини илмий ва ижтимоий тадқиқ этиш, оила, хотин-қизлар ва болаларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволини кўрсатувчи статистика ҳисоботини туғлаш ва такомиллаштириш.

Республикамиз мустақиллигининг қисқа даври ичида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатини ошириш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уй меҳнати ва маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш, оиланинг маънавий, ахлоқий асосларини такомиллаштириш, кўп болали, кам таъминланган, ночор оилаларни, ногиронларни, қаровчисиз кексалар, ёлғизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилада маънавий ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Президентимиз И.А.Каримов ташаббуслари билан 1998 йилни «Оила йили», 1999 йилни «Аёллар йили», 2000 йилни «Соғлом авлод йили» ва 2001 йилни «Оналар ва болалар йили» деб эътироф этилиши ҳамда шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан махсус Давлат дастурларининг қабул қилинганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги, айни вақтда бирорта мамлакатда йўқ Республика «Оила» илмий маркази ва унинг қуйи бўлимлари ташкил этилганлиги оила, оналик ва болалик манфаатларини нафақат ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий муҳофаза этиш, балки илмий-амалий нуқтаи назардан ўрганиш ва олға сурилган ғоялар асосида оилаларнинг ҳар томонлама фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар деб ҳисобланади.

Ҳуқуқий демократик жамиятнинг асосий мезонларидан бири

ҳисобланган инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, оила, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этувчи махсус тизим яратилди (Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ, Омбудсман институти, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари Мониторинги институти ва ҳ.к. лар ташкил этилди).

Давлат хизмати тизимига оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш масалалари бўйича махсус шохобча киритилди, яъни, Президентимизнинг 1995 йил 2 мартдаги Фармониغا биноан Республика Хотин-қизлар қўмитаси раисига Бош вазир ўринбосари, туман, шаҳар, вилоят хотин-қизлар қўмиталари раисларига ҳоким ўринбосарлари мақоми берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таркибида оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари киритилиб, фаолият кўрсата бошлади. Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятларини кучайтириш, уларнинг ваколатларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилиши билан бирга, айнан оила, хотин-қизлар ва болалар мафаатларини муҳофаза этувчи ўндан ортиқ жамоат ташкилотлари тузилди. Oilанинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уй меҳнати ва маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш, oilанинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш, кўп болали, кам таъминланган, қаровчисини йўқотган ночор oilаларни, ногиронлар, етим-есирлар, ёлғиз кексалар, беморларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, oilада жамият талабларига мос комил инсонларни тарбиялаш борасида амалга ошириладиган тадбирлар бутун дунё халқларининг диққат-эътиборида бўлмоқда.

Оила ва маҳалла бир-бири билан ҳар томонлама боғлиқ. Зотан, маҳалла oilалардан ташкил топади. Маҳалла ҳақида гап кетганда, Юртбошимиз И.А.Каримовнинг берган баҳоси диққатга сазовордир: «Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўй-маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келадиган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақазо этмоқ-

да. Мамлакатимизда кўп қиррали ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим».¹

Шунинг учун ҳам мустақиллик шарофати туфайли маҳаллаларнинг ҳар томонлама баркамоллигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябрдаги фармонига кўра, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 октябрдаги 480-сонли «Республика Маҳалла хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори, 1993 йил 2 сентябрда ва Олий Мажлиснинг 1999 йил 14 апрелдаги XIV сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»ги қонун асосида маҳалланинг мақоми мустақкам ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кам таъминланган ва балоғат ёшидаги болалари бор оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Кам таъминланган ва болали оилаларга ижтимоий ёрдам аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни руёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августда қабул қилинган «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазалашни кучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига кўра Республикада кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш жорий этилди.

Моддий ёрдам фақат кам таъминланган оилаларга, уларнинг моддий ва мулкий аҳволи махсус комиссия томонидан текширилиб, ҳақиқатан ҳам ижтимоий ёрдамга муҳтож деб топилган тақдирдагина тўланади. Моддий ёрдам пулининг миқдори амалдаги энг кам иш ҳақи миқдорининг 1,5 бараваридан 3 бараваригача бўлиши мумкин ва у уч ой муддатга тайинланади.

Олий Мажлиснинг 2001 йил 6 декабрдаги 306-11-сон қарорида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида» 2002 йил 25

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 12-13- бетлар.

январдаги ПФ-3017 сон Фармонида назарда тутилган чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Фармонга биноан «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва фуқораларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ишламаётган оналарга болани 2 ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича ойлик нафақа тайинлаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди, бунда оиланинг мазкур нафақага муҳтожлигини ҳисобга олиш лозим деб ҳисобланди. Мазкур нафақани тайинлашда иштимоий адолат, очиқ-ойдинлик ва ошкоралик тамойилларига риоя қилиниши керак.

Мазкур ёрдамни тайинлаш ва тўлаш ҳуқуқи тўлалигича фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларига (шаҳарчалар, кўрғонлар, қишлоқлар, овуллар, маҳалла фуқаролар йиғинлари) берилган. Кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдам пулларининг шаклланиш манбалари қилиб республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, бюджетдан ташқари манбалар - жамоат ва хайрия жамғармалари, корхоналар ва хўжаликларнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари ва бошқалар белгиланган. 1993 йил 23 апрелда Президентимизнинг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасини тузиш тўғрисидаги Фармони чиқди. Орадан икки ой ўтар-ўтмас Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 5 мартда эълон қилинган навбатдаги қарори «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия жамғармасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида» деб аталди. Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 15 февралдаги 46-сонли қарори «Соғлом авлод» давлат дастурининг ҳамда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. «Соғлом авлод Давлат дастури»да соғлом авлодни тарбиялашнинг 2000-2005 йилларга режалаштирилган вазифалари мазмун-моҳияти бандма-банд аниқ белгилаб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқлар ҳамда


хомиладор аёлларда туғма ва бошқа паталогияни барвақт аниқлаш бўйича «Она ва бола скрининги» давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бажарилмоқда. Бу вазифага Давлат дастурида ҳам алоҳида эътибор берилган. Мамлакатимизда туғма ногиронликни камайтиришга улуш қўшиш ниятида Нукус, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Бухоро, Қарши, Наманган ва Термиз шаҳарларида ҳудудий она ва бола скринингги марказлари очиш ва уларни «Дельфия» ташхис лаборатория ускуналари ҳамда ташкилий техника билан жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. 2000 йилнинг биринчи ярим йиллигида Республика скрининг марказини таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги 10 миллион сўм, Тошкени вилояти ҳокимлиги 10 миллион 250 минг сўм, Сирдарё вилояти ҳокимлиги 2 миллион сўм, «Соғлом авлод учун» жамғармаси 5 миллион сўм маблағ ажратди.

Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш ниятида Республикаимизнинг узоқ ҳудудларида ўтказилаётган тиббий кўрик тадбирлари - «Саломатлик» поезди ва автоамбуланс хизмати ташкил этилиб, Тиббий ижтимоий патронаж бригадалари орқали 161404 киши кўриқдан ўтказилди. Уларнинг 110421 нафари аёллар, 61814 нафари болалар, 25531 нафари эса ўсмирлардир. Республикада оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ва болаларнинг иқтисодий-маънавий ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан жуда кўплаб зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Масалан, АҚШнинг «Ameri Cares» хайрия ташкилоти томонидан юборилган 8 миллион 437026 АҚШ долларига тенг, «Коунтерпорт Интернейшнл» ташкилоти томонидан юборилган 65456 АҚШ доллари миқдо-ридаги инсонпарварлик ёрдами Республикадаги тиббиёт муас-сасаларига етказиб берилди. Жамгарма таркибида «Соғлом авлод учун», Ташқи иқтисодий фаолият «Авлод», «Шарқ» фирмалари, «Оила» тиббий маркази ва Тиббий ижтимоий Маркази ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаолияти ҳам соғлом авлодни шаклантиришга ҳисса қўшишга йўналтирилгандир. Жамгарма Япония, АҚШ, Миср Араб Республикаси ва бошқа қатор мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари билан давлатлараро битимлар доирасидаги лойиҳаларни амалга оширишда ҳам иштирок этиб келмоқда.

Хулоса қилиб шунини айтишимиз керакки, мамлакатимизда

амалга ошириладиган ислохотларнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланишида оила, оналик ва болалик муҳофазаси давлат сиёсати даражасига кўтарилиши муҳим масала ҳисобланади. Чунки оила жамиятнинг асосий негизи бўлиб, унинг мустақамлиги ва фаровонлигидан жамият манфаатдордир.

Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили республика бюджетидан муайян миқдорда маблағ ажратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бундай ёрдам йўлга қўйилиши ўтиш даврида кам таъминланган оилалар учун катта ижтимоий мадад бўлди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган қуйидаги диаграмма бу фикримизни тасдиқлайди:



Оилаларга бериладиган нафақа ва имтиёзлар ҳар қандай давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишидир. Улар ёрдамида аҳолишунослик сиёсати шакллантирилади, кўп болали оилалар ижтимоий муҳофазаланади, ота-оналарнинг оиладаги роли белгиланади ва уларнинг меҳнат бозорига чиқишлари учун имконият яратилади.

Давлат миқёсида қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар аҳолини ижтимоий муҳофазалашда муҳим аҳамият касб этади.

6.3. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби

1991 йилгача Ўзбекистонда амал қилган болали оилаларга нафақалар тўлаш тизими 13 хил нафақани ўз ичига олган эди. 1994 йил сентябридан уларнинг ўрнига ягона болалар нафақаси жорий этилди ва унинг миқдори энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб белгиланадиган бўлди. Бундан ташқари, илгари гўдак парвариши учун у туғилган кундан бошлаб 1,5 йил мобайнида нафақа тўлаб турилган бўлса, энди бу муддат 2 йил қилиб белгиланди.

Ҳозирда болали оилаларга қуйидаги нафақалар тўланмоқда:

- ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича;
- фарзанд туғилиши муносабати билан;

- 2 ёшгача бола парвариши таътили даврида тўланадиган нафақа;

- 16 ёшгача фарзанди бўлган оилаларга нафақалар.

1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида” фармони қабул қилинди. 1997 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган мазкур фармон 16 ёшгача фарзанди бўлган оилаларга нафақалар тўлаш тартибини тубдан ўзгартирди. Илгари шундай оилаларнинг барчаси нафақа олар эди, юқориси тилга олинган фармон қабул қилингандан сўнг болалар нафақаси фақат унга муҳтож оилаларгагина тўланадиган бўлди. Мазкур ўзгаришдан кўзланган мақсад давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамларнинг манзиллилигини кучайтиришдан иборат, яъни ёрдамдан ҳақиқатан ҳам унга муҳтож кишилар фойдаланиши керак. Бундан ташқари, болалар нафақасини тўлашнинг янги механизми нафақалар миқдорини оиладаги болалар сонига қараб дифференциялашни кўзда тутди. Унга кўра, 16 ёшга тўлмаган бир нафар болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 50,0, 2 нафар болали оилаларга 100,0, 3 нафар болали оилаларга 140,0, 4 нафар ва ундан ортиқ болали оилаларга 175,0 фоизи миқдорида нафақа тўланади. Мазкур нафақалар илгари ота ёки она ишлаётган корхона (ташқилот, муассаса) жойлашган туман ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тўланган бўлса, 1997 йилдан бошлаб маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказилди ва Ўзбекистон Республикаси Халқ банки муассасаларида “Болалар нафақалари” махсус ҳисоб варақалари очилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджетни бел-

гилаш чоғида ушбу нафақага муҳтож оилаларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пулларини тўлаш учун зарур маблағлар ажратади. Бу борада ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш, кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш лозимлиги қайд қилинган.

Кам таъминланган ва болали оилаларга нафақаларнинг тўғри тайинланиши ва тўланишини назорат қилиш Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг вилоят бошқармалари, Молия вазирлиги ва бошқа давлат бошқарув органлари зиммасига юклатилган бўлиб, улар амалий ёрдам кўрсатиш ва йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишда қўмақлашадилар, мавжуд қонунбузарчиликларга қарши чора-тадбирларни қўлайдилар.

Ўзбекистонда ислохотларни олиб боришда айниқса, демографик вазият ҳар томонлама ўрганилмоқда. Давлат демографик жараёнларни бошқаришда фаол иштирок этмоқда. Давлатнинг демографик вазиятга фаол аралашуви, аввало, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш жойлари барпо этиш, аҳолининг кўпайиши, ўсиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боришда аниқ намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон демографиясининг ўзига хос хусусияти оила аъзоларининг кўп сонлилиги билан характерланишини юқорида ҳам эслатдик. 2000 йил маълумотларига кўра, мамлакатимизда 6166,9 минг оила мавжуд. Бу оилалар бюджетининг асосий қисми 16 ёшга тўлмаган болалар истеъмолига сарфланади. Масалан, 1997 йилда ўтказилган таҳлиллар кўрсатишича, ўрта ҳисобда уч нафар 16 ёшга тўлмаган фарзандлари бўлган оилаларда даромаднинг 91,3 фоизи шу болалар учун сарф қилинган. Умумий ҳолат шундай бўлгани боис ҳам Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофазалашга муҳим давлат сиёсати сифатида ёндашилади. Ана шундай ёндашув туфайли 1990-1995 йилларда ялпи ички маҳсулот ҳажми қисқаргани ва иш билан бандлик даражаси 21,0% бўлгани ҳолда, ялпи ички маҳсулот олдинги йилдагига нисбатан 101,6 фоизи ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сонли қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби» қўйидагиларни кузда тутати:

I. Моддий ёрдам объектив сабабларга кўра, оила аъзолари-

нинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган ва оила аъзоларининг иқтисодий фаоллигини ошириш ҳисобига даромадини жиддий миқдорда ошириш имконияти бўлмаган кам даромад олувчи оилаларга уларнинг фаровонлигини ошириш мақсадида тайинланади ва туланади;

II. Моддий ёрдам мазкур ўзини-ўзи бошқариш органи жойлашган ҳудуддаги яшаб турган, балоғатга етмаган болалари бўлган кўп болали оилаларга, ишсизлар оиласига, боқувчисини, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган оилаларга, ёлғиз пенсионерларга бошқа оилаларга қараганда афзаллик кўрсатиб тайинланади;

III. Моддий ёрдам олиш учун асосли далиллари бўлган ҳолларда бундай ёрдам бошқа оилаларга ҳамда ёлғиз фуқароларга ҳам берилиши мумкин;

IV. Оилага моддий ёрдам бериш тўғрисида қарор ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқаролар йиғини, шу бошқариш органлари қошида ташкил этилган комиссияларнинг оиланинг моддий ёрдамга муҳтожлик даражаси тўғрисидаги хулосаси асосида қабул қилинади;

V. Моддий ёрдам уч ой муддатга тайинланади;

VI. Ҳар ойлик моддий ёрдамнинг миқдори тайинланаётган вақтда амалда бўлган энг кам иш ҳақининг 1,5-3 бараваригача бўлган меъёрида комиссиянинг хулосаси бўйича ўзини-ўзи бошқариш органлари йиғини томонидан тасдиқланади;

VII. Оилага моддий ёрдам кўрсатиш шу оилага моддий ёрдам таъминланиши тўғрисида фуқаролар йиғини қарор чиқарган ойдан сўнг келадиган ойдан бошланади;

VIII. Моддий ёрдам оила бошлиғи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида оила манфаатини ифодалашга вакил қилиниши, оиланинг бошқа вояга етган аъзосининг ёзма равишдаги аризаси асосида, айрим ҳолларда эса аризасиз - фуқаролар йиғини раисининг тавсияномаси билан тайинланади;

IX. Фуқароларнинг аризалари уларнинг келиб тушиши санасига қараб алоҳида рўйхатга олиш дафтарида қайд қилинади;

X. Оиланинг даромади ва унинг мулкий аҳволини текшириш оиланинг моддий фаровонлиги даражасини ва унга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдамга муҳтожлиги даражасини ҳолис баҳолаш, шунингдек, бу ёрдам миқдорини белгилаш мақсадида ўтказилади;

XI. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун кўрғон, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқароларининг йиғини чақирилади;

XII. Моддий ёрдамни тўлаш фуқаролар йиғинининг қарори асосида, қарор баённомасига мувофиқ амалга оширилади;

XIII. Жамғарма банкидаги махсус ҳисоб-рақамларида қолган ҳамда оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ишлатилмай қолган маблағлар бир йил ўтгандан сўнг қайтариб олинмайди ва фуқаролар йиғинининг қарори асосида ободончилик мақсадлари ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ишлатилиши мумкин;

XIV. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ҳар чоракда моддий ёрдам кўрсатишга ажратилган маблағлардан фойдаланиши тўғрисида ҳисобот бериб турилади ва бошқа ҳисоботлар топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августда қабул қилинган 434-сонли қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларни давлат томонидан ижтимоий муҳофазалашни кучайтириш юзасидан чоралар»нинг ижроси бўйича бир неча маълумотларни келтириб ўтамыз. Кам таъминланган оилаларни рўйхатга олиш, уларга нафақа тайинлаш ва тўлаш бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари шуғулланади. Кам таъминланган оилаларга нафақа, яъни моддий ёрдам тўлаш бўйича қўйиладиган талаблар:

А. моддий ёрдам агар оиланинг текширилган ва ҳисобланган даромади республикада белгиланган энг кам иш ҳақидан паст ёки тенг бўлган ҳолатдагина тайинланади;

В. кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан 3 бараваригача белгиланади.

Бу 5-жадвалда ўз ифодасини топган.

5-жадвал

Кам таъминланган оилаларга фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органи томонидан бериладиган моддий ёрдам миқдори (2001 йил)*

Тўлов вақти	Энг кам иш ҳақининг бир баравари	Энг кам иш ҳақининг бир ярим баравари	Энг кам иш ҳақининг 2 баравари	Энг кам иш ҳақининг икки ярим баравари	Энг кам иш ҳақининг 3 баравари
1 август-гача	2450	3675	4900	6125	7350
1 август-дан кейин	3430	5145	6860	8575	10290

* Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Қисқача хулосалар

Камбағалликни, бизнинг фикримизча, “жамиятнинг асосий қисми учун хос бўлган меъёрий турмуш кечириш учун зарур моддий ресурсларнинг стишмаслиги оқибатида юзага келган ҳолат” тарзида ифодалаш мумкин. Камбағаллик аҳолининг бир қисми ушбу жамият учун хос бўлган асосий турмуш шароитлари минимал даражасини қониқтира олмаган ҳолларда юз беради. Бу ҳолат тузилиш шакли ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражасидан қатъий назар ҳар қандай жамиятда мавжуд. Камбағаллик шаклларини вақт бўйича ва яшаш минимуми билан таққослаб (камбағаллик, муҳтожлик ва кам таъминланганлик) фарқлаш мумкин. Даромадлар миқдори билан яшаш минимуми нисбати бўйича камбағалликнинг уч шаклини фарқлаш мумкин: камбағаллик (даромадлар яшаш минимуми бюджетининг озиқ - овқат қисмини ҳам қоилайди); муҳтожлик (даромадлар яшаш минимуми даражасида); кам таъминланганлик (даромадлар минимал истеъмол бюджети даражасидан юқори, аммо яшаш минимуми бюджетидан кам).

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кам таъминланган ва балоғат ёшидаги болалари бор оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Кам таъминланган ва болали оилаларга ижтимоий ёрдам аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўйга чиқаришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида ишлар олиб борилаёпти. Моддий ёрдам фақат кам таъминланган оилаларга, уларнинг моддий ва мулкӣ аҳоли махсус комиссия томонидан текширилиб, ҳақиқатан ҳам ижтимоий ёрдамга муҳтож деб топилган тақдирдагина тўланади. Моддий ёрдам пулининг миқдори амалдаги энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан 3 бараварига тенг бўлиши мумкин ва у уч ой муддатта тайинланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. “Камбағаллик” тушунчаси нимани англатади?
2. Камбағалликнинг келиб чиқиш сабабларини айтиб ўтинг.
3. Камбағалликни бартараф этиш йўлларини ифодаланг.
4. Кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш механизми ҳақида гапириб беринг.
5. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам қай тартибда тўланади?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси - Т.: «Адолат», 1996.
2. Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқораларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 1999й .,14 январь.
3. Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Халқ сўзи», 2002й ., 25 январь.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
5. Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, «Халқ сўзи», 2002й ., 1апрель.
6. Куликов и др. Современная экономика труда: монография. - М.: ЗАО “Финстатинформ”, 2001.
7. Умрзоқов Б. Ижтимоий муҳофаза. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Т.: 1998.
8. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза- Т.: 2000.

VII боб

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

7.1. Жаҳон иқтисодий тараққиётидаги ижтимоий омиллар

XX аср охирида кўпгина мамлакатлар олдида иқтисодий ривожланишнинг янги йўлларини ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг янги усулларини излаш масаласи кўндаланг бўлди. Жаҳон иқтисодий ривожланишининг глобал тенденциялари бунда энг истиқболли йўл жамиятдаги бутун иқтисодий тизимни ижтимоий омилларни кучайтириш ва ҳатто устуворлик роли томон қайта қуриш эканлигидан далолат беради. Бу тенденция назарий жиҳатдан барча етакчи иқтисодий мактаблар томонидан тан олинадиган ижтимоий бозор иқтисодиёти концепциясида ўз аксини топган.

Бозорнинг ижтимоий муаммоларини биринчи ўринга қўйиш жаҳон иқтисодий ривожланишининг табиий эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бунда иқтисодиётнинг самарадорлигини янада ошириш масалалари пировард-натигада ишлаб чиқаришнинг инсон омилини ривожлантиришдан иборат бўлиши мумкин бўлган ҳам эски, ҳам янги ижтимоий муаммолари ҳал этилишига сезиларли даражада боғлиқ бўлиб қолади. Агар инсон омили ижтимоий муҳофаза муаммолари доирасида кўриб чиқиладиган бўлса, фикримизча, хўжалик юритишнинг бозор тизими шартшароитларида аҳолини ижтимоий муҳофазалашнинг бутун тизими аслида келгусидаги иқтисодий ўсишнинг асоси-жамгарилган инсон потенциални сақлаб қолиш ва ривожлантириш каби бош вазифани (юқорида қайд қилинган ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифасидан ташқари) ҳал қилишга бўйсундирилганлигини тан олмаслик мумкин эмас.

Ўтиш иқтисодиётини, бозор ислохотлари жараёни ривожланишда бўлган мамлакатларда аввал бошданоқ бозор механизмларини, бундай вазифаларни ҳал қилиши лозим бўлган ижтимоий соҳанинг давлат томонидан бошқарилиши билан бириктиришни мўлжалга олиш ғоят муҳим.

Туб ислохотлар даврида ижтимоий бозор ислохотлари доирасида иқтисодий ривожланишнинг янги усул ҳамда воситала-

рини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳам муҳимдир. Барча ҳокимият тузилмалари ижтимоий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида ҳамда одамларнинг барча фаолиятлари, жумладан, меҳнат фаолиятлари унинг ижтимоий мазмунидан келиб чиқиб баҳоланишида давлатнинг ролини фаоллаштиришга йўналтирилиши керак.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда кейинги ўн йилликда «ташкилий инқилоб» деган атама содир бўлдики, унинг моҳияти яқин ўтмишда хусусий ташаббус ва иқтисодий самарадорликнинг анъанавий принципларига қарама-қарши қўйилган «бирлашиш ҳуқуқи», «уюшмалар эркинлиги» принципларини янада ривожлантириш ва амалий рўёбга чиқаришдан иборат. Бу ўзгаришлар гуруҳий манфаатларнинг гуруҳий вакиллик принципи асосида давлат ҳамда юқорида айтиб ўтилган ташкилий ва уюшмалар ўзаро муносабатининг янги моделини ишлаб чиқиш йўлидаги уриниш бўлди.

7.2. Касаба уюшмаларининг аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тизимидаги роли

Турли ижтимоий бирлашмалар, биринчи навбатда, касаба уюшмаларининг сафи кенгайиб бормоқда. Касаба уюшмалари томонидан ижтимоий диалог жараёнларининг фаоллаштирилиши ижтимоий корпартизм феноменини келтириб чиқарди. Ҳозирги шароитда ижтимоий корпоратизмнинг ривожланганлик даражаси кўп жиҳатдан сиёсат тизимининг бошқарувчанлигини белгилайди. Ривожланган мамлакатларда манфаатлар вакилчилигининг корпоратив модели ҳар қандай ҳукуматнинг давлатни самарали бошқаришга қодирлик даражасини оширади.

Бу муносабатда кўпгина мамлакатлар турли ижтимоий шериклик шаклларини давлат назорати остида ривожлантиришдан манфаатдор эканликлари қонунийдир. Бу жараёнларни фаол рағбатлантириш ижтимоий диалогнинг ўз мустақиллигини сақлаб қолишга интиляётганлари қаршиликка дуч келиши мумкин, ammo ижтимоий диалог иштирокчилари турли шаклларининг ривожланиши бундай қаршиликни енгиш имконини беради.

Меҳнаткашларнинг барча уюшмалари ва ижтимоий ташкилотлари орасида касаба уюшмалари таъсирининг кучи алоҳидадир. Бунинг сабаби иштирокчиларнинг оммавийлигида эмас,

балки касаба уюшмаларининг асосий вазифаси ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш эканлигидадир. Давлат иқтисодиётга фаол таъсир кўрсатадиган ҳозирги шароитда касаба уюшмалари улар билан, албатта, диалогга киришади, давлатнинг иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишда иштирокчига айланади. Бандлик, ижтимоий муҳофаза, меҳнат шарт-шароитлари ва унга ҳақ тўлаш ўзаро алоқанинг бошқа йўллари билан ҳал қилинади. Шу билан касаба уюшмаларининг давлат ҳокимияти механизмига интеграцияси мақсадга мувофиқ эмас.

Ҳозирги шароитда ижтимоий давлат қўйидаги вазифаларни бажариб, ижтимоий адолат ва фаравонлик ғоясини амалга оширишга даъват этилган:

- жамиятни ижтимоий ривожлантириш ва стратегик ижтимоий сиёсат концепциясини ишлаб чиқиш;

- кўп укладли иқтисодиётнинг ижтимоий асосланган заминларини яратиш;

- мувофиқ келувчи молиявий ва моддий таъминотли ижтимоий дастурлар устуворликларини тузиш ва белгилаш;

- ижтимоий сиёсат ва ижтимоий дастурларнинг мафкуравий ҳамда ахборот таъминоти;

- ҳам умуммиллий, ҳам минтақавий даражада давлат ижтимоий муассасаларининг ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш билан шуғулланадиган, жамоатчилик ва диний ташкилотлар, сиёсий партиялар ҳамкорлигини қамраб оладиган ижтимоий бошқарув тизимини шакллантириш;

- давлат ижтимоий вазифалари мажмуининг системали ҳуқуқий таъминоти.

Умумий давлат фаровонлигини ташкил этиш давридаги иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ижтимоий-маданий соҳани молиялаш ҳажмини, яъни «инсон сармоясига» қўйилмалар ҳажмини кўпайтиришда катта имконият берган. Шу билан бирга, кейинчалик ижтимоий-маданий соҳада давлат роли ортиб боришининг салбий томонлари кўрина бошлаган. Ортиб бораётган ижтимоий харажатлар ҳажми ва бюджетга келиб тушаётган оғирлик ва унга боғлиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда аҳоли зиммасидаги солиқ юқининг юқорилик даражаси ўзини кўпроқ сездира бошлади. Давлат бюджетига тушаётган оғирлик қатор сабаблар туфайли кескинлашди.

Биринчидан, ижтимоий-маданий хизматларнинг ўз ички ривожланиш мантиғи бор, яъни кенг қўламда ўзини қайта тиклаш хусусиятига эга. Халқнинг ижтимоий-маданий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, ижтимоий-маданий соҳадаги кейинги тараққиёт имкониятлари шунчалик кўп бўлади. Одамларнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжлари моддий эҳтиёжлардан фарқ қилиб, тўйиниш чегарасига эга эмас. Шу билан бирга, инсон эҳтиёжлари тизимида ижтимоий-маданий эҳтиёжлар шахснинг ривожланиши ва ўзини намоён қилишда алоҳида муҳим роль ўйнайди.

Иккинчидан, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш хизмати соҳаларининг алоҳида тармоғини ифодалайди. Моддий ишлаб чиқаришга қиёсан бу соҳалардаги меҳнат унумдорлиги доимо орқада қолиш тенденциясига эга. Бунинг сабаби, хизмат соҳасида инсон меҳнатини техника билан алмаштириш имконияти анча чекланган, чунки шифокорлар, ўқитувчилар ва маданият соҳаси ходимларининг меҳнати ижодий ҳисобланади ҳамда субъектнинг субъект билан бевосита алоқада бўлишини тақозо этганлиги учун ҳам уни қатъий регламентлаш мумкин эмас. Техник воситалар ижтимоий-маданий соҳа ходимларининг ижодий имкониятларини кенгайтириб, хизмат кўрсатиш сифатини оширади, холос.

Хизматлар ишлаб чиқариш сермеҳнатлилиги ва иш ҳақи сарфлари улушининг юқорилиги билан ажралиб туради. Ижтимоий хизматлар қийматида иш ҳақи улушининг юқорилиги ижтимоий-маданий комплекс ходимлари меҳнатининг мураккаблиги ва улар иш ҳақининг ўсиши саноат соҳасидаги ишлаб чиқариш унумдорлиги ўсишига боғлиқлиги каби омиллар билан белгиланади. Демак, замонавий иқтисодий ривожланиш хизмат соҳасидаги бандлик улушининг ортиб бориши ва ялпи ички маҳсулотда унинг салмоғи ортиши билан ифодаланади.

Учинчидан, хизмат соҳасини, жумладан, ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш демографик, техноген ва экологик омиллар таъсири остида бўлади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда пенсия ёшидаги аҳоли салмоғининг ортиши тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш харажатларини кўпайтиришга олиб келади. Атроф-муҳитнинг ёмонлашуви аҳоли соғлиғига етказилиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш сарфларини оширишга сабаб бўлади. Техник жараённинг инсон организмига салбий таъсирини доимо ҳам йўққа чиқариб бўлмайди. Кўпинча, меҳнат шарт-шароитларининг номақбул санитария-гигиена

ҳолатлари юзага келади. Ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касбий касалланиш ҳолатларини тўла истисно қилиб бўлмайди.

Ривожланган мамлакатларда ижтимоий-маданий соҳа тармоқларини бюджетдан молиялаш қийинчиликлари кейинги ўн йилликда уларни бартараф этишга тубдан фарқ қилувчи икки ёндашувни келтириб чиқарди. Ёндашувлардан бири неоконсерватив концепцияга ҳамда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлатнинг ролини минималлаштиришга асосланади ва бундай молиявий таъназулдан чиқишда фақат ўз-ўзини бошқаришнинг бозор имкониятларини назарда тутати. Неоконсервативлар ижтимоий давлат ролини чеклашни маъқуллаб, ижтимоийдан кўра, иқтисодий томонга урғу берадилар. Улар воситани мақсадга айлантириб, ҳозирги жамиятнинг асосий вазифаси сифатидаги инсонни ривожлантириш ва унинг эҳтиёжларини иккинчи ўринга қўядилар.

Иқтисодийни чуқур таркибий қайта қуриш билан боғлиқ ҳозирги босқичнинг характерли хусусияти ривожланган мамлакатлар учун жамият меҳнат потенциалидан фойдаланиш даражаси кўрсаткичи ҳисобланадиган ишсизликнинг сезиларли ўсиши тенденцияси бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда деярли барча ривожланган мамлакатларда ишсизлик суръатининг ўсиши уларда иқтисодий ривожланиш босқичининг юқорида айtilган хусусиятидан эмас, балки иқтисодий ўсиш суръатлари пасайган шароитларда ижтимоий харажатлар ўсишининг номувофиқлиги туфайли ҳамдир. Натижада давлат бюджети камомади кўпайиб, инфляция ўсган. Ўз навбатида бунга қўшимча сифатида иш кучининг қимматлашуви содир бўлиб, янги иш жойларининг сони камайган ва ишсизлик ўсган.

6-жадвал

Иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги ишсизлик даражаси динамикаси

Мамлакатлар	1970 й.	1980 й.	1990 й.	1994 й.
АҚШ	5,0	7,2	5,5	6,3
Япония	1,2	1,3	2,1	2,9
ГФР	1,6	3,1	6,2	8,4
Франция	2,5	6,3	8,9	12,3
Буюк Британия	2,4	6,1	5,9	9,6
Швеция	1,2	1,6	1,5	7,6

Манба: ОЕСД: Economic Outlook. June 1994

Ижтимоий давлат ривожланиши, хусусан, ижтимоий харажатларни молиялаш инқирозида ифодаланган таназзул ҳодисаларини ривожланган бозор механизмларининг мослашувчанлиги анча юмшатди. Шу билан бирга, мазкур мамлакатлар ривожланишининг бу мураккаб босқичида ижтимоий шериклар томонларнинг муносабатларини тўғрилаш зарурати юзага келди.

Иқтисодиётни таркибий қайта қуриш шароитида давлат касаба уюшмалари билан ўзаро муносабатни шу давр учун характерли бўлган ўзига хос шаклларда амалга ошириши керак. Масалан, давлатнинг иқтисодий модернизацияга йўналтирилган сиёсати касаба уюшмалари томонидан сезиларли ён берилиши зарурлигини ва айни пайтда улар иқтисодиётининг амалга оширилаётган таркибий қайта қуришга қўшилишларини ҳам назарда тутди. Бундан ташқари, юзага келган иқтисодий вазият нафақат давлат, корхоналар, балки касаба уюшмалари ўртасида қарор топган ижтимоий шериклик муносабатларига ҳам салбий таъсир қилади. Бундай шароитда давлатнинг иқтисодиётни жонлаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга оширишига номувофиқ таъсир этиши мумкин бўлган ижтимоий низолар юзага келишининг олдини олиш керак бўлади. Шу билан бирга, касаба уюшмалари бу вазифаларни амалга оширишдаги давлат билан қилинган ҳамкорлик эвазига миқдори нақд иқтисодий воситалар билан аниқланиши керак бўлган маълум компенсацияни ҳам талаб қилади.

Айтиб ўтилган муаммолар деярли барча иқтисодий ривожланган мамлакатларда мавжуд, аммо уларнинг ҳар бирида бу муаммоларнинг ижтимоий шерикликнинг мойиллиги ва қарор топган тизимдан келиб чиқадиган, қоидага кўра, кучли ташкилотга, тадбиркорлар уюшмалари билан ҳамкорлик даражасига эга бўлган касаба уюшмаси ҳаракатининг характеридан келиб чиқадиган ўз ечими бор. Ҳозирги касаба уюшмалари ўз ривожланиши жараёнида мураккаб ташкилий тузилмали оммавий ташкилотга айланган. Улар жиддий ижтимоий куч ва юксак даражадаги жавобгарликни касб этган, уларнинг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги роли ижтимоий давлат қарор топишига кўра ортиб борган. Шунинг учун иқтисодиётни модернизация қилишда касаба уюшмаларини эътиборга олмаслик маълум ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳар қандай модернизациялаш модели, ўз навбатида, аввало, давлат, тадбиркорлар ва касаба уюшмаларининг қарор топган хусусиятларини акс эттиради. Унинг муваффақиятли бўли-

ши фақат касаба уюшмалари хатти-ҳаракатига эмас, балки давлатнинг ижтимоий шериклик томонлари билан диалогни ташкил этишдаги позицияси қанчалик мослашувчан ва шу билан бирга принципиал бўлишига ҳам боғлиқ бўлади.

7.3. Европа мамлакатларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

Давлат ижтимоий муҳофазалаш тизими Шимолий Европа давлатларида, айниқса, Швецияда анчагина ривожланган. Аксинча, АҚШда давлат фақат минимал ижтимоий муҳофазани таъминлайди, бундан ортига инсоннинг ўзи эришиши лозим, чунки ҳар бир киши ўз ҳаёти ва келажаги учун ўзи жавобгар.

Ривожланган давлатларнинг ижтимоий муҳофазалаш соҳаси учун умумий бўлган тенденция шундаки, бу давлатларда ижтимоий жамғармаларга бадаллар корхона ёки меҳнаткашлар томонидан тўланади (Финляндияда фақат корхоналар тўласа, Германия, Нидерландия, Францияда асосий оғирлик меҳнаткашлар гарданида). Олинадиган ёрдам миқдоридagi фарқ сезиларли даражада. Имтиёزلардан фойдаланишда умумий тенглик ҳуқуқи Шимолий Европа давлатлари, Нидерландияда амал қиладди. Бельгия, Германия, Францияда нафақа ва ёрдам миқдори тўланган бадаллар салмоғига қараб белгиланса, АҚШ ва Канадада нафақалар муҳтожлик даражасига қараб тўланади.

Ижтимоий давлат ривожланиши, хусусан, ижтимоий харажатларни молиялаш инқирозида ифодаланган таназул ҳодисаларини ривожланган бозор механизмларининг мослашувчанлиги анча юмшатди. Шу билан бирга, мазкур мамлакатлар ривожланишининг бу мураккаб босқичида ижтимоий шериклар томонларнинг муносабатларини тўғрилаш зарурлиги юзага келди.

Иқтисодиётни таркибий қайта қуриш шароитида давлат касаба уюшмалари билан ўзаро муносабатни шу давр учун характерли бўлган ўзига хос шаклларда амалга ошириши керак. Ижтимоий сиёсат соҳасида диққатга молик йўналишлардан бири оилаларни қўллаб-қувватлаш ва оилавий нафақалардир. Европа Иттифоқида кирувчи давлатлар орасида аҳолини ижтимоий муҳофазалаш Бельгияда яхшироқ ташкил этилган. Айни шу давлат ишчиларнинг иш ҳақларига нисбатан оилавий нафақалар салмоғи бўйича биринчи ўринда туради. Икки ва уч фарзандли оилалар учун у мос равишда 13,7% ва 25,7%ни ташкил этади, Германияда бу нисбатлар 3,0% ва 5,8%га тенг. Бельгияда бола-

ли оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича бир неча қонуний актлар амал қилмоқда, уларнинг мақсади «ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳиссасидан қатъий назар ҳар бир инсонга ижтимоий муҳофаза ва минимал кафолатланган даромадни таъминлашдир».

Ҳозирги вақтда оилаларни қўллаб-қувватлаш сиёсати оилавий нафақаларни кўзда тутаяди, биринчи фарзанд туғилгандан бошлаб шундай нафақалар тўлаб борилади. Нафақалар миқдори ота-оналарнинг профессионал мақоми, оиладаги болалар сони, туғилган фарзанднинг оилада нечанчи эканига боғлиқ. Бола 18 ёшга тўлгунча, талабалар эса 25 ёшга тўлгунча нафақа тўланади.

Болали оилалар, шунингдек, солиқ имтиёзларига ҳам эга, масалан, қарамоғидаги болалар сонига қараб солиққа тортилмайдиган даромад миқдорини ошириш транспортдан, уй-жойдан фойдаланиш, ҳарбий хизматга чиқариш бўйича. Оналикни муҳофаза қилиш ва болалар муассасалари институти ташкил этилган, энагалар ва тарбиячилар хизмати, оилаларга ёрдам кўрсатиш хусусий хизматлари шакллантирилган.

Австрияда ҳам оилаларга ёрдам кўрсатиш тизими анча ривожланган. Бу ерда мазкур масала Оналик ва Ота-оналар таътили тўғрисидаги актлар билан тартибга солинади. Болалар нафақалари сони бир талай. Масалан, ота-оналар таътили давридаги нафақа, фарзанд туғилиши билан боғлиқ нафақа, туғилдан кейинги давр учун нафақа (фарзанд 12 ёшга тўлгунча), болаларни парваришлаш учун маҳаллий нафақалар. Бу давлатларда болали оналар учун солиқ имтиёзлари тизими мукамал тузилган.

Фарзанд вояга етгунга қадар унинг парвариши, таълим олиши ва бошқалар учун сарфланадиган харажатларни давлат томонидан қисман компенсациялаб туриш учун ота-оналарга ажратиладиган болалар нафақаси кўпгина хорижий давлатларда оилавий нафақалар сирасига киритилиб, кўпроқ ота-оналик нафақалари деб юритилади. Болалар нафақаси жаҳоннинг барча давлатларида ҳам мавжуд эмас. Осийё, айниқса, Африкадаги аксарият давлатларда болали оилаларни ижтимоий муҳофазалаш тизими етарлича шаклланмагани боис бундай нафақалар берилмайди.

Ривожланган ғарб давлатларида болалар нафақаси асосан вояга етмаган фарзандлари бор оилалар учун ажратилади. Бу нафақа Франция, Буюк Британия, Швеция каби давлатларда 16 ёшгача фарзанди бўлган оилаларга берилса, Бельгияда фарзанд 14 ёшга етгач, тўхтатилади. Аксарият хориж давлатларида бизда яқиндагина жорий этилган болалар нафақасини фақат муҳ-

тож оилаларга тўлаш тамойили илгаридан мавжуд, яъни болаларга нафақа белгилашдан олдин оиланинг шу нафақага қай даражада муҳтож ёки муҳтож эмаслиги аниқланади. Масалан, Буюк Британияда даставвал, оиланинг даромадлари текширувдан ўтказилади, агар оиланинг даромадлари яшаш минимумидан юқори бўлса, нафақа белгиланмайди. Бундан ташқари, ушбу нафақа олиш учун мурожаат қилган оила сўнгги икки йил ичида мамлакатда камида олти ой истиқомат қилган бўлиши керак.

Франциянинг болаларга нафақа тўлаш механизми ўзига хослиги билан ажралиб туради. Болалар нафақаси асосан тadbиркорлар ва якка тартибдаги меҳнат билан шуғулланувчиларнинг даромадларидан тўланадиган фоизлик суғурта бадаллари ҳисобига таркиб топадиган маблағлардан тўланади. Нафақа олиш учун оилада камида иккита фарзанд бўлиши лозим. Агар фарзанд даволаниш, ўқиш ва бошқа сабаблар билан 3 ой Франциядан ташқарида бўлса, нафақа тўхтатилади.

Нафақа миқдори:

2 фарзанд учун - иш ҳақининг 32,2 фоизи, 3 нафари учун- 27,3 фоизи, 5 нафар фарзанд учун- 115,0 фоизига тенг.

Канадада нафақалар солиқ имтиёзлари билан алмаштирилган, яъни фарзанди бор ота-оналар камроқ солиқ тўлайдилар.

Швецияда кўп болалаи оилаларга махсус нафақа тўланади. Аммо фарзандлар бошқа-бошқа никоҳлардан бўлмаслиги шарт. Бундан ташқари, агар ота алимент тўлашга қодир бўлмаса ёки кам миқдорда тўласа, қўшимча алимент нафақалари тўланади.

7.4. АҚШда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг хусусиятлари

АҚШда ижтимоий ёрдам тармоғи қуйидаги икки асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин бўлган бир неча катта-кичик дастурларни ўз ичига олади: қашшоқликка қарши кураш дастурлари ва суғурта тарзидаги дастурлар. Биринчи гуруҳга кирувчи дастурлар аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Ёрдам олиш ҳуқуқи ва нафақа миқдори инсоннинг бошқа манбалардан олган даромадлари салмоғи, шунингдек, унинг жамғармаларига боғлиқ. Ёрдам олишнинг бошқа вариантлари ҳам мавжуд. Масалан, таклиф этилган ишга жойлашиши, касбий таълим олишга розилик билдириш ва ҳ.к. Фуқароларни дастурларга қўйиш учун номолиявий мезонлар ҳам мавжуд. Баъзи дастурлар фақат уруш ветеранлари, 65 ёшдан ошган кексалар, ёш

болали оилаларга ёрдам кўрсатишга қаратилган. Суғурта тарзидаги дастурлар мураккаб вазиятларда алоҳида шахслар ёки оилалар турмуш даражасини тутиб туришга кўмаклашади. Бу дастурларнинг мақсади - бой берилган даромаднинг (ишсизлик, травматизм оқибатида ва ҳ.қ.) ўрнини қисман бўлсада қоиллаш.

Шу билан бирга, хусусий дастурлар ҳам мавжуд. Масалан, иш берувчиларнинг маблағлари ҳисобига шаклланадиган хусусий пенсия тизимлари. Гарчи хусусий дастурлар ижтимоий ёрдам тармоғига кирмаса-да, давлатдан ёрдам олишга талабгорларнинг муҳтожлик даражасини аниқлашда уларни ҳисобга олиш даркор.

Кўплаб дастурлар федерал қонунлар билан тартибга солинади. Уларнинг бир қисми федерал ҳукумат томонидан молияланади ва амалга оширилади, аммо кўплаб дастурлар штатлар ҳукуматлари томонидан бажарилади, харажатлар эса федерал ҳукумат ва штатлар ўртасида тақсимланади.

Таъкидлаш лозимки, турли дастурларнинг амалга оширилишига қарамай, АҚШда ҳозирда ҳам қашшоқликнинг маълум даражаси сақланиб қолган. Статистик маълумотларга кўра, АҚШ аҳолисининг 15,0 фоизи қашшоқлик чегарасида.

7.5. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг Япония модели

Японияда давлат томонидан аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг кенг тарқалган турлари қуйидагилардан иборат:

- I. Ҳаёт кечирish учун субсидиялар;
- II. Таълим олиш учун нафақалар;
- III. Уй-жой учун нафақалар;
- IV. Тиббий нафақалар;
- V. Бола туғилиши муносабати билан бериладиган нафақалар;
- VI. Дафн этишга бериладиган нафақалар;
- VII. Ишга тайёргарлик кўриш учун бериладиган нафақалар (кийим, транспорт харажатлари ва бошқалар);

Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш ва ижтимоий таъминот тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: ижтимоий суғурта ва тиббий суғурта, ижтимоий хизмат кўрсатиш ва жамоатчилик ёрдами.

Японияда ижтимоий суғурта ўзининг миллийлиги ва ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу ерда «ижтимоий суғурта» тушунчаси кенг тушунча бўлиб, иш билан бандлик суғуртаси, беморлик, шикастланиш, ногиронлик ва кексалик на-

фақаси суғурталари ва бошқаларни назарда тутати. Японияда умумий суғурта институти ташкил этилган. Шунинг ҳисобига тиббий ёрдам ва нафақа суғуртаси ҳуқуқига барча аҳоли қатламлари эга. «Ишсизликка қарши суғурта» ва «Ишчиларни компенсациялаш суғуртаси ҳақида»ги қонун 1947 йилда қабул қилинган бўлиб, мазкур суғурталар турида суғурта ишлаб чиқариш жараёнида орттирилган шикастланиш ва касалликларга сарфланадиган харажатлар билан қопланади. 1974 йилда «Иш билан бандликни суғурта қилиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун амалдаги 1947 йилда қабул қилинган «Ишсизликка қарши суғурта ҳақида»ги қонун ўрнига кучга кирди. Мазкур қонунда ишсизлик нафақасини тўлаш билан бир қаторда, аввалги маошининг 60-80,0%ни ташкил қиладиган ва 3 ойдан 10 ойгача тўлаб бориладиган нафақа билан бирга, иш билан бандликни барқарорлаштириш, ишсизликнинг олдини олиш каби тадбирлар ҳам қайд этилган. Шу билан бирга, иш жойини йўқотганлар учун янги мутахассисликни эгаллашда ёрдам кўрсатиш йўли билан уларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш ҳам назарда тутилган. Айрим аҳоли гуруҳларининг меҳнат бозоридаги ҳолати яхшиланишида «Меҳнат қилиш имкониятларининг тенглиги ҳақида»ги қонун катта роль ўйнади. Ушбу қонун аёлларнинг иш жойларида камситилишларига чек қўйиб, уларни умумий ишлаб чиқариш жараёнида ўз хоҳишларидан келиб чиққан ҳолда иштирок этишлари имкониятини яратди. Мазкур йўналишда яна «Кекса кишиларнинг бандлигини барқарорлаштириш ҳақида»ги қонун ҳам катта аҳамият касб этди. Японияда ишсизларга ажратилган нафақа харажатлари анча кам бўлиб, бу, ўз навбатида, ишсизлар сони ҳам анча кам бўлишини тақазо этади. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, умумий ҳисоб бўйича Япония ижтимоий таъминотнинг иқтисодий фаол аҳолига кўрсатаётган тиббий, кексалик нафақаси ва бошқа нафақалар соҳасида ривожланган давлатлардан орқада қолаётгани йўқ.

Тиббий суғуртадан тушадиган тўловлар тиббий хизмат кўрсатишга, тиббиёт муассасаларини замонавийлаштириш, авваломбор сифатлироқ тиббий асбоб-ускуналар олиш, врачлар, ҳамширалар ва бошқа тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш каби тадбирларга сарф қилинади. Мамлакат миқёсида 1961 йилдан бўён «Давлат тиббий суғуртаси ҳақида»ги қонун амалда бўлиб, мазкур қонунга биноан бу турдаги суғурта дастурини бошқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар маҳаллий ҳу-

кумат ташкилотлари зиммасига юкланади.

Японияда ижтимоий хизмат кўрсатиш деганда, биз аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари орасида, ёрдамга муҳтож бўлган шахсларга, махсус муассасаларда ёки уйларида кун давомида кўрсатиладиган ёрдамни тушунишимиз лозим. Аҳолининг ушбу тоифасига ногиронлар, қариялар ва болалар киради. Мазкур хизмат тури «Болаларнинг фаровонлиги ҳақида», «Ногиронларнинг фаровонлиги ҳақида», «Ақли заиф болаларнинг фаровонлиги ҳақида» ва «Қарияларнинг фаровонлиги ҳақида»ги қонунлар асосида амалга оширилади. Шунини таъкидлаш лозимки, ижтимоий хизмат кўрсатиш учун жавобгарлик ҳукуматнинг маҳаллий ташкилотлари зиммасига юклатилган бўлиб, у тенг улушда давлат ва маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилади.

Японияда «Жамоатчилик ёрдами ҳақида»ги қонун қабул қилинган бўлиб, 1950 йилда қайта кўриб чиқилган ва унга қўшимчалар киритилган. Жамоатчилик ёрдами Соғлиқни сақлаш ва Ижтимоий таъминот вазирликлари томонидан белгиланган турмуш даражасидан паст даражада яшаётган оилаларга қаратилгандир. Бундай оилаларга нафақалар тўланиб, бепул хизмат кўрсатилиб борилади. Ҳар иккала хизмат тури ҳам умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳисобига молиялаштирилади.

1998-1999 йилларда ижтимоий таъминотга сарфланган давлат бюджетининг харажатлари 14,8 трлн. иенни ташкил қилган. Шундан 60,0%и ижтимоий суғуртага мўлжалланган. Жамоатчилик ёрдамига ажратилган улуш ҳам анчагина катта бўлиб, у 30,0%ни ташкил қилган. Шундан 60,0%и кексаларга сарф қилинган бўлса, 25,0%га яқини болалар учун сарфланган.

Японияда аҳолини ижтимоий муҳофазалаш ва ижтимоий таъминот тизимида ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиш муҳим ўрин эгаллайди.

Болалар соғлигини сақлаш тизимининг замонавий пойдеворида «Болалар фаровонлиги ҳақида»ги қонун қабул қилиниши билан асос солинган эди. Мазкур қонун Япония Конституциясининг 25-бандида кўрсатилган «болаларнинг зарур турмуш шароитига ва турмуш сифатига бўлган ҳуқуқлари асосида қабул қилинган. Қонун давлат ва маҳаллий ҳукумат органларига ўсаётган ёш авлоднинг соғлиги учун керакли бўлган ғамхўрлик қилиш мажбуриятини юклайди. Мазкур вазифани амалга оширишда болаларнинг турмуш тарзини яхшилаш билан шуғулланувчи жамоалар фаол иштирок этадилар. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

I. эмизикли ва ҳомиладор аёлларнинг моддий шароитини ўрганиш;

II. ақли заиф оналар истиқомат қилувчи оилаларни ўрганиш ва бошқалар.

Зарур ҳолларда улар ҳукуматнинг маҳаллий органларига керакли чоралар кўриш ҳақида мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. 1965 йилда қабул қилинган «Она ва боланинг соғлиги ҳақида»ги қонунга асосан жойларда махсус ташкилотлар фаолият кўрсатмоқдалар. Улар барча ҳомиладор аёлларнинг рўйхатини олишади, янги туғилган чақалоққа ғамхўрлик қилиш, онанинг соғлиги ҳақида, ҳомиладорликнинг ривожланиши, бола туғилиши ҳақидаги маълумотлар, бола туғилгач эса, чақалоқнинг соғлиги ҳақида, биринчи врач кўриги, эмлашлар, боланинг ривожланиши ҳақида маълумотлар қайд этилган китобчалар билан таъминлайдилар.

Барча маъмурий ҳудудларда маслаҳат марказлари фаолият кўрсатади, ҳозирги пайтда уларнинг сони 200 дан ошиқроқ. Ушбу марказларда малакали мутахассислар хизмат қиладилар. Бу ерда ота-оналар бола тарбияси, болалар ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинишининг олдини олиш масалалари бўйича маслаҳатлар оладилар. Айрим марказларда кутубхоналар, болалар ўйнайдиган хоналар ёки майдончалар, машқ заллари ташкил қилинган бўлиб, бу қулайликлар авваламбор шароити оғир оиладаги болалар учун мўлжаллангандир. Ушбу марказлар ходимлари егим қолган ёки ота-оналарининг бола таъминотига қурби етмайдиган болаларни махсус болалар муассасаларига, масалан, болалар уйларига жойлаштирилишига ёрдам берадилар.

«Иш билан бандликни суғурта қилиш ҳақида»ги қонунга 1994 йилда киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, 1995-1996 йиллардан бошлаб бола тарбияси учун таътил олувчиларга уларнинг сўнгги окладининг 25,0%и миқдорида нафақа тўланиши кафолатланади. Бундан ташқари, шу давр мобайнида улар ижтимоий суғурта жамғармаларига бадаллар ҳам тўламайдилар. Кўпгина корхоналар ўз ишчи-хизматчиларига кўшимча моддий ёрдам кўрсатадилар, таътидан қайтгач эса, улар учун маълум энгилликлар, жумладан, шароитга мос келувчи иш тартиби яратиб беришга ҳаракат қиладилар.

XXI асрда, шубҳасиз, Японияда аҳолини ижтимоий муҳофазалаш ва ижтимоий таъминот тизими ривожланади, янада такомиллашиб боради. Юқорида қайд этилганидек, японияликларнинг бошқа ривожланган давлатларга нисбатан ижтимоий

жамғармаларга ўтказаетган тўловлари унча катта бўлмаса-да, келажакда бу тўловлар, албатта, кўпайиб боради. Соғлиқни сақлаш ва Ижтимоий таъминот вазирликларининг 2025 йилга мўлжалланган истиқболларига кўра, тўловлар бу даврга келиб миллий даромаднинг 28,5-32,5%ини ташкил қилиши, яъни, Германия ва Франциянинг шу соҳадаги бугунги кундаги даражасига етиб келиши мумкин. Хусусан, албатта, солиқлар ва ижтимоий суғурта тўловларининг умумий улуши ўша пайтга келиб 50%га ўсиши кутилмоқда. Японияликларнинг фикрича, миллий даромад таркибида солиқлар ижтимоий суғурта тўловларининг улушлари кўпаймасдан, XXI асрда тобора кексайиб бораётган Япония жамиятининг зарур иқтисодий турмуш даражасини таъминлаши керак бўлади.

Хулоса тарзида айтсак бўладики, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибасининг кўрсатишича, ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини давлат, хусусий структуралар, жамоат бирлашмалари ўзаро ҳамкорликда ташкил этишлари мақсадга мувофиқдир.

Маблағларнинг бир қисмини автоматик равишда ижтимоий эҳтиёжларга ажратишдан воз кечиш, ижтимоий муҳофаза қилиш тизими самарадорлигини ошириш сўнги йилларда ривожланган давлатларнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатининг асосий хусусиятларига айланиб бормоқда. Ижтимоий ёрдамга ажратиладиган маблағларнинг кўплиги жамият ривожининг номақбул кўрсаткичидир, зеро, ижтимоий муҳофаза қилиш дастурларининг ҳаддан ташқари кенгайтирилиши меҳнатга бўлган иқтисодий рағбатнинг пасайишига олиб келади. Ҳар қандай машғулот - меҳнаткашлар ва уларнинг оилаларини муайян даромад билан таъминлаш асосидир. Шу боис кейинги йилларда хорижда “ижтимоий муҳофаза қилиш” тушунчасини тобора кўпроқ аҳолининг иш билан бандлик сиёсати билан боғлиқ ҳолда кўрилмоқда. Бунга кам таъминланган меҳнаткашлар табақаларининг иш билан бандлигини тартибга солиш, уларни қайта ўқитиш, турмуш харажатларининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда индексациялашнинг мослашувчан тизими кабиларни ҳам киритиш мумкин.

Қисқача хулосалар

Ривожланган мамлакатларда ижтимоий-маданий соҳа тармоқларини бюджетдан молиялаш қийинчиликлари кейинги ўн йилликда уларни бартараф этишга тубдан фарқ қилувчи икки ёндашувни келтириб чиқарди. Ёндашувлардан бири ноконсерватив концепцияга ҳамда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлатнинг ролини минималлаштиришга асосланади ва бундай молиявий таназзулдан чиқишда фақат ўз-узини бошқаришнинг бозор имкониятларини назарда тутлади.

Иқтисодиётни таркибий қайта қуриш шароитида давлат касаба уюшмалари билан ўзаро муносабатни шу давр учун характерли бўлган ўзига хос шаклларда амалга ошириши керак. Ижтимоий давлат ривожланиши, хусусан, ижтимоий харажатларни молиялаш инқирозидан ифодаланган таназзул ҳодисаларини ривожланган бозор механизмларининг мослашувчанлиги анча юмшатди. Шу билан бирга, мазкур мамлакатлар ривожланишининг бу мураккаб босқичида ижтимоий шериклар томонларнинг муносабатларини тўғрилаш зарурлиги юзага келди.

Давлат ижтимоий муҳофазалаш тизими Шимолий Европа давлатларида, айниқса, Швецияда анчагина ривожланган. Аксинча, АҚШда давлат фақат минимал ижтимоий муҳофазани таъминлайди, бундан ортиғига инсоннинг ўзи эришиши лозим, чунки ҳар бир киши ўз ҳаёти ва келажаги учун ўзи жавобгар.

Ривожланган давлатларнинг ижтимоий муҳофазалаш соҳаси учун умумий бўлган тенденция шундаки, бу давлатларда ижтимоий жамғармаларга бадаллар корхона ёки меҳнаткашлар томонидан тўланади (Финляндияда фақат корхоналар тўласа, Германия, Нидерландия, Францияда асосий оғирлик меҳнаткашлар гарданида). Олинадиган ёрдам миқдоридан фарқ сезиларли даражада. Имтиёزلардан фойдаланишда умумий тенглик ҳуқуқи Шимолий Европа давлатлари, Нидерландияда амал қилади. Бельгия, Германия, Францияда нафақа ва ёрдам миқдори тўланган бадаллар салмоғига қараб белгиланса, АҚШ ва Канадада нафақалар муҳтожлик даражасига қараб тўланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Жаҳон иқтисодий ривожланишида ижтимоий омилларнинг роли қандай?
2. Касаба уюшмаларининг функциялари ва асосий вазифаларини айтиб беринг.
3. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини шакллантиришда давлатнинг функциялари қандай?
4. Европа мамлакатларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
5. АҚШ ва Япония аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тизими туғрисида гапириб беринг.
6. АҚШ ва Япония ижтимоий ҳимоялаш тизими бир-биридан нимаси билан фарқланади?

Асосий адабиётлар

1. Волгин Н.А. Японский опыт решения экономических и социально-трудовых проблем. - М.: ДАО Изд-во «Экономика», 1998.
2. Волков А.М. Швеция: социально-экономическая модель: Справочник - М.: Мысль, 1991.
3. Давидович Б. Борьба с бедностью в США. Экономист, 1994, № 2.
4. Захаров М.А. Социальная защита населения: Великобритания, ФРГ, Швеция, США, Австрия - М.: Экономика, 1992.
5. Куликов и др. Современная экономика труда: Монография. - М.: ЗАО «Финстатинформ», 2001.

VIII боб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ

8.1. Ижтимоий суғурта: мазмуни, моҳияти

Ўзбекистонда туб бозор ислохотларини амалга ошириш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг умумдунё тенденцияларини яхлит ҳисобга оладиган ва айни пайт мамлакатни ривожлантириш хусусиятларини унинг тарихий демократик ҳамда ижтимоий ўзига хосликларини акс эттирадиган тизими яратилди.

Ўтиш иқтисодиёти шароитида меҳнат жараёнида ходимларни ижтимоий ҳимоялашнинг бутун тизими ва механизмларини шакллантиришга таъсир ҳар хил турдаги омиллар мажмуи амалда бўлади ва бу мазкур соҳани давлат томонидан бошқаришнинг алоҳида ролини назарда тутати. Бу шароитда меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий муҳофазалашнинг асосий муаммолари қуйидагилар ҳисобланади:

- ходимларнинг меҳнат шарт-шароитлари ва муҳофазаси соҳасидаги асосий эҳтиёжлари ва уларнинг давлат томонидан кафолатланганлиги;

- меҳнатни инсонийлаштириш объектив тенденциялари ортиб борадиган шарт-шароитларда ишлаб чиқариш омиллари ва атроф-муҳитнинг салбий таъсирини камайтириш;

- ижтимоий муҳофаза масалаларини ҳал қилишда меҳнат муносабатлари соҳасини ижтимоий шериклик ролини ошириш йўналишида ривожлантириш.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, ижтимоий муҳофаза тизимига турли давлат ва нодавлат тузилмалари, жумладан, қуйидагилар киради:

- махсус давлат органлари (Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, турли давлат қўмиталари);

- ижтимоий суғурта (ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва бошқалар) бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари;

- шу муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилишини таъминлайдиган миллий марказлар ва жамғармалар.

Ўзбекистонда ижтимоий муҳофазанинг замонавий тизими яратиш мавжуд ижобий тажрибани ҳисобга олади, шунингдек, таниқли халқаро ташкилотлар - халқаро меҳнат ташкилоти, бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқаларнинг тавсияларидан фойдаланади.

Саноати ривожланган кўпгина мамлакатлар ижтимоий муҳофаза тизимларида ижтимоий суғурта билан ижтимоий ёрдам ўртасида фарқ бўлган, аммо бу Ўзбекистонда ҳам амал қилган собиқ шўро тизимига тааллуқли эмас. Ижтимоий суғурта тизими нафақат яқка тартибда бадаллар тўланишига боғлиқ бўлади, балки ҳаёт мобайнида даромадларни тенглаш (пенсия каби) ёки суғуртанинг анъанавий маъносида, масалан, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик ва ишсизлик бўйича нафақалар тўлашда фойдаланилади. Ижтимоий ёрдам, иккинчи томондан, олдин тўланган бадалларга боғлиқ бўлмайди ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини таъминлашга мўлжалланади. Ижтимоий суғурта тизимига пенсиялар, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик ва ногиронлик бўйича нафақалар, шунингдек, ишсизлик бўйича нафақалар киради. Кўп болали оилаларга нафақалар ҳамда истеъмол субсидиялари ижтимоий ёрдам тоифасига киритилиши мумкин.

Ижтимоий суғурта билан ижтимоий ёрдам ўртасидаги фарқ ўзини-ўзи молиялаш ҳисобига таъминланадиган ижтимоий муҳофаза бўйича нафақалар (пенсиялар, вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотганлик ва ногиронлик, ишсизлик бўйича нафақалар) ҳамда давлатнинг умумий даромадларидан молияланадиган нафақаларни (кўп болали оилаларга нафақалар, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар ва мўлжалли истеъмол субсидиялар) ажратиб кўрсатиш учун ўтказилади. Ижтимоий суғурта бўйича нафақалар хусусий сектор ишгиروي учун катта имкониятлар яратади, ижтимоий ёрдам эса асосан даромадларни қайта тақсимлаш, ҳукумат ва хайрия ташкилотлари ваколатига кирадиган камбағаллик даражасини пасайитиришга йўналтирилган бўлади.

8.2. Ижтимоий таъминот тизимининг шаклланиши ва ривожланиши

Иш стажини бўйича пенсияларнинг белгиланган муддатгача берилиши солиқ-бюджет соҳасига жиддий таъсир этади. Исло-

хотнинг дастлабки йилларида у қамраб олган ишловчилар сони бўйича сезиларли истиснолар бўлган, одамлар белгиланган муддатдан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга эдилар. Кейинчалик бундай пенсияни тайинлаш қўлами бирмунча қисқарди, ammo янги қонунга кўра, у анча сезиларлилигича қолаверди. Расмий маълумотларга кўра, 1994 йилга келиб белгиланган муддатидан олдин пенсияга чиққанлар ҳиссаси барча пенсионерларнинг 13,8 фоизини ташкил қилган.

Ижтимоий пенсиялар зарур меҳнат стажига эга бўлмаганларга ҳам берилган. Бу тоифадаги пенсия янги пенсия қонунчилиги бўйича бекор қилинди, у ҳақда қуйида тухталиб ўтамиз.

Иккинчи босқичда меҳнат стажи ва олдинги иш ҳақи миқдори ёки қонунчиликда белгиланган маълум мезонларга кўра, пенсияларга устамалар тўлаш асосида пенсияларнинг минимал миқдоридан ортадиган пенсиялар миқдорини тўлаш кўриб чиқилади. Устамали пенсиялар республика бюджетидан молияланади ва уруш ногиронлари ҳамда фахрийлар беваларига қўшимча тўловларни ўз ичига олади. Иккинчи босқич қисман ривожланган мамлакатларда қабул қилинган ижтимоий суғуртага мувофиқ келади, яъни пенсияга устамаларни олдин тўланган бадалларга боғлиқ қилиб қўймайди, балки иш стажи ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олади.

Пенсия олиш ҳуқуқини берадиган стажга маълум фаолият турига, масалан, олий маълумот олишга сарфланган вақт киритилади. Шу йўсинда иш ҳақининг ўсишини тўхтатиб туриш сиёсати мунтазам амалга ошириб келинган шароитда инсон ресурсларини шакллантириш рағбатини яратиш мақсадида пенсия тизимидан фойдаланилган шўролар амалиёти давом этмоқда.

Фаолиятнинг айрим турлари стажни имтиёзли ҳисоблаш ҳуқуқини беради, масалан, ҳақиқий хизматдаги ҳақиқий хизмат қилинган бир йил икки ёки уч йилга ҳисобланади.

Янги қонун бўйича энг кўп сонли бўлган пенсионерларга пенсия тўлаш давлатдан илгаргисидан кўпроқ маблағ сарфлашни талаб этди, бунда қариллик бўйича пенсия тўлаш харажатлари олдинги тўловларнинг 106 фоизини, ногиронлик бўйича пенсиялар - 120 фоизни ва боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсиялар - 104 фоизни ташкил қилди. Умуман, янги қонунга кўра, кўрсатилган тоифалар бўйича пенсия тўловларига умумий пенсия тўловлари харажатидан 6 фоиз кўпроқ сарфланган.

Пенсия таъминоти тизимини ривожлантиришда унинг бўлинмалари техник жиҳозланганлиги алоҳида муаммога айланди. Тизим бўлинмаларини компьютерлаштириш бир хилда эмас. 1992 йил январь, 1993 йил октябрь ойларида кўпгина туманларда пенсияларни қайта ҳисоблашда қўл калькуляторларидан фойдаланилди.

Компьютерлаштиришни амалга ошириш учун молиявий маблағлар республика Пенсия жамғармаси бюджети орқали ўтказилди. Чунончи, 1993 йилда вилоят марказлари ва йирик шаҳарлардаги бўлинмалар учун 25 компьютер харид қилишга маблағ ажратилди. Компьютерлаштириш бошланган вилоятларда компьютерларнинг етишмаслик ҳоллари учраб туради. Улардан асосан калькулятор сифатида фойдаланилган ва ҳатто аниқ бўлимлар ўртасидаги тармоққа ҳам уланмаган. Фақат шаҳарлардагина бўлимлар ходимлари компьютерлар билан ишлаш малакасига эга бўлган.

1993 йил ноябрида 230 туман бўлимларида 1990 йилда давлат бюджети ҳисобига сотиб олинган 148 компьютер бор эди. Учта вилоят ўз маблағлари ҳисобига қўшимча компьютерлар сотиб олган. 1993 йилда Ижтимоий таъминот вазирлигида пенсия ва болалар нафақалари миқдорини ҳисоблаш ҳамда нафақалар миқдори ҳисоблаш тизими умумреспублика компьютер тармоғини яратиш мақсадида компьютерлаштириш бошқармаси ташкил этилди.

Бу даврда Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини қайта ташкил этишда турли халқаро ташкилотлар ҳам ўз тадқиқотлари ва аниқ тавсиялари билан иштирок этди. Ўзбекистондаги бу муаммони ўрганган Жаҳон банки ходимлари фикрича, пенсия тўловлари харажатлари катта бўлган ва ёш пенсионерлар, нафақа оладиганлар ҳиссасининг катталиги, ўрнини босиш коэффициентининг юқорилиги (у кўп ҳолларда олдинги ҳақиқий иш ҳақининг 100 фоизидан ҳам ортиб кетарди) туфайли ортиб борган. Пенсия тўловлари харажатларини кўпайтириб юборадиган ва собиқ иттифоқнинг бошқа республикаларига ҳам хос бўлган икки ҳолат, бу - нисбатан паст умумий пенсия ёши ҳамда ишлаб турганларга пенсиянинг тўла ҳажмда тўланиши бўлди. Шунга кўра, пенсия тўловларининг давлат бюджетига босимини камайтириш мақсадида бу харажатларни камайтириш йўллари топиш тавсия этилди.

Уларнинг фикрича, қабул қилинган пенсия ёши гарбий ўлчовга кўра, анча паст бўлиб, аёллар учун 55 йил ва эркаклар учун 60 йилни ташкил қилади. Узоқ муддатли истиқболларда пенсия ёшини ошириш тавсия этилиб, бу пенсия тўловлари харажатини камайтириши мумкинлиги айтиб ўтилди. Аммо бунда бир нарсани унутмаслик керак, яъни пенсия ёшининг узайтирилиши иш билан бандликка, жумладан, аҳолининг ёш қисмига салбий таъсир этиши мумкин. Каттароқ ёшдаги ишчилар иш жойларини иш билан банд этишда давом этсалар, пенсия тўловлари сарфларини пасайтириш ҳисобига давлат харажатларидаги тежам ишсизлик бўйича туланадиган тўловларга, яъни ижтимоий ёрдамга сарфларнинг юқориси билан тенглашиб қолиши мумкин. Пенсияга чиқишнинг қайта қуриш суръатини ҳам пасайтириш мумкин, чунки корхоналар ишчилардан табиий камайиш воситасида қутилишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистонда умумий пенсия ёшининг пастлигига қўшимча сифатида муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган ишловчилар тоифаси ҳам амалда бўлган. Бунда иш ҳақининг ўсишини мунтазам ушлаб туришни компенсация қилиш мақсадида ходимларга иш ҳақи алоқадор бўлмаган рағбатлантиришлар бўйича пенсия тизимида ўрин олган принцип ўз аксини топган. Ходимни хавфли иш шарт-шароитлари ёки ишчи кучига юқори талаб туфайли иш ҳақини ошириш орқали тақдирлаш ўрнига меҳнат рағбатлари пенсия тизими орқали яратилган.

Муддатдан олдин пенсияга чиқиш муаммоси янги пенсия қонунчилиги қабул қилингандан кейин ҳам ўзгаришсиз қолди. Имтиёзли тоифалар сони тахминан ўша даражада ва энг кўп сонли гуруҳлар ҳам ўзгармаган.

Ўтказилган тадқиқотлар жараёнида ишлаб турган пенсионерлар пенсия миқдорини камайтириш тавсия этилиб, ишлаб турган пенсионерларга пенсия тўлаш сезиларли сарфларни талаб этиши айтиб ўтилди. Масалан, 1993 йилда пенсионерларнинг 14 фоизи ишлаган ва барча пенсия тўловларининг 13,2 фоизи уларга тўғри келган. Тавсия этилган пенсионерларни аттестациядан ўтказиш пенсияси тўловлари харажатларини камайтириши ёки пенсия ёшига етган ишлаб турганларнинг айримлари ишдан кетишга қарор қилишлари оқибатида иш жойларини кўпайтириши лозим эди. Бошқа таклиф ишлаб турган пенсионерлар пенсияси миқдорини камайтириш эди. Масалан, Эстонияда ишлаб

турган пенсионерлар қариллик пенсияларининг 38 фоизини ташкил қилувчи ставка тайинланадиган пенсияни олади.

Жаҳон банки ходимлари маъмурий тусдаги ислохотни амалга оширишни ҳам тақлиф қилишди. Таъкидланишича, амалдаги пенсия тузилмаларининг мураккаблиги маъмурий харажатларни кўпайтиради ҳамда тизимнинг адекват миқдордаги пенсия тўлаш имкониятини камайтиради. Пенсиялар тузилмасини соддалаштириш ҳамда ставка бўйича ҳисобланадиган пенсияларни жорий этиш йўли билан пенсия тўловлари харажатини камайтиришга эришган Эстония ва Латвия намуна сифатида келтирилган. Ўзбекистонда ҳам қисқа муддатли истиқболда ставка бўйича ҳисоблаш тизмасини жорий қилишни кўриб чиқиш тавсия этилди.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, пенсия тўловларини нақд пулда уйга етказиб бериш ўрнига бевосита банк депозит орқали тўлашга ўтилиши маъмурий харажатларни жиддий камайтириш имконини беради. Почта бўлинмаси ўз хизмати учун 3 фоиз ҳақ олади. Молиявий тўловлар тизими старлича ривожланмаганлигига қарамай бу муаммони ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин бўлган жамғарма банкларининг кенг тармоғи мавжуд.

Ислохотларни амалга ошириш бўйича аниқ тақлифлар саноати ривожланган кўпгина мамлакатларидагидан қаттиқ бўлмайдиган пенсия тизими сақланган ҳолда пенсия тўловлари харажатларини жиддий қисқартириш мумкин бўлади. Ана шулар асосида пенсия тўловлари умумий маблағларининг камида учдан бир қисмини тежашга эришиш мўлжалланган. Бу ЯММнинг 7,5 фоизини ташкил қилган 1991 йилдаги деярли реал даражадаги пенсия тўловлари харажатини қисқартиришга тенг бўлади, дейиш мумкин.

Умуман, Жаҳон банки мутахассисларининг Ўзбекистон пенсия тизимини ислох қилиш бўйича тавсиялари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- пенсия тўловларининг бюджет чекловлари доирасидаги миқдорларда тўланишини таъмин этиш масаласини ҳал қилиш мақсадида бу йўналишдаги мавжуд тузилмани соддалаштириш, пенсионерларнинг турли тоифалари, шунингдек, пенсияларга устамалар сонини қисқартириш;

- қисқа муддатли истиқболда энг кам миқдордаги пенсиянинг реал қийматини сақлашга мўлжалланган база ставка бўйича индексациялашга ўтиш, ўрта муддатли истиқболда иш ҳақи билан боғланадиган пенсия тизимини жорий қилиш;

- пенсиялар учун ўрнини босиш коэффициентини насайтириш мақсадида пенсиялар ҳисоб-китобининг мавжуд формуласини тахминан 70 фоиз ўзгартириш;

- мавжуд пенсия ёшани ягона даражага - эркаклар учун 65 ва аёллар учун 60 ёшга аста-секин кўтариш;

- шу асосда муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган пенсионерлар тоифасини бекор қилиш;

- ишлаб турган пенсионерларни пенсия олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки улар оладиган пенсия ҳажмини энг кам пенсиянинг маълум ҳиссасигача камайтириш.

Ногиронлар бўйича пенсия тайинлаш устидан назорат тизими бундай пенсияни фақат ногиронлар олиши учун стар-лича самарали бўлиши керак.

Ижтимоий таъминот соҳаларидаги ислоҳотлар

Ўзбекистонда ижтимоий суғурта тизимини ислоҳ қилиш доирасида вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотганлик бўйича нафақалар ва бошқа нафақаларни тўлашда муайян ўзгаришлар содир бўлди.

Ислоҳотнинг дастлабки йилларида ҳам, кейинги йилларда ҳам халқаро стандартлар бўйича Ўзбекистонда ишга чиқмаслик ҳолатлари унчалик кўп эмас. Меҳнатга лаёқатсизлик кунларининг йил мобайнидаги умумий сони тахминан 7 кун. Бу борадаги кўрсаткич кўпгина ғарбий мамлакатлардаги даражадан анча паст. У, чунончи, Францияда 21 кун, Швецияда 23 кун ва Россияда 8 кундир. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик тўловлари бўйича давлат харажатлари 1992 йилда 0,5 фоиздан бирмунча ортиқ бўлди. Аммо вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик тўловлари бўйича харажатлар ҳали ҳам Ижтимоий суғурта жамғармаси харажатлари барча моддаларининг катта қисмини ташкил қилиб келмоқда.

Бу даврда иш билан банд бўлганларнинг кўпчилиги учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаларини молиялаш Ижтимоий суғурта жамғармаси орқали амалга оширилди. 1994 йил январигача уни расмий касаба уюшмаси тасарруф қилиб келди, сўнгра, у пенсия таъминоти ҳамда ижтимоий суғурта функцияларини ўзида бирлаштирган янги Ижтимоий суғурта жамғармасига топширилди. Аммо барча иш билан банд бўлганларнинг бир қисми миллий Ижтимоий суғурта жамғармаси сиртида

қолди. Айни вақтда 1,2 млн. кишилик жамоа хўжаликлари ходимлари учун алоҳида Ижтимоий суғурта жамғармаси мавжуд. Кооператорлар, тадбиркорлар ва темир йўлчиларнинг мустақил касаба уюшмалари ҳам тахминан 300 000 ходимни ўз қаноти остига олган мустақил ижтимоий суғурта жамғармаларини ташкил этди.

1991-1993 йилларда ижтимоий суғурта жамғармаси ҳам иш берувчилар, ҳам ишловчилар томонидан иш ҳақи жамғармасидан 5,6 фоиз ҳажмида тўланадиган бадаллардан молияланди. Аммо 1994 йил январидан бошлаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар бирлашган Пенсия жамғармаи ва Ижтимоий суғурта жамғармасидан тайинлана бошланди, бу ишлаб турганларга унчалик жиддий таъсир этмади.

Ижтимоий суғурта жамғармасидан турли бошқа нафақалар, масалан, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар ҳам тўланади ҳамда санаторий, курорт ва болалар, соғлиқни сақлаш муассасалари харажатлари қопланади.

Бир қатор халқаро экспертлар фикрича, санаторийларни айнан камбағалларга мўлжалланган манфаатлар қаторига киритиш жуда ҳам тўғри бўлмаса керак. Шунинг учун улар санаторийлар ҳамда бошқа курорт муассасаларини хусусийлаштириш ёки улардан фойдаланиш харажатларини, агар ижтимоий маблағлардан молияланиши лозим бўлса, уларни қоплашни тавсия этадилар.

8.3. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимнинг хусусиятлари

Ўзбекистонда ижтимоий муҳофаза тизimini ислоҳ қилишнинг алоҳида муҳим йўналиши самарали ишловчи пенсия тизими, инсонга кексайганда яшаш манбаини йўқотмаслик, ўз хизматлари учун муносиб тақдирланиш имконини берадиган механизмнинг яратилиши бўлди.

Маълумки, жаҳон амалиёти пенсия тизимининг икки асосий турини фарқлайди:

- ҳамкорликдаги масъулият тизими, бунда ишлаб турган авлод олдинги авлодга пенсия тўловларини молиялаш учун бадаллар тўлайди (ўз навбатида, кейинги авлод ҳозирги ишлаб турганлар пенсия тўловларини молиялайди);

- жамғариш тизими, бунда ҳар бир ишлаб турган киши ўзининг кексаликдаги таъминоти учун маблағларни ўз меҳнат фаолияти мобайнида жамғариши керак.

Ўзбекистонда собиқ иттифоқдан ўтган ҳамкорликдаги масъулият тизими қўлланилади. Собиқ иттифоқдаги тизимда пенсия таъминоти умумий солиқ тушумлари ҳисобига тўла давлат бюджетидан амалга оширилган.

Пенсия таъминоти «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Республикада пенсия таъминотининг хусусий шакллари йўқ.

Қонунга кўра пенсиянинг 3 тури фарқланади:

- ёшга кўра пенсия

- ногиронликка кўра пенсия

- боқувчисини йўқотганлигига кўра пенсия.

Қонун пенсия таъминоти учун икки асосий талабни белгилайди - пенсия таъминоти ҳуқуқини берувчи шартнинг мавжудлиги (пенсия ёшига етиш, ногирон бўлиб қолиш, боқувчисини йўқотиш), зарур иш стажининг мавжудлиги. Айтиб ўтилган талаблардан биттасининг йўқлиги пенсия таъминоти ҳуқуқининг йўқотилишига олиб келади.

Маълумотларнинг тўғри ҳисобга олиниши даразасини ошириш ва улар билан инфорацион ишлашнинг жадаллиги республикада пенсия тизими ишлашининг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг пенсия жамғармаи тузилмаларида етарли компьютер ҳамда дастурий таъминотнинг йўқлиги пенсионерларни оператив ҳисобга олиш, келиб тушаётган бадалларни персонафикацияланган ҳисобга олишга ўтиш, пенсияларни бутун меҳнат фаолияти давридаги ўртача иш ҳақидан ҳисоблашга ўтишнинг қонунчилик асосини жорий қилиш имконини бермайди.

Кўпгина мамлакатларда пенсия тизимини молиявий барқарорлаштириш муаммосининг ечимини пенсия ёшининг оширилишидадир, деб қаралмоқда. Бу ривожланган ғарб мамлакатлари учун жуда муҳимдир, чунки ҳаётнинг ўртача давомийлиги анчагина юқори, аҳоли кексайиб бормоқда, пенсионерлар ва ишлаб турганлар нисбати, яъни боғлиқлик оғишмай ортиб бормоқда. Бундай шароитда пенсия ёшини ошириш масаласини, у ҳозирда анчагина юқорилигидан қатъий назар, қайта кўриб чи-

қилиши (масалан, АҚШда жинсидан қатъий назар у 65 ёшдир) ҳақиқатан ҳам ижобий натижалар бериши мумкин.

Қатор собиқ социалистик мамлакатлар - Венгрия, Болтиқ бўйи давлатлари, Россия, Қозоғистонда пенсия ёши қонун йўли билан оширилди. Ўзбекистонда пенсия ёшини яқин 20 йил мобайнида босқичма-босқич ошириш мўлжалланмоқда.

Бундай тадбир ҳақиқатан ҳам пенсия жамғармаларининг молиявий ҳолатига ижобий таъсир этиши мумкин. Аммо Ўзбекистонда пенсиялар молиявий таъминотини яхшилашнинг бошқа механизмлари бор бўлиб, улар қуйидагилардир:

- имтиёзли пенсиялар тартиботини, яъни умумбелгиланган ёшдан олдин тайинланадиган пенсияларни тугатиш (бу механизмнинг амалга оширилиши - пенсияга чиқиш ўртача ёшини эркаклар учун 1,5 йилга, аёллар учун 2 йилга кўтариш имконини беради, ўтказилган таҳлил кўрсатишича, бунда пенсия жамғармасига тушадиган йиллик оғирликни 16 % камайтириш мумкин бўлади);

- эркаклар ва аёллар учун пенсияга чиқиш ёшини тенглаштириш, бу пенсияга чиқиш умумий ёшини 3 йилга ошириш ҳамда пенсия жамғармасига тушадиган оғирликни йилига 27% камайтириш имконини беради.

Бу икки механизмни амалга ошириш натижасида ўрнини босиш ўртача коэффицентини (ўртача пенсия миқдорининг ўртача иш ҳақи миқдорига нисбатини) ҳозирги 33% дан 47%гача кўтариш имкони яратилади, натижада янги тўғрилаш коэффицентларини жорий қилиш йўли билан пенсияларни индексациялашни киритиш ва иш ҳақи ҳамда пенсиялар минимал миқдорини тенглаштириш мумкин бўлади.

Пенсия жамғармалари молиявий ҳолатини барқарорлаштиришнинг муҳим муаммолари қаторига молиялашнинг қўшимча манбаларини қидириб топиш ҳам киради. Бу қуйидагилар ҳисобига ҳал этилиши мумкин:

- молиялаш билан қопланмайдиган қўшимча харажатларни тугатиш. Жумладан, «меҳнат стажи» ёки «иш стажи» тушунчасидан воз кечиб, «суғурта стажи» тушунчаси киритилиши керак. Бу, пенсияни ҳисоблашда фаолиятнинг фақат пенсия бадаллари тўланган даврлари ҳисобга олинishi керак, деганидир;

- қонунчиликка қатъий риоя қилиниши, яъни ҳарбий хизматчиларга давлат бюджети ҳисобига тайинланадиган пенсияларни молиялаш таъминланиши керак;

- ёлғиз, кекса фуқароларга, иш стажига эга бўлмаганларга, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга ва болалиқдан ногирон бўлганларга тайинланадиган, ижтимоий деб аталмиш нафақаларни, шунингдек, алоҳида хизматлари (урушда иштирок этганлик, фахрий унвон, уруш йилларида ишлаганлик ва бошқалар) учун давлат бюджетидан белгиланадиган пенсияларга устамаларни тўлашга ўтиш. Бу тақлифларнинг амалга оширилиши пенсия жамғармасига 40 фоизга яқин харажатларни тежаш имконини беради.

Пенсия таъминотини ислох қилишнинг энг самарали йўналишларидан бири жамғариладиган пенсия тизимининг жорий қилинишидир. Аммо жамғариладиган пенсия тизими ҳамкорликдаги масъулият пенсия тизимига давлат фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини ҳамкорликда амалга оширади, жамғариладиган тизимларда эса бу кафолатларни давлат бюджет ҳисобига мустақил таъминлаши керак бўлади. Шунинг учун жамғариладиган пенсия тизимлари давлатта старлича турмуш даражасини ҳамда давлат пенсия тизимига тушадиган оғирликни енгиллатиш усуллари таъминлашда ёрдам берадиган қўшимча сифатида ташкил этилиши керак. Иккинчи томондан, бундай жамғармалар мамлакат иқтисодиётига инвестициялашнинг қудратли манбаи ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар амалиёти кўрсатишича, айнан мана шундай жамғармалар иқтисодиётни ривожлантириш воситаси ҳисобланади. Бунга Чилини мисол қилиб келтириш мумкин. У ерда айнан пенсия жамғармалари мамлакатнинг ривожланишини таъминлаган.

Жамғариладиган пенсиялар нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этиш орқали шакллантирилиши керак. Нодавлат пенсия жамғармалари фақат ихтиёрийлик принципига асосланиши лозим. Бунинг учун нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ишини тартибга солиб турадиган самарали қонунчилик базаси яратилиши керак. Бундай жамғармаларнинг инвестиция фаолияти фақат махсус компаниялар орқали амалга оширилиши лозим.

Қисқача хулосалар

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, ижтимоий муҳофаза тизимига турли давлат ва нодавлат тузилмалари, жумладан, қуйидагилар киради:

- махсус давлат органлари (меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш вазирликлари, турли давлат қўмиталари);

- ижтимоий суғурта (ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва бошқалар) бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари;

- шу муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилишини таъминлайдиган миллий марказлар ва жамғармалар.

Пенсия таъминоти «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Республикада пенсия таъминотининг хусусий шакллари йўқ.

Қонунга кўра, пенсиянинг 3 тури фарқланади:

- ёшга кўра пенсия;

- ногиронликка кўра пенсия;

- боқувчисини йўқотганлигига кўра пенсия.

Қонун пенсия таъминоти учун икки асосий талабни белгилайди - пенсия таъминоти ҳуқуқини берувчи шартнинг мавжудлиги (пенсия ёшига етиш, ногирон бўлиб қолиш, боқувчисини йўқотиш), зарур иш стажининг мавжудлиги. Айтиб ўтилган талаблардан биттасининг йўқлиги пенсия таъминоти ҳуқуқининг йўқотилишига олиб келади.

Пенсия таъминотини ислоҳ қилишнинг энг самарали йўналишларидан бири жамғариладиган пенсия тизимининг жорий қилинишидир. Аммо жамғариладиган пенсия тизими ҳамкорликдаги масъулият - пенсия тизимига давлат фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини ҳамкорликда амалга оширади, жамғариладиган тизимларда эса бу кафолатларни давлат бюджет ҳисобига мустақил таъминлаши керак бўлади. Жамғариладиган пенсиялар нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этиш орқали шакллантирилиши керак. Нодавлат пенсия жамғармалари фақат ихтиёрийлик принципига асосланиши лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ижтимоий суғуртанинг ижтимоий ёрдамдан фарқи нимада?
2. Замонавий ижтимоий таъминот тизимининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида гапириб беринг.
3. Ижтимоий таъминот соҳасида қандай ислохотлар амалга оширилмоқда?
4. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизими хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунига шарҳлар. Т.: «Шарқ», 2000.
2. Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, «Халқ сўзи», 2001 й, 29 июнь.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси - Т.: «Адолат», 1996.
4. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси - Т.: «Ўқитувчи», 2001.
5. Владимирова Л.П. Экономика труда - Учебное пособие - М.: - Изд. Дом «Дашков и К», 2000.
6. Инсон тараққиёти, Тошкент, 2000.
7. Адамчук В.В. и др. Экономика и социология труда. Учебник для ВУЗов - М.: ЮНИТИ, 1999.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ

9.1. Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланадиган халқаро ташкилотлар

Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш муаммоларини ҳал қилиш алоҳида мамлакатлар ваколати ҳисобланмайди. Муаммоларнинг аксарият кўпчилик қисми инсоният цивилизациясининг ривожланишига таъсир кўрсатиши туфайли алоҳида халқаро аҳамият касб этади. Шунинг учун бу муаммолар билан турли халқаро ташкилотлар - БМТ ҳам, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) сингари мустақил ташкилотлар ҳам фаол шуғулланади.

ХМТ ижтимоий тинчликни қарор топтириш ва сақлаш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ижтимоий меҳнат муносабатларини бошқариш ва меҳнат соҳасидаги бир қатор ўзига хос масалаларни ҳал қилиш мақсадида ташкил этилган. У ўз фаолияти мобайнида музокара жараёнини ривожлантириш, юзага келадиган ижтимоий-меҳнат муаммолари ва низоларни уч томонлама музокаралар ва битимлар (трипартизм) асосида бартараф қилиш ва кўпинча меҳнатнинг конкрет муаммоларини ҳал этиш борасида катта тажрибага эга ҳамда беқиёс амалий ишни амалга оширади. ХМТ ижтимоий шерикликни ривожлантириш, соғлом ижтимоий-меҳнат муносабатларини қарор топтиришда зарур бўладиган органлар ва механизмларни яратиш ҳамда мустаҳкамлашда ҳукуматлар, ташкилотлар, меҳнаткашлар ва тадбиркорларга ёрдам кўрсатади.

ХМТнинг асосий вазифалари орасида меҳнат шарт-шароитлари ва уни муҳофаза қилиш, ижтимоий суғурта ва таъминот, иш ҳақи, тиббий ёрдам, касбий тайёргарлик ва бошқа соҳаларда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишни ўз ичига олувчи масалалар мажмуи муҳим ўринни эгаллайди. ХМТни ташкил этишда ижтимоий-меҳнат соҳасини халқаро бошқариш масалалари ижтимоий тараққиётнинг замини деб қаралган. «Умумий ва мустаҳкам тинчлик, - дейилади ХМТнинг асосий ҳужжатлардан бирида, - фақат ижтимоий адолат асосидагина ўр-

натилиши мумкин: ... кўпчилик одамлар учун адолатсизлик, муҳтожлик ва йўқчиликка сабаб бўлувчи меҳнат шароитлари ҳам борки, улар норозиликларга сабаб бўлади, дунёдаги тинчлик ва иноқликка раҳна солади».

9.2. ХМТнинг асосий вазифалари

ХМТнинг бош мақсади - ижтимоий-иқтисодий тараққиётга, одамлар фаровонлигини ошириш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишда ёрдам беришдир.

Айтилган мақсадлардан келиб чиқиб, ХМТнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

ижтимоий-меҳнат муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган келишилган дастурларни ишлаб чиқиш;

- қабул қилинган сиёсатни амалга ошириш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш мақсадида конвенция ва тавсиялар кўринишидаги халқаро меҳнат нормаларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш;

- иштирокчи мамлакатларга бандлик ва ишсизликни камайтириш муаммоларини ҳал қилишда ёрдам бериш;

- инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш (меҳнат қилиш, бирлашиш ҳуқуқи, мажбурий меҳнатдан, камситишдан муҳофаза қилиш ва бошқалар);

- камбағалликка қарши, меҳнаткашлар турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий таъминотни ривожлантириш учун кураш;

- меҳнат шарт-шароитларини ва ишлаб чиқариш муҳитини яхшилаш, хавфсизлик техникаси ва меҳнат гигиенаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқиш;

- меҳнаткашлар ва тадбиркорлар ташкилотларига ижтимоий-меҳнат муносабатларини бошқариш бўйича ҳукумат билан ҳамкорликда ишлашларида ёрдам бериш;

- меҳнаткашларнинг энг заиф гуруҳларини (аёллар, ёшлар, ногиронлар, кексалар, мигрант-меҳнаткашларни) муҳофазалаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

1944 йилда Халқаро меҳнат конференциянинг 26 сессиясида қабул қилинган ХМТ мақсад ва вазифалари тўғрисидаги декларацияда ХМТ фаолиятига асосий ёндашувлар тасдиқла-

ниб, қуйидаги принциплар ажратиб кўрсатилганди:

- меҳнат товар ҳисобланмайди;
- сўз эркинлиги ва бирлашиш эркинлиги доимий тараққиётнинг зарурий шарти ҳисобланади;
- ҳар қандай жойдаги қашпоқлик умумий фаровонлик учун хавф ҳисобланади;
- муҳтожликка қарши кураш ҳар бир давлатда ҳамда ҳукумат вакиллари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадиган меҳнаткашлар ва тадбиркорлар вакилларининг доимий ва келишилган ҳаракатлари воситасида халқаро қўламда ҳеч бир су-сайтирмай олиб борилиши керак, бунда юқорида айтилганлар умумий фаровонликка ёрдам бериш мақсадида демократик қарорларни муҳокама ва қабул қилиш учун бирлашади.

Аҳолининг иш билан бандлиги соҳасида ХМТнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

- мувозанатланган ва қўшимча иқтисодий ўсишга кўмаклашиш йўли билан иш билан бандликка ёрдам бериш;
- иш билан самарали бандлик воситасида камбағаллик даражасини пасайтириш;
- меҳнат бозорида фаол сиёсат ўтказиш;
- иш билан бандлик барқарорлиги билан иш ҳақи барқарорлигининг оқил нисбатига эришиш;
- меҳнаткашларнинг энг заиф гуруҳлари, аёллар, ёшлар, мигрантларни муҳофаза қилиш.

ХМТ янги тенденциялар - ўзини-ўзи банд қилиш, тўла бўлмаган ва вақтинча иш билан бандлик ҳамда бошқа муқобил шакллар таҳлилига ҳам муҳим аҳамият беради.

ХМТнинг фаолияти ишчилар соғлиғига зарарли меҳнат шароитларини яхшилаш, ходимлар ва улар оила аъзоларига ижтимоий кафолатларнинг минимал миқдорини аниқлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга ҳам йўналтирилган. Кейинчалик бу ташкилотнинг ижтимоий муҳофаза муаммоларига ёндашуви анча кенгайиб, тиббий хизмат кўрсатиш, меҳнатни ташкил этиш ва ходимларни касбга тайёрлашнинг турли масалаларини ҳам қамраб олди. ХМТ 1944 йилда иккита муҳим ҳужжат: «Даромадни тақсимлаш туғрисида» 67-тавсиянома ва «Тиббий хизмат туғрисида» 69-тавсияномаларни қабул қилганидан сўнг ижтимоий муҳофазанинг кенг ва барча ишларни қамраб олувчи тизимини яратиш имконияти туғилди.

Бу ҳужжатлар одамлар соғлиғига ёки уларнинг моддий фаровонлиғига хавф туғиладиган вазиятларда ижтимоий кафолатлаш учун жавобгарликни давлатлар ва ҳукуматлар зиммасига юклайди.

ХМТ тавсияларида ўзаро ёрдам ва ижтимоий суғурта дастурларини ягона ижтимоий муҳофаза тизимига бириктириш, жумладан, алоҳида меҳнаткашлар гуруҳларига ва уларнинг оила аъзоларига асосий кафолатлар беришнинг турли усулларидан кенг фойдаланиш таклиф этилган. ХМТ фаолятининг ривожланиш жараёнида ижтимоий муҳофазанинг миллий тизимларини яратишга оид шарт-шароитлар ишлаб чиқилди.

Айтилганларни тайёрлаш сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагиларни назарда тутати:

- барча меҳнаткашларга меҳнат қилишга тайёргарлик кўриш ва унда иштирок этиш тартибларидан ҳар қандай асосдаги камситишлардан холи тарзда тенг фойдаланиш таъминланиши;

- миллий сиёсат ва дастурлар фуқароларни биринчи навбатда уларни ўз манфаатлари, шунингдек, мамлакат эҳтиёжларини назарда тутиб, меҳнат лаёқатларини ривожлантиришга ундаши;

- таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида ёшлар ва катта ёшлилар бутун ҳаётлари мобайнида касбий тайёргарлик кўриш талабларига жавоб беришлари;

- касбий тайёргарлик миллий сиёсати ва дастурларини ҳукумат тадбиркорлар ҳамда меҳнаткашлар ташкилотлари билан ҳамкорликда миллий дастур асосида ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак.

ХМТ кўп шуғулланадиган энг кескин масалалардан бири инсон ҳуқуқлари ҳисобланади. ХМТ турли мамлакатларда инсон ҳуқуқининг бузилишини кўриб чиқиш билан шуғулланадиган назорат органларининг бутун бир тизимига эга. ХМТнинг бутун фаоляти инсон ҳуқуқлари, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва мажбурий меҳнатдан муҳофаза қилиш, нормал меҳнат қилиш шарт-шароитига эга бўлиши, камситилишдан муҳофаза қилиш, касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи ва бошқаларга дахлдор дейиш мумкин.

9.3. ХМТ фаолиятининг муҳим йўналишлари

Меҳнат қилиш шарт-шароитлари, хавфсизлиги, гигиенаси, ишлаб чиқариш ва атроф-муҳит ХМТ фаолиятининг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Бу йўналишдаги масалалар ХМТнинг кўплаб конференцияларида муҳокама қилинган ва унинг конвенция ҳамда тавсияларида ўз аксини топган. ХМТнинг бу соҳадаги фаолияти меҳнатнинг умумий шарт-шароитларини, уни ташкил этиш ва муҳофаза қилишни, ишлаб чиқариш, хавфсизлик техникаси ҳамда меҳнат гигиенаси соҳаларини яхшилашга, меҳнатни инсонийлаштириш ва ишдан қониқишни оширишга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда яхшилашга йўналтирилган.

ХМТ Бош директорининг 1975 йилдаги Халқаро меҳнат конференциясида қилган «Меҳнаткашнинг инсонийроқ шарт-шароитлари учун» деб номланган маърузасида меҳнат шарт-шароитларини яхшилашга эътиборсизлик билан қарашнинг оқибатлари таъкидлаб ўтилганди. Бу соҳадаги эътиборсизлик «...бу яқин келажакда биз тасаввур қилганимиздан кўра кўпроқ хавфларга сабаб бўлади, бу ижтимоий тизимда меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш бўйича илгарироқ кўрилиши лозим бўлган меъёрдаги чора-тадбирлар иқтисодий қийматига қийёслаб бўлмайдиган бузилиш ва тартибсизликларга олиб келади».

Меҳнат шарт-шароитлари, ишлаб чиқариш муҳитини яхшилаш тўғрисидаги қонунчилик ҳамда уни ҳаётга татбиқ этиш ҳаракати меҳнатни янада инсонийроқ қилиш мақсадида зарур чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади. Бунда аввало, меҳнаткашларнинг жисмоний ҳамда ақлий лаёқатларига, меҳнат қуролларини лойиҳалаш ва меҳнатни ташкил этиш, ҳаддан ташқари иш билан кўмиб юбориш ва чарчаш ҳолатларини бартараф қилишни ҳам ўз ичига олувчи иқтисодий принципларга мумкин қадар мувофиқ келадиган шарт-шароитларни яратиш назарда тутилади.

9.4. ХМТнинг норматив ҳужжатлари

121, 148, 155-Конвенциялар, 31, 97, 112, 156, 164-тавсияларга кўра, давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- меҳнат шарт-шароитлари ва уни муҳофаза қилиш соҳа-

сида қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва меҳнат гигиенаси соҳасида давлат ва бошқа турдаги нуфузли ҳамда ваколатли органларни ташкил қилиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- хавфсиз техника ва технологияни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни рағбатлантирадиган, хавфсиз меҳнат ва ишловчиларни ижтимоий муҳофазалаш шарт-шароитларини шакллантиришга ёрдам берадиган самарали хўжалик механизмларини яратиш;

- меҳнаткашларни ижтимоий муҳофазалашни бахтсиз ҳодисалар ва касбий касалликлардан суғурталаш тизимларини, касалликларнинг олдини олиш, жабрланганларни тиббий ва касбий реабилитация қилишга мўлжалланган, асосан тадбиркорлар бадаллари ҳисобига маблағ билан таъминланадиган хизмат ва марказларни ташкил этиш йўли билан таъминлаш;

- меҳнат шарт-шароитлари ва уни муҳофаза қилиш, ишловчиларни ўқитиш ва касбий тайёрлаш, уларнинг ахборот таъминоти муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

- турли жамоа ташкилотлари ва бирлашмалари, уюшмалар ва алоҳида шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга йўналтирилган фаолиятларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар билан барча даражадаги бошқарув ходимлари ўртасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорликка ёрдам бериш.

Масалан, 155-Конвенцияда миллий сиёсатни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва вақти-вақтида қайта кўриб чиқиш иш натижасида, иш жараёнида ёки унга алоқадор ҳолатда юзага келадиган бахтсиз ҳодисалар, соғлиққа шикаст етказишларни йўқ қилиш, мумкин қадар камайтиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Асосий муаммоларни тақсимлаш, уларни ҳал қилиш ва натижаларни баҳолаш усулларини аниқлаш мақсадида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси соҳасидаги мажбуриятларни давлат, тадбиркорлар, меҳнаткашлар билан бошқа шахслар ўртасида тақсимлаш миллий сиёсат принциплари доирасига киради. Миллий даражадаги чора-тадбирлар шу соҳада барча фаолиятни муво-

фиқлаштиришни, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича касбий тайёргарликни, илмий-тадқиқот ишлари ўтказилишини, шунингдек, инспекция тизими яратилишини таъминлаши керак.

Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги яна бир ижтимоий кафолат ходим ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолатда «ходимнинг ишни бошлашдан бош тортиш ёки ишни тўхтатиш ҳуқуқидир».

Шуни таъкидлаш лозимки, ХМТ ўз фаолиятида, хусусан, ходимларни ижтимоий муҳофазалаш соҳасида амал қиладиган энг муҳим принцип келишилган миллий ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқишда уч томонлама ҳамкорлик, яъни давлат - тадбиркорлар-ходимлар ҳамкорлигидир. Бундай ёндашув қарорларни ишлаб чиқишнинг барча босқич ва бошқарув даражаларида кесишувга эришишнинг муҳим шартидир. Қарорлар қабул қилиш жараёнида ижтимоий шерикларнинг иштирок этиши икки афзалликни таъминлайди: қарорларнинг асосланганлигини мустаҳкамлайди ва бу қарорлар маҳсулини адолатлироқ тақсимлаш имконини беради.

Тадбиркорлар ва ишчиларнинг фаол ҳамда мустақил ташкилотлари меҳнат шарт-шароитлари ва ижтимоий муҳофазалашнинг бошқа барча таркибий қисмларини яхшилашда жиддий роль ўйнайди. Уларнинг таъсир доираси аввало, ахборот олиш ва у билан ишлаш, кадрларни тайёрлаш, ходимларни ижтимоий муҳофазалашнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмларини (ижтимоий суғурта тизимини, меҳнатни муҳофаза қилиш қўмиталарини) яратишни қамраб олади. Иш берувчилар ва ишчилар вакилларининг ҳамкорликдаги интилишлари билан ишлаб чиқилган тавсиялар кўп ҳолларда жамоа шартномалари ва чегарали тариф битимларини тузишда тадбиркорлар билан касаб-уюшмалари ўртасидаги музокараларда пировард қарорларни шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айтиб ўтилган иккала томон (бир вақтда ва ҳамкорликда) вакилларининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида парламент аъзолари ва ҳукуматга маслаҳат беришлари, қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда турли миллий қўмиталар ишида иштирок этишлари ўзини оқлайдиган ҳамда мақсадга мувофиқ амалиёт сифатида тан олинади.

ХМТнинг «Ишчилар соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 97-сон тавсияномаси (1959 йил) иш жойида меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза қилишнинг икки асосий усули: зарар-

ли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларидан муҳофазалашнинг техник чора-тадбирлари ҳамда ишловчилар соғлиғини тиббий кузатишни назарда тутати. Бу усулларга муқобиллар сифатида қаралмайди, улар бир вақтда қўлланилади, бир-бирини тўлдириб туриши керак.

ХМТ ижтимоий соҳада катта ишларни олиб боради, бу даставвал ижодий фаолият нормасига тегишлидир. 30 дан ортиқ конвенция ва деярли 20та тавсия ана шу муаммога бағишланган. Бу масала бошқа халқаро ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.

1952 йилда қабул қилинган «Ижтимоий таъминотнинг минимал нормалари тўғрисида»ги 102-сонли Конвенция муҳим норматив ҳужжат ҳисобланади. Бу норматив ҳужжат аҳолининг барча қатламларини ва ижтимоий суғурта ҳамда таъминотнинг ҳамма турларини қамраб олувчи ижтимоий таъминотнинг универсаллик принципини илк бор халқаро ҳуқуқда тасдиқлади. Конвенция турли нафақалар минимал нормасини олдинги иш ҳақи даромадлари умумий суммасидан фоизларда белгилайди. Унда нафақаларни ҳисоблашда асос қилиб олинган турли меҳнаткашлар тоифалари иш ҳақи ва даромадларини аниқлаш мезонлари кўрсатиб ўтилган.

Ижтимоий таъминот масалалари ХМТнинг техник ёрдам дастурларида катта ўрин эгаллайди. Ривожланаётган деярли ҳар бир мамлакат ХМТнинг ижтимоий таъминот бўйича маслаҳатчиларидан ёрдам олди. Улар миллий сиёсатни белгилашда ёрдам, бу масалалар юзасидан маъмурлар ва мутахассисларга маслаҳатлар беришди. Иқтисодий ривожланган қўпгина давлатлар ҳам бу соҳада миллий қонунчиликни ишлаб чиқишда ХМТ тажрибасидан фойдаланди.

Умуман, ХМТнинг бутун фаолияти аҳолининг меҳнат фаолияти, бандлик ва ижтимоий муҳофазалаш соҳасидаги халқаро тан олинган ҳуқуқий нормаларни давлатлар қонунчилиги ҳамда амалиётига жорий қилишга йўналтирилган. Бу нормаларнинг тан олиниши ҳамда улардан фойдаланилиши ҳар бир давлат халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланишидан ҳамда ўзида бу соҳадаги умуман олинган стандартларни ривожлантираётганлигидан далолат беради.

Қисқача хулосалар

Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш муаммоларини ҳал қилиш масаласи алоҳида мамлакатлар ваколати ҳисобланмайди. Муаммоларнинг аксарият кўпчилик қисми инсоният цивилизациясининг ривожланишига таъсир кўрсатиши туфайли алоҳида халқаро аҳамият касб этади. Шунинг учун бу муаммолар билан турли халқаро ташкилотлар - БМТ доирасида ҳам, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) сингари мустақил ташкилотлар ҳам фаол шуғулланади.

ХМТ ижтимоий тинчликни қарор топтириш ва сақлаш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ижтимоий меҳнат муносабатларини бошқариш ва меҳнат соҳасидаги бир қатор ўзига хос масалаларни ҳал қилиш мақсадида ташкил этилганди.

Аҳолининг иш билан бандлиги соҳасида ХМТнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

- мувозанатланган ва қўшимча иқтисодий ўсишга кўмаклашиш орқали иш билан бандликка ёрдам бериш;
- иш билан самарали бандлик воситасида камбағаллик даражасини пасайтириш;
- меҳнат бозорида фаол сиёсат ўтказиш;
- иш билан бандлик барқарорлиги билан иш ҳақи барқарорлигининг оқилона нисбатига эришиш;
- меҳнаткашларнинг энг заиф гуруҳлари, аёллар, ёшлар, мигрантларни муҳофаза қилиш.

ХМТ янги тенденциялар - ўзини-ўзи банд қилиш, тўла бўлмаган ва вақтинча иш билан бандлик ҳамда бошқа муқобил шакллар таҳлилига ҳам муҳим аҳамият беради. Умуман, ХМТнинг бутун фаолияти аҳолининг меҳнат фаолияти, бандлик ва ижтимоий муҳофазалаш соҳасидаги халқаро тан олинган ҳуқуқий нормаларни давлатлар қонунчилиги ҳамда амалиётга жорий қилишга йўналтирилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланаётган қандай Халқаро ташкилотларни биласиз?

2. ХМТнинг асосий вазифалари нималар?

3. ХМТ фаолиятидаги қайси асосий йўналишларни биласиз?

4. ХМТнинг қандай норматив ҳужжатлари бор?

Асосий адабиётлар

1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси, дарслик, «Ўқитувчи», 2001.

2. Куликов и др. Современная экономика труда: монография- М.: ЗАО «Финстатинформ»- 2001.

3. Исамиддинова Д. Социальные фонды: их роль в условиях экономических реформ. Экономическое обозрение. Апрель, 1998, с.55.

4. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза - Т.: 1999й, 2000 й.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси- Т.: «Адолат», 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-т, Тошкент, «Ўзбекистон», 1999.
4. Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. «Халқ сўзи», 1999 й., 14 январь.
5. Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, «Халқ сўзи», 2001 й., 29 июнь.
6. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси, -Т.: «Ўқитувчи» - 2001.
7. Адамчук В.В, Ремашев О.В. Экономика и социология труда. Учебное пособие. М.: -1999.
8. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Тошкент, 2000.
9. Умрзоқов Б. Ижтимоий муҳофаза. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Т.: 1998.
10. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Т.: 2000 й.
11. Владимирова Л.П. Экономика труда - Учебное пособие- М.: - Изд. Дом «Дашков и К», 2000.
12. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: «Меҳнат», 1995.
13. Куликов и др. Современная экономика труда: монография- М.: ЗАО «Финстатинформ»- 2001.
14. Исамиддинова Д. Социальные фонды: их роль в условиях экономических реформ. Экономическое обозрение. Апрель, 1998.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ: ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ.....	7
1.1. Ижтимоий муҳофаза сиёсати: унинг тамойиллари ва йўналишлари.....	7
1.2. Ижтимоий муҳофаза қилиш тушунчаси.....	10
1.3. Ижтимоий муҳофаза қилиш объектлари.....	15
1.4. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимида давлатнинг роли.....	16
Қисқача хулосалар.....	21
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	22
Асосий адабиётлар.....	22
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИ- ГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	23
2.1. Ўзбекистон моделида кучли ижтимоий сиёсат асосий бўгин....	23
2.2. Манзилли ижтимоий муҳофаза қилишнинг ижтимоий-иқти- содий аҳамияти.....	30
2.3. Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг йўналишлари.....	35
Қисқача хулосалар.....	38
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	39
Асосий адабиётлар.....	39
III БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ.....	40
3.1. Ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг ташкилий тузил- маси.....	40
3.2. Ижтимоий институтлар ва ходимларни ижтимоий муҳофа- за қилиш механизми.....	41
3.3. Ижтимоий таъминот ва унинг турлари.....	44
3.4. Корхона ва ташкилотларнинг ходимларни ижтимоий му- ҳофаза қилишдаги роли.....	51
3.5. Ижтимоий муҳофаза қилиш тизimini такомиллаштириш йўллари.....	53
Қисқача хулосалар.....	56
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	57
Асосий адабиётлар.....	57

IV БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИ, ИШ БИЛАН БАНДЛИК, ИШ-СИЗЛИК.....	58
4.1. Меҳнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.....	58
4.2. Саноати ривожланган мамлакатлардаги меҳнат бозорлари моделлари.....	64
4.3. Иш билан бандлик ва ишсизлик: тушунча ва кўрсаткичлар.....	65
4.4. Ишсизликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва унинг турлари.....	67
4.5. Ишсизликнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Инфляция ва ишсизликнинг ўзаро алоқаси. Филлипс эгри чизиги....	70
Қисқача хулосалар.....	72
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	73
Асосий адабиётлар.....	73
V БОБ. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.....	74
5.1. «Турмуш даражаси» тушунчаси	74
5.2. Турмуш даражаси кўрсаткичлари.....	77
5.3. Аҳоли даромадлари, бу даромадларнинг шаклланиш манбалари ва улардан фойдаланиш йўллари.....	87
Қисқача хулосалар.....	91
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	92
Асосий адабиётлар.....	92
VI БОБ. КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ.....	93
6.1. «Камбағаллик» тушунчаси, унинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш йўллари... ..	93
6.2. Кам таъминланаган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш механизми.....	101
6.3. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби.....	108
Қисқача хулосалар.....	112
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	113
Асосий адабиётлар.....	113
VII БОБ. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	114
7.1. Жаҳон иқтисодий тараққиётидаги ижтимоий омиллар....	114
7.2. Касаба уюшмаларининг аҳолини ижтимоий муҳофазалаш	

тизимидаги роли.....	115
7.3. Европа мамлакатларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш.....	120
7.4. АҚШда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг хусусиятлари.....	122
7.5. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг Япония модели.....	123
Қисқача хулосалар.....	128
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	129
Асосий адабиётлар.....	129
VIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ.....	130
8.1. Ижтимоий суғурта: мазмуни, моҳияти.....	130
8.2. Ижтимоий таъминот тизимининг шаклланиши ва ривожланиши.....	131
8.3. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг хусусиятлари.....	137
Қисқача хулосалар.....	141
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	142
Асосий адабиётлар.....	142
IX БОБ. ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ.....	143
9.1. Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланадиган халқаро ташкилотлар.....	143
9.2. ХМТнинг асосий вазифалари.....	144
9.3. ХМТ фаолиятининг муҳим йўналишлари.....	147
9.4. ХМТнинг норматив ҳужжатлари.....	147
Қисқача хулосалар.....	151
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	152
Асосий адабиётлар.....	152
АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ.....	153

CONTENTS

INTRODUCTION.....	5
PART I. SOCIAL PROTECTION OF POPULATION: CONCEPTION, ESSENCE AND MEANING.....	7
1.1.SOCIAL PROTECTION: ITS TRENDS AND DIRECTIONS...	7
1.2.Conception of social protection.....	10
1.3. Objects of social protection.....	15
1.4.Role of government in social protection of population....	16
Brief conclusions.....	21
Questions for discussion and control.....	22
Main literature.....	22
Part II.CHARACTERISTICS OF SOCIAL PROTECTION OF POPULATION IN UZBEKISTAN.....	23
2.1 Strong social policy is a main factor in Uzbekistan's model....	23
2.2. Social- economic essence of directed social protection.....	30
2.3.Trends of social protection of population in Uzbekistan...	35
Brief conclusions.....	38
Questions for discussion and control.....	39
Main literature.....	39
Part III. ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF SOCIAL PROTECTION OF POPULATION	40
3.1. Organizational structure of social protection.....	40
3.2. Social institutions and the mechanism of employees' social protection.....	41
3.3. Social provision and its types.....	44
3.4. The role of employees of firms and organizations in social protection.....	51
3.5. Development trends of the structure of social protection....	53
Brief conclusions.....	56
Questions for discussion and control.....	57
Main literature.....	57
PART IV. LABOR MARKET, EMPLOYMENT AND UNEMPLOYMENT.....	58
4.1.Social-economic essence of labor market.....	58
4.2. Labor market ,models in industrialized - developed countries...	64
4.3.Employment and unemployment ratio: conception and indicators.....	65
4.4. Social economic essence of unemployment and its types.....	67

4.5. Social-economic results of unemployment. The connection between unemployment and inflation. Phillips curve.....	70
Brief conclusions.....	72
Questions for discussion and control.....	73
Main literature.....	73
Part V. LIVING CONDITION OF POPULATION. POPULATION INCOME AND ITS TYPES	74
5.1. Conception of living conditions.....	74
5.2. Living conditions.....	77
5.3. Population income, its development sources and ways of use from them	87
Brief conclusions.....	91
Questions for discussion and control.....	92
Main literature.....	92
PART VI. THE MECHANISM OF SOCIAL PROTECTION IN POOR FAMILIES	93
6.1. Conception of poverty, its social-economical meaning, reasons and solving ways	93
6.2. The mechanism of social protection in poor families.....	101
6.3. Financial help to poor families.....	108
Brief conclusions.....	112
Questions for discussion and control.....	113
Main literature.....	113
PART VII. CHARACTERISTICS OF SOCIAL PROTECTION OF POOR FAMILIES IN DEVELOPED COUNTRIES	114
7.1. Social factors of development of world economy	114
7.2. The role of organizations in the process of social protection.....	115
7.3. Social protection of population in European countries....	120
7.4. Characteristics of social protection of population in United States of America	122
7.5. Japanese model of social protection of population.....	123
Brief conclusions.....	128
Questions for discussion and control.....	129
Main literature.....	129
Part VIII. PENSION FUND STRUCTURE IN UZBEKISTAN ...	130
8.1. Social insurance: meaning and essence	130
8.2. Development of the structure of social provision	131

8.3.Characteristics of pension fund in Uzbekistan	137
Brief conclusions.....	141
Questions for discussion and control.....	142
Main literature.....	142
Part IX. EXPERIENCE OF INTERNATIONAL ORGANIZATIONS IN THE PROCESS OF SOLVING SOCIAL PROTECTION OF POPULATION.....	143
9.1. International social protecting organization.....	143
9.2.Tasks of international protecting organization	144
9.3. Main trends of international protecting organization	147
9.4. Normative documents of international organization.....	147
Brief conclusions.....	151
Questions for discussion and control.....	152
Main literature.....	152
LIST OF LITERATURE	153

АБДУРАҲМОНОВ ҚАЛАНДАР ХҲЖАЕВИЧ
ТОҲИРОВА ХАЛИМА ТОХИРОВНА
ЗОКИРОВА НОДИРА ҚАЛАНДАРОВНА

**АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**
(Ўқув қўлланма)

Нашр учун маъсул:
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси директори
Қурбонмурод Жумаев
Мусаввир: Акбарали Мамасолиев.
Муҳаррир: З. Йўлдошев
Техник муҳаррир: Ш.Таджиев
Мусахҳиҳ: Ж. Йўлдошев
Компьютерда саҳифаловчи: Ж. Жонузоқов

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz
Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004
й. Қоғоз формати 60x84 ¹/₃₂. Офсет босма усулида босилди. Нашр босма
тобоғи 10. Нусхаси 500

Буюртма № 156

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.
700000, Тошкент, Ж-Непу, 1.

«Тараққиёт ПСН» матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Белтепа мавзеси, 18-б.



АБДУРАҲМОНОВ Қаландир Арифович — “Меҳнат иқтисодиёти ва социология” кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган хилоф таълими ходими, Олий таълим фанлари Халқаро Академиясининг академиги. Бир неча халқаро ва миллий академияларининг ҳақиқий аъзоси. 150 нафардан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан, 20 дан ортиқ йирик илмий ишлар, қўлланмаларининг муаллифи. Илмий ишларининг асосий мавзуси меҳнат бунйчи ижтимоий-иқтисодий муаммолар, персонал менежменти ва бошқа бир қатор иқтисодиёт масалаларига бағишланган.

ЗОКИРОВА Нодира Қаландаровна — Иқтисод фанлари номзоди. Г.В. Плеханов номида Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали “Тадбиркорлик ва бийқарув” кафедраси доценти. Бир неча дарслик ва ўқув қўлланмалар, ҳамда 20 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Республика Фан ва технология Марказининг буржумасига асосан кўплаб илмий изланишларда иштирок этиб келмоқда. Илмий ишларининг асосий мавзуси - Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва иш билан бандлик муҳиммаври.



ТОҲИРОВА Халима Қур'атовна — “Меҳнат иқтисодиёти ва социология” кафедраси доценти. 2 та ўқув қўлланма, ҳамда 10 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Республика Фан ва технология Марказининг буржумасига асосан кўплаб илмий изланишларда иштирок этиб келмоқда. Илмий ишларининг асосий мавзуси - Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муҳиммаври.

